

O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№9. 2018

*Азиз ва ягонаман,
Жонажон Ўзбекистоним!*



Диёримиз аҳлини, аграр соҳанинг барча тармоқларида
фидокорона меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни
Энг улуг, Энг азиз аём —
халқимиз озодлиги, давлатимиз
мустақиллиги куни муносабати
билан самимий муборакбод этамиз.
Ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз сарбаланд,
ҳаётимиз янада фаровон бўлсин.

**Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ва
Сув хўжалиги вазирликлари**





«ЗОМИН-ЎРИКЛИСОЙ»

МЧЖ дам олиш ва
соғломлаштириш
мажмуаси жамоаси

*Халқимиз дастурдонини
нозу неъматга тўлдираётган
фермерлар, қишлоқ хўжалиги
ходимларини, барча-барчани
азиз ва музаффае байрам
Мустақилликнинг 27 йиллиги
билан табриклайди.
Уар бир кунимиз қутли,
гирмонларимиз баракали
бўлсин!*



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни энг буюк, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кўни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Биз учун янги давр, эркин ва озод ҳаётни бошлаб берган шу кутлуғ санада халқимиз қандай машаққатли ва айни вақтда шарафли йўлни босиб ўтганини яна бир бор чуқур ҳис этамиз.

Мана шундай улуг айёмда бутун ҳаётини озодлик учун курашга бағишлаган, бу йўлда жон фидо қилган ота-боболаримиз, мард ва жасур юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирамиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асосчиси, Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг барҳаёт номларини ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга оламиз.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик туфайли биз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, **миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари** дадил қадам қўймоқдамиз.

Мамлакатимиз тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Бу ноёб ҳужжатда белгиланган улугвор вазифаларни рўёбга чиқаришга қатъий киришганимиз биз учун янги уфқ ва имкониятлар очиб бермоқда.

Дунё миқёсида рақобат кескинлашиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимизни илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар асосида модернизация қилиш ва янгилаш энг муҳим вазифамизга айланмоқда. Ана шундай ўткир талабни чуқур англаган ҳолда, биз 2018 йилни юртимизда **Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**, деб эълон қилдик.

Бу борада қабул қилинган Давлат дастурида 11 триллион 200 миллиард сўм ва 1 миллиард 300 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур ижросини таъминлаш учун кенг кўламдаги улкан ишлар олиб борилмоқда.

Юртимизда фаол инвестиция сиёсати юритилмоқда, замонавий корхоналар барпо этилмоқда, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилиниб, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш, барча соҳа ва тармоқларда инновация, илм-фан ютуқлари, янги ва ижодий ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалигида замонавий, истиқболли тармоқларга асос солиш, кластер тизими-

ни йўлга қўйиш, фермер хўжалиқларининг натижадорлигини кучайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ана шундай улкан саъй-ҳаракатларимиз натижа-сида юртимизда **макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда**.

Биз учун энг устувор вазифа бўлган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, **“Обод қишлоқ”** ва **“Обод маҳалла”** дастурлари мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам янгилаш нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирмоқда. Одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгармоқда, қишлоқда турмуш маданияти ошиб бормоқда.

Бутун мамлакатимизни қамраб олган мазкур дастурлар доирасида 416 та қишлоқ ва 105 та маҳаллада курилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Буларнинг барчаси жонажон Ўзбекистонимизнинг янги, обод қиёфасини яратиш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Аҳолиимизнинг **замонавий уй-жойга** бўлган талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида жорий йилда 13 минг 900 дан зиёд оилага мўлжалланган 335 та кўп қаватли турар жой фойдаланишга топширилди. Йил охиригача бу рақам 2017 йилга нисбатан 2 баробар кўпаяди.

Ана шу йўналишдаги ишлар қишлоқ жойларда ҳам янгиланган лойиҳалар асосида олиб борилмоқда. Ҳозирги кунга қадар қишлоқларда 40 мингта оила янги хонадонларга кўчиб кирди.

Бу борада биз илгари етарлича эътибор бермаган муҳим масала — яъни, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунинг тасдиғини ўтган 2 йилда 1000 нафардан ортиқ шу тоифага мансуб инсонлар уй-жой билан таъминлангани мисолида кўриш мумкин.

Албатта, барчамизни хурсанд қиладиган бундай ўзгаришлар минг-минглаб оилалар ҳаётига шодлик ва бахт олиб келмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётда мана шундай қувончли воқеалар юз берганда инсоннинг қадди ҳам, қадрли ҳам кўтарилади. Бундай дамларда адолат ҳақида гапирмасангиз ҳам одамлар ҳақиқат ва адолат борлигига ишонади.

Илоҳим, юртимизда уй тўйлари, ҳовли тўйлари янада кўпайсин, бу хонадонларда янги ҳаёт бошлаётган одамлар мурод-мақсадига етсин!

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳар бир оилада тадбиркорлик муҳитини яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Кейинги икки йилда мамлакатимиз бўйича 700 мингдан ортиқ юртдошларимиз иш билан таъминлангани, тижорат банклари томонидан тадбиркор-

ларга 25 триллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз мамлакатимизда қандай дастур ва режалар қабул қилсак, уларнинг барчасида умидимиз, келажакимиз бўлган **ёшларимиз манфаатларини** алоҳида ҳисобга олмоқдамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимизда янги олий ўқув юртлари, хориждаги нуфузли университетларнинг филиаллари ташкил этилаётгани, қабул квоталари оширилгани, кўпгина йўналишлар бўйича сиртқи бўлимлар очилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни вақтда буюк алломаларимиз номидаги махсус мактаблар, ҳудудларимизда атоқли адибларимиз номидаги ижод мактаблари иш бошлагани, ёшларимиз ўртасида турли танлов ва фестиваллар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинаётгани уларнинг илмий ва ижодий камолотида катта роль ўйнамоқда.

Жамиятимизда **“Қонун ва адолат – устувор”**, **“Жинойтга жазо муқаррар”** деган муҳим принципларни таъминлаш, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларни том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар туфайли биз йиллар давомида деярли унутиб қўйган тартиб-интизом, қонун-қоида, одамларнинг ҳақли талаблари билан ҳисоблашиш каби энг муҳим тамойиллар ҳаётимизда тобора чуқур ўрин эгалламоқда.

Халқимизга хос кечиримли, раҳм-шафқатли бўлиш, бағрикенглик ва олижаноблик фазилатлари асосида жамиятимизда соғлом ижтимоий муҳит мустаҳкамланиб бормоқда.

Билиб-билмай нотўғри йўлга кириб қолган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган фуқароларни кечириб, уларни оиласи бағрига, фойдали меҳнатга қайтаришга қаратилган тадбирлар ҳақида сизлар яхши хабардорсиз.

Кунги кеча қабул қилинган Президент фармонида биноан қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 261 нафар шахс Мустақиллик байрами муносабати билан афв этилгани шу эзгу ишларимизнинг давоми бўлди.

Тасаввур қилинг, 261 инсон тақдиридаги бундай ўзгариш – бу аввало уларнинг оиласи, фарзандлари, ота-оналари, яқинлари ҳаётига нур олиб кирди, қувонч олиб кирди, деганидир.

Азиз юртдошлар!

Бугун бир фикрни тўла ишонч билан айтиш мумкин: **бугун жамиятимизни қамраб олаётган ана шундай эзгу ишларимиз туфайли ҳаётимизда файзу барака, миллатлараро дўстлик ва меҳр-оқибат туйғулари кучайиб бормоқда.**

Энг муҳими, мамлакатимизни янада тараққий эттириш йўлида олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатимиз эл-юртимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Халқимизнинг розилиги – бизнинг, биринчи навбатда, Президент сифатида менинг, барча бўғинда-

ги раҳбар ва мутасаддилар, депутат ва сенаторлар, бутун давлат идораларининг фаолиятига берилган энг олий ва энг адолатли баҳодир.

Агар халқимиз биздан рози бўлса, Яратган ҳам албатта рози бўлади.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги зарур. Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Мана, бугун Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган юртдошларимизга ана шу мукофотлар марказда ва жойларда тантанали равишда топширилди.

Ўзининг кўп йиллик фидокорона меҳнати билан эл-юртимиз ўртасида катта обрў-эътибор топган бу инсонларни ўз номидан, сизларнинг номингиздан яна бир бор табриклаб, эзгу тилакларимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Жонажон Ўзбекистонимизда, барча шаҳар ва қишлоқларимизда сизлар каби фидойи одамлар сафи янада кенгайиб, олижаноб меҳнатингиз самарасидан аввало ўзингиз, оилангиз, эл-юртимиз баҳраманд бўлсин!

Хонадонларингиздан бахту саодат, файзу барака ҳеч қачон аримасин!

Қадрли юртдошлар!

Бугун миллий тараққиётимизнинг янги босқичига қадам қўяр эканмиз, биз ютуқларимиз билан бирга хато ва камчиликларимизни ҳам чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш ҳақида ўйлашимиз табиийдир. Чунки бу ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким четдан келиб муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди.

Бу ҳақда сўз борганда, юртимизда халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги ва самарали тизими жорий қилинганини айтиш ўринли, деб ўйлайман. Бугунги кунда халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қила бошлагани учун ҳам одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгармоқда, эл-юртимиз ўз кучи ва имкониятларига, эртанги кунга ишонч билан қарамоқда.

Шунинг учун бир ҳақиқатни таъкидлаб айтмоқчиман: **халқ билан бевосита мулоқот олиб бориш, унинг дарду ташвишлари билан яшаш, эл-юртимизни рози қилиш – бу вақтинчалик кампания эмас. Бу – халқимизнинг фаровон ҳаётини, юртимиз равнақини таъминлашга қаратилган узоқ муддатли стратегиядир.**

Азиз дўстлар!

Бугунги таҳликали замонда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинч-осойишта, эркин ва обод ҳаётни ҳар томонлама асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш энг асосий вазифамиз бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини оширишга бундан буён ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз дунё миқёсидаги кескин ва бешафқат рақобатга бардош бериш учун иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга эришмоғимиз зарур.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини, хусусий мулк дахлсизлигини янада кенгроқ таъминлаш – олдимизда турган муҳим вазифадир.

Бу борада йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан бирга, туризм, кичик бизнес, оилавий тадбир-

корлик, деҳқон ва томорқа хўжаликларини, ҳунар-мандчилик ва касаначиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратамиз.

Айниқса, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаётини янада яхшилаш, кам таъминланган қатламларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида биз **“Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастурини** қабул қилдик. Ушбу дастур ижроси учун шу йилнинг ўзида 786 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда. Бунинг натижасида, жумладан, 100 мингдан ортиқ ёшларимизнинг бандлиги таъминланади.

Ёш оилаларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш, касб-ҳунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича белгиланган катта ишлар изчил давом эттирилади.

Ҳурматли ватандошлар!

Шу кунларда Индонезияда 45 та мамлакат вакиллари ўртасида бўлиб ўтаётган ёзги Осиё ўйинларида навқирон спортчиларимиз шижоат ва маҳорат кўрсатиб, **15 та олтин, 19 та кумуш, 23 та бронза** медални қўлга киритганлари ҳаммамизга қувонч бағишлайди.

Мамлакатимиз шухратини дунёга тараннум этаётган спортчи ёшларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийларига сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга руҳсат бергайсиз.

Қадрли анжуман қатнашчилари!

Биз жаҳон ҳамжамияти билан, барча узоқ-яқин давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада кучайтирамиз.

Турли халқаро ташкилотлар, нуфузли молия институтлари билан кенг тармоқли ҳамкорликни ривожлантириш бизнинг миллий манфаатларимизга тўла жавоб беради ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маро-

симда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакиллари-га, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига сизларнинг номингиздан, ўз номидан самимий ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимизни билдиришга ижозат этгайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрами билан яна бир бор чин қалбдан самимий табриклайман.

Мана шу улуг айёмда барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимизга фарзандлик меҳрим билан таъзим қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, кўнглимдаги энг эзгу тилакларни билдирмоқчиман.

Бугун барчамиз нуроний оқсоқоллар, муҳтарам фахрийларимизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

Мўътабар, дуоғўй онахонларимизга чин юракдан фарзандлик ташаккуримизни билдираамиз.

Хонадонларимиз кўрки ва фариштаси бўлган мунис аёлларимиз доимо соғ-омон, бахтли-саодатли бўлсинлар! **Чунки аёл, она бахтли бўлса – жамият бахтлидир.**

Ватанимиз ва халқимизга ўзининг билим ва заковати, маънавий салоҳияти билан хизмат қилаётган илмий ва ижодкор зиёлиларимизга янги-янги ютуқлар ёр бўлсин!

Юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик янада барқарор бўлсин!

Азму шижоатли ёшларимизнинг, барча фарзандларимизнинг бахту камолини, омадини берсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

Истиқлолга эришганимизга – халқимизнинг асрий орзуси ушалганига ҳам 27 йил бўлди. Қон тўкмасдан, қирғин-баротларсиз мустақилликка эришиш тарихда жуда кам учрайди. Ўзбекистон халқи ўзининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов бошчилигида ана шундай саодатга эришди.

Хурриятнинг дастлабки кунларида омборларимизда уч кунга етадиган дон қолган таҳликали бир вазиятда, давлат ва халқ якдил бўлиб, сиёсий мустақиллик билан бирга иқтисодий, миллий-маънавий жабҳаларда ҳам илдам ҳаракат қилди. Аграр соҳанинг 27 йиллик тарихига назар ташласак, меҳнаткаш халқимизнинг қисқа фурсатда эришган ютуқлари намоён бўлади.

Масалан, 1991 йили бошоқли дон экинлари учун республикамиз бўйича бор-йўғи 221 минг гектар сувли майдон ажратилган. Ҳосилдорлик 17 центнердан,

ялпи хирмон 940 минг тоннадан ошмасди. У хирмон 21 миллионлик аҳолимиз эҳтиёжининг бешдан бир қисмини ҳам қондирилмасди. Шу боис 5 миллион тонна дон катта-катта маблағлар эвазига четдан келтирилди.

Давлатимиз томонидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли пахта майдонлари икки баробар қисқартирилиб, пахта етиштириш 6 миллион тоннадан 3 миллион тоннагача камайтирилди. Деҳқонларимизга пахтадан бўшаган ерлар озиқ-овқат экинлари етиштириш учун ажратиб берилди.

Орадан кўп ўтмай Ўзбекистон ғалла мустақиллигига узил-кесил эришди. Бугунги кунда ғаллакорларимиз етиштираётган ўртача ҳосилдорлик 55–60 центнерни ташкил этмоқда. Заҳматкаш халқимиз нималарга қодирлигини аҳли башар олдида такроран намоён этди. Бугунга келиб Ўзбекистон 33 миллиондан зиёд аҳолисидан ўз дони билан тўла таъминлабгина қолмай, ғалла экспорт қилувчи мамлакатлар сафидан ўрин эгаллади.

Пировардида наинки ғаллачилик, балки аграр соҳанинг барча тармоқлари ҳам ривожланмоқда. Масалан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2 баробарга ошди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмоли 1,3, сут ва сут маҳсулотлари 1,6, картошка 1,7, сабзавотлар 2, мевалар қарийб 4 мартага кўпайди. Республикаимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмом меъёридан уч баробар кўп демакдир.

Шунингдек, биз дунёнинг 80 та давлатига 180

турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва қайта ишланган маҳсулотларни экспорт қилмоқдамиз. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўпгаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўн та етакчи давлат қаторига киради.

Кўриниб турибдики, мустақиллик халқимизга сиёсий жиҳатдан озодлик бахш этиши билан бирга, катта иқтисодий ва ҳуқуқий имкониятлар бердики, натижада бугун ҳар бир фуқаро ўз меҳнати маҳсулидан ҳам ўзи манфаатдор бўлиб, ҳам эл-юртга фойда келтирмоқда.

Бу жараёнда фермерлик ҳаракати ривожланиб, натижада мамлакатимизда кейинги йилларда 160 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари шаклланди. Улар бугунги кунда 10 дан ортиқ йўналишларда самарали фаолият юритмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари сафи кенгайиб, 50 фоиздан ортиб кетди. Натижада, узоқ-узоқ қишлоқларда юз минглаб янги иш ўринлари барпо этилди.

Деҳқону чорвадорларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ўтган йили 2 миллион 930 минг тоннадан зиёд пахта ҳосили, 12 минг 450 тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 23 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилди.

2017 йили биринчи марта ғалладан бўшаган қарийб 1 миллион гектар майдонга сабзавот, картошка, полиз ва дуккакли экинлар экилди ва миришкорларимиз 5,5 миллион тоннадан ортиқ қўшимча маҳсулот етиштиришга эришдилар.

Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонларнинг даромадини ошириш борасида олиб бораётган тизимли ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Масалан, ўтган йили 96 минг гектар ҳосилдорлиги паст майдонларда пахта ва ғалла ўрнига 32 минг гектар ерда карам, турли сабзавот ва кўкатлар экилди ва бу майдонлардан олинган минглаб тонна маҳсулотлар экспорт қилинди. Шунингдек, 11 минг гектарда интенсив боғ ва янги токзорлар, 1 минг 500 гектарда иссиқхоналар барпо этилди.

Шу ўринда, давлатимизнинг қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида ҳар йили 2 триллион сўмдан ортиқ, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун

эса 400 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилаётганини алоҳида таъкидламоқ лозим. Натижада, ерларнинг мелиоратив ҳолати тобора яхшиланиб, деҳқонларимиз етиштираётган ҳосил миқдори тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистонни 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигини ҳам модернизация қилиш борасида энг муҳим вазифаларни аниқ белгилаб, уларни изчил амалга ошириб бораётганимиз со-

ҳадаги улкан муваффақиятларга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу борада тараққиётимиз истиқболи бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида таркибий ўзгаришлар амал-

га оширилаётир. Мисол учун, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда анъанавий ёндашувлардан воз кечилиб, деҳқонлар даромадини кўпайтирадиган, экспортга йўналтириладиган маҳсулотларни етиштиришга инвестициялар жалб қилинмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" деган тамойилдан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш учун янги имконият ва имтиёзлар яратилмоқда. Энг муҳими, бу соҳа минг-минглаб фуқароларимиз, аввало, ёшларимиз учун ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш, эл фаровонлигини оширишда мустақам замин бўлаётир.

Ижтимоий жиҳатдан назар ташласак, ўтган йили Президентимиз бошчилигида аҳолини арзон уй-жойлар масаласини ҳал этиш мақсадида 2017–2021 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур қабул қилинган эди.

Мазкур дастурга биноан, шу йиллар мобайнида 1 минг 136 та кўп қаватли, арзон уй-жойлар, жумладан, қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 100 мингдан ортиқ турар жой бинолари барпо этилади.

Бу борада "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам янгилашни нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирмоқда.

Ҳозирги кунда бу дастурлар доирасида 416 та қишлоқ ва 105 та маҳаллада қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Аҳолининг замонавий уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида жорий йилда 13 минг 900 дан зиёд оилага мўлжалланган 335 та кўп қаватли турар жой фойдаланишга топширилди. Йил охиригача бу рақам 2017 йилга нисбатан 2 баробар кўпайиши кутилмоқда.

Қишлоқ жойларда ҳам янгиланган лойиҳалар асосида ишлар олиб борилиб, ҳозирга қадар қишлоқларда 40 мингта оила янги хонадонларга кўчиб киришга эришди.

Шундай улкан бунёдкорлик ишлари кўламини тасаввур қилган одамнинг кўнгли сурурга тўлади, мустақилликнинг қадри қалбларда янада жўш уради!

Тоҳир ДОЛИЕВ.

Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари дадил қадам қўймоқдамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИШ – МУҲИМ АГРОТЕХНИК ТАДБИР

Пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнат эвазига етиштирилган пахта ҳосилини қисқа муддатда уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш энг муҳим агротехник тадбирлардан бири ҳисобланади. Чунки теримни илмий асосланган агротехник талаблар асосида ташкил этиш орқали ҳосилдорликни 15–20% ошириш ёки эътиборсизлик туфайли шунча ҳосилни йўқотиш ҳам мумкин.

Масалан, айрим жойларда ғўза майдонларида кўсақлар етарлича очилмасдан, йиғим-терим ишларини талабларга мувофиқ ҳолда ташкил этмасдан теримга тушиш оқибатида, тўлиқ етилмай яхши очилмаган кўсақлар ҳосили терилиб, пахта салмоғи ва сифатига, пировардида ҳосилдорликка путур етади, шартномавий режалар бажарилмай, иқтисодий самарага эришилмай қолади.

Ҳўш, жорий йилда пахта теримида нималарга эътибор бериш лозим? Маълумки, бу йил пахта ҳар йилгидан 10–15 кун кечки бўлиб етилди. Ғўза ривож асосан июль-август ойида авж олди, кўсақлар олдинги йиллардагидек, август ойи ўрталари ва иккинчи ярмида пишиб етилмади. Бу эса йиғим-терим ишларига ҳам биров кечроқ киришиш кераклигини тақозо этади. Айниқса, Самарқанд вилоятида ғўза ривож орқадалиги, шундай ҳолат деярли барча минтақаларда ҳам мавжудлиги туфайли ғўза дефолиациясини ҳам ҳар йилгидан бошқача, яъни ҳар бир даладаги ғўзанинг биологик етилганлигидан келиб чиқиб, табақалаштирилган ҳолатда амалга ошириш, ёш кўсақларнинг тўкилиб кетишига ёки мажбуран очилишига йўл қўймаслик лозим.

Бу йилги шароитда кўсақлар очилишини тезлаштирувчи “Дал-рост”, “Узпреп” каби таркибида этефон сақловчи, ўсишни созловчи биостимуляторлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай препаратлар кўсақлар 30–35% очилганда 1,5–2,0 л/га меъёрда қўлланилса, кўсақлар очилиши 15–20% жаддалашуви натижасида орадан

10–12 кун ўтгач, 90–100% табиий ҳолатда пишиб етилади ва пахтани 1 ёки 2 теримда тўлиқ териб олишга шароит яратилади.

Илмий асосланган тавсияларга мувофиқ, пахта теримига киришишдан олдин, аввало, далани теримга тўғри тайёрлаш лозим. Бунинг учун аввал чигит мақбул муддатларда экилиб, эртаги пишиб етилган далаларда 45–50% кўсақлар очилган бўлса, дефолиация ўтказилади. Дефолиация ишлари



жорий йилда табақалаштирилган ҳолда бошқа йиллардагидан фарқ қилиб, ҳар йилгидан кечроқ ўтказилиши, кечки кўсақларнинг ҳам тўлиқ етилиб, очилишига имкон беради. Дефолиациядан 12–14 кун ўтгач, дала пахта теримига тайёр бўлади, ҳар бир далага техника кириши учун йўллар қилинади, суғориш ариқлари кўмилиб, даладаги челлар ва ўқариқлар текисланади. Дала боши ва охирида айланма майдондаги ғўзалар ўриб олиниб, тиркамалар юриши учун қулайлик яратилади. Ҳар бир фермер хўжалигининг умумий ер майдонини инобатга олиб, 30–50 гектарга битта пахта қуриштириш майдончаси ташкил этиш тавсия этилади.

Ғўза даласидаги ўқариқ ва сув

йўллари ёпилгандан сўнг, даланинг 5 нуқтасидан конверт усулида 10 тадан ўсимлик намунаси олиниб, ушбу ўсимликлардаги жами кўсақлар сони ва шундан очилгани санаб чиқилади. Намунадаги ўсимликларда кўсақлар 80–85% очилган бўлса, ушбу далада йиғим-терим ишларига киришилади. Агар очилиш даражаси кам бўлса, терим ишлари биров кечиктирилади. Масалан, 10 та ўсимликда жами 150 та кўсақ бўлиб, шундан 120 таси очилганлиги (80%) аниқланса, дала теримга тайёр ҳисобланади, шунда пахта ҳосили салмоқли бўлиб, тош босади, толаси ҳам сифатли етилган бўлади.

Пахта йиғим-терими ишларини ташкил этиш, яъни пахтани териш, тиркамага ортиш, қабул пунктларига топшириш, қабул қилиш, фарамлаш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзпахтасаноат” АЖ томонидан тайёрланган меъёрий ҳужжатлар ва тартиб қоидалар асосида амалга оширилади.

Ҳосилни ўз вақтида ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан териб олиш мақсадида, ҳудудларнинг шароитидан келиб чиққан ҳолда, ҳар 80–100 гектар ғўза майдонига мўлжаллаб биттадан терим отряди тузилади. Отряд таркибига фермер хўжалиги аъзолари

ва белгиланган шартнома асосида мавсумий ишга жалб этилган ҳашарчи теримчилар киритилади. Ҳар бир отряд теримчилар сонидан келиб чиқиб, уларни далага олиб бориш учун автотранспорт, пахтани ортиш ва ташиш учун трактор ва тиркамалар бириктирилади. Отрядга бириктирилган фермер хўжаликлари кесимида чигит экиш муддатлари, ўтказилган агротехник тадбирлар ва дефолиацияни ҳисобга олиб, пахта териш графиклари ишлаб чиқилади.

Далада теримчилар сони қуйидагича белгиланади: апробацияда ҳосилдорлик 30 ц/га. ни ташкил этган бўлса, 1-теримга 80% кўсақлар очилганда киришиш режалаштирилса, демак, 24 ц/га ёки гектарига 2,4 т пахта ҳосили 1-теримда те-

риб олинади. Даладаги ҳосил 3 кунда йиғиб-териб олинadиган бўлса, ҳар куни гектаридан 800 кг пахта терилиши керак. Ҳар бир теримчи ўртача кунига 65–70 кг пахта териш имконияти борлигини инобатга олсак, ҳар бир гектарга 11–12 нафардан кам бўлмаган теримчи жалб қилинади. Демак, 10 гектарлик контурда 110 киши, 20 гектарликка 220 киши ва ҳоказо. Шунинг учун ҳар бир фермер хўжалиги 1-теримда гектарини инобатга олиб теримчиларни бир гуруҳга тўплаши ва теримни тўғри ташкил этиши шарт.

Пахта ҳосилини сифатли йиғиб олишда теримлар орасидаги муддат катта аҳамиятга эга. Биринчи терим билан иккинчи терим ораси 15–20 кунни, иккинчи терим билан учинчи терим ораси 10–15 кунни ташкил этиши керак. Акс ҳолда пахта хомашёси тўлиқ пишиб етилмай териб олиниб, салмоғи камайиб, сифатининг пасайишига олиб келади.

Шунингдек, пахтани хом термаслик, чаноғида қолдирмасдан, сифатли териб олиш бўйича доимий назоратни йўлга қўйиб, тўлиқ териб олинган пахта майдонларига байроқчалар ўрнатилади. Бунинг учун эгат узунлиги 50–60 метрдан узун бўлган ерларда, ҳар 50–60 метрдан кейин теримчиларни қаторга қўйиш лозим. Яъни, далани бўлак-бўлак териб олиш яхши самара беради. Бунинг учун ҳар 100 метрда чел ва ўқариқ ўрни текисланиб, прицеп-тиркачалар юриш йўллари тайёрланиши шарт. Терилган пахта қуритиш майдонига олиб келиниб, ёйилиб, ша-

моллатиб қуритилгандан сўнг қабул пунктларига жўнатилади. Қабул масканларига жўнатиш пахта ҳархил аралашмалардан (яшил ва қуруқ барг, чаноқ, хом кўсак, бегона ўт барглари ва бошқа ёт қўшимчалардан) тозаланган бўлса, унинг саноат нави шунча юқори, нархи ҳам қиммат бўлади ва шундай тоза пахта оғирроқ тош босади.

Уруғлик пахтани териш тартиби. Уруғлик пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида махсус комиссия томонидан апробациядан сўнг, уруғлик пахтани териб олиш тартибига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилади. Уруғлик пахта гўза тупининг 3–7-ҳосил шохидаги биринчи кўсақлар пахтасидан териб олинади. Бир тупда очилган ҳамма кўсақлардаги пахтани тўлиқ териш мутлақо мумкин эмас. Чунки, бунда уруғлик чигит сифати пасайиб кетади, бу эса кейинги йил ҳосилига жиддий путур етказиши мумкин. Уруғчилик фермер хўжаликларида йўналишига қараб, уруғлик авлодлар бўйича алоҳида терилиши керак.

Уруғлик пахтани териб олишда далада камида 65–70% кўсақлар очилган бўлиши ҳамда теримда иштирок этадиган теримчилар уруғлик пахтани териб олиш тартиби билан таништирилиши шарт.

Уруғлик пахтани теришда теримчиларга махсус чўнтакли этаклар-фартуқлар берилиб, асосий уруғлик пахта этакнинг ичига, тўлиқ ривожланмаган ва касалланган кўсақлардаги пахта эса ён чўнтакка солинади. Умуман, уруғлик пахтани теришга уруғлик ишларидан хабардор, малакали ишчиларни жалб

қилиб, уларнинг масъулиятини ва жавобгарлигини ошириш зарур.

Мутахассислар томонидан уруғлик учун яроқли деб топилган гўза майдонлари бегона ўтлардан ва бошқа нав аралашмаларидан тозаланган бўлиши лозим. Уруғлик пахтани териш уруғчилик хўжалиги уруғчи агрономи, гўза уруғчилиги маркази мутахассислари ва назоратчи инспекторлар назорати остида ташкил этилиши шарт. Уруғлик пахтани териб олишда 3-ҳосил шохидан пастдаги ва 8-ҳосил шохидан юқоридаги шохлардан ва гўзанинг асосий тупидан узоқ жойлашган, касалланган, яхши очилмаган, зараркунанда ҳашаротлар билан зарарланган кўсақлар пахтасини териб олиш қатъий таъқиқланади.

Уруғлик пахтани терувчи ҳар 10 нафар теримчи устидан битта назоратчи қўйилиши лозим. Уруғлик пахтани териб олишда пахта салмоғи эмас, балки сифатига эътибор бериш, энг сифатли, яхши уруғлик тайёрлаш лозим. Ҳар бир нав муаллифи ўзининг нави уруғи экилган элита уруғчилик хўжаликларида бўлиб, терим сифатини ва навдорлик кўрсаткичларини назоратга олиши орқали унинг навдорлигини оширади, кейинги йил учун юқори сифатли уруғлик чигит тайёрланади.

Уруғлик пахтани пахта тозалаш корхоналари ёки тайёрлов пунктларига топширишдан олдин, хирмонларда бир-икки кеча-кундуз давомида қуритиб, кейин топширилса, унинг саноат навдорлиги ошади. Бундан ташқари, уруғнинг сифати яхшиланади, физиологик етилиши тезлашади, натижада уруғлик чигитнинг унувчанлиги ва униб чиқиш қуввати ортади.

Пахта йиғим-теримида юқоридаги тавсияларга амал қилиниб иш юритилса, бу йилги табиат қийинчиликларига қарамасдан миришкор деҳқонларимизнинг заҳматли меҳнатлари ҳисобига етиштирилган пахта ҳосилини қисқа муддатларда уюшқоқлик билан исроф қилмасдан йиғиб-териб олишга эришилади.

Ш.АБДУАЛИМОВ,
қ.х.ф.д., профессор,

Ф.ҲАСАНОВА,
қ.х.ф.н., катта илмий ходим,
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти бўлим мудирилари.



ПАХТАНИ МАШИНАДА ТЕРИШ САМАРАСИ

Илгарилари ҳар бир хўжалик идораси, бригада шийпони, таъмирлаш устахонаси деворларига, ҳаттоки қишлоқнинг катта йўлларидаги симёғочларга ҳам "Техника – деҳқоннинг қано-ти", "Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиб, опси-сингилларимизни машаққатли меҳнатдан озод этайлик!" каби шиорлар ёзилган алвонлар осилган бўларди.

Чунки ўша вақтнинг раислари, директорлари, айниқса, бригадирлари қўл меҳнатининг оғирлигига, пахта териш машинасининг кучи ва имкониятларига жуда катта эътибор беришарди.

Дарҳақиқат, бир кунда 50 килограмм пахта терадиган теримчи дала пайкалида эгилганича ҳар бирининг вазни ўртача 6 грамм келадиган 8333 та (50000:6) чаноққа бирма-бир қўл чўзади, пахта паллаларини бармоқлари билан суғуриб олади ва белга боғланган этакка ташлайди. Терган пахтасини қопга жойлаб, елкалаб кўтарганича энг камида икки марта дала уватида (200–300 метр масофада) турган тиркама олдига олиб боради ва тарозибонига топширади.

100 килограмм терадиган чевар теримчининг машаққати шунга монанд: 16666 та чаноқ билан "тиллашади", тўрт марта тарозига бориб келади.

Биз юқориди "теримчи" деган сўзни кўп ишлатдик. Сир эмаски, теримчилар фермер хўжалигининг ишчиларидангина иборат эмас. Уларнинг ичида ўқитувчилар ва ўқувчилар, коллеж талабалари, шифокорлар ва кутубхоначилар ҳам кўп. Асосий иш бир четда қолганидан кейин ўқиш ва ўқитиш, доволаш ва китобхонлик салмоғи ҳамда сифати пасайиши тайин. Ҳайриятки, бу йилдан бошлаб Юртбошимизнинг ташаббуси билан бундай ишларга чек қўйилди.

Нохуш ҳоллардан яна бири – бу қўл терими мавсумининг узоқ давом этишидир. Масалан, 50 гектар ерда пахта етиштирган фермернинг шартномавий ҳосилдорлиги гектарига 3 тоннани ташкил қилганда, давлатга 150 тонна хомашё топшириши керак. Туман мутасаддилари бундай фермер хўжалигига бир кунда кўпи билан 50 нафар ёрдамчи ажратадилар. Буларнинг кучи билан бир кунда 2,5 тонна пахта териб олинади. Шартнома шартларини бажариш учун 60 кун (150:2,5) талаб этилади. Фермернинг ўзи, унинг энг камида 5 нафар аъзоси ва 60 нафар ёрдамчи шу давр ичида фақат бир юмуш — қўл терими билан банд бўлади.

Фермернинг қўл теримидаги харажатлари:

- 1) 50 нафар ёрдамчи учун энг камида 100 дона этак сотиб олиш керак;
- 2) 150 тонна қўл терими пахтаси учун тўловлар;
- 3) тўлов суммасидан олинadиган солиқ миқдори;
- 4) 60 кун давомида қўл терим пахтасини қабул қилиш (энг камида 1 нафар тарозибон), юклаш (албатта эркак киши), ташиш (2 та тиркама уланган трактор поезди) ва тушириш;
- 5) 50 нафар теримчини далага олиб келиш ва олиб кетиш учун энг камида битта автобус (тегишлича автобусга бензин ва ҳайдовчига иш ҳақи);



- 6) энг камида 60 киши учун ҳар куни тушлик тайёрлаш (ошпаз харажатлари ҳам шунинг ичида).

Энди фермер ҳосиллини машинада теришнинг самара кўрсаткичларини таҳлил қилайлик.

1. Фермернинг 50 гектарлик майдонида етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш учун битта МХ-1,8 русумли икки қаторли машина етади. Бундай машина бир кунда 10 тонна пахтани бемалол тера олишини ҳисобга олсак, 150 тонна ҳосилни саранжомлаш учун 15 кун кифоя қилади. Ҳосил йиғими мавсуми 45 кун (60–15)га қисқаради.

2. Терилган пахтани қабул қилиш, тиркамага юклаш ва ундан туширишга харажат қилинмайди. Буларни машина ва тиркамаларнинг ўзи иш давомида бажаради.

3. 50 нафар ёрдамчи учун эмас, 1 нафар механик-ҳайдовчи учун тушлик тайёрланади.

Биз 2013–2017 йиллар пахта йиғим-терим мавсумлари натижалари

бўйича машина теримининг қўл теримига нисбатан иқтисодий самарасини аниқ рақамлардан ҳисоблаб чиқдик. Ҳисоб-китоб натижалари "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журналининг 2011 йил №8, 2016 йил №2 ва 2018 йил №2-сонларида батафсил келтирилган.

Самара миқдори далаларнинг катта-кичиклиги, етиштирилган пахта ҳосилдорлиги, гўза дефолиациясининг сифати, майдонларни ва машиналарни теримга тайёрлаш сифатига боғлиқ равишда гектарига 215–380 минг сўмни ташкил этмоқда.

Бу самарани ҳамма яққол кўриб турибди. Шу боис биргина Сирдарё вилоятида йиллик пахта топшириш режаларини машина терими ҳисобига удалаган "Йўлчибой ота", "Омонбой ўғли Тугал", "Тугмабой", "Абдужаббор", "Эркаев Бозорбой", "Сирдарё чуқур сой", "Алишер янги обод" ва "Сирли тонг хилоси" каби фермер хўжаликлари, 10–15 кун ичида 100–120 тонна пахта теришга эришган А. Хўжаев, К. Келдибеков, Қ. Мирзааҳмедов, И. Эминов ва Э. Шербеков сингари механик-ҳайдовчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Яна бир масалага эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Фермер хўжаликлари далаларида пахта ҳосилдорлиги ошгани сайин машина теримининг иқтисодий самарадорлиги кўпайиб боради. Чунки қўл теримида сарф-харажатлар маҳсулот миқдорига тўғри мутаносибликда ортиб борса, машина теримида бундай боғлиқлик кузатилмайдди. Масалан, пахта териш комбайнида сарф-харажатларнинг катта қисмини ташкил этувчи бир гектар учун сарф қилинадиган ёнилғи миқдори ёки амортизация ажратмалари (лизинг тўлови) пахтанинг ҳосилдорлиги гектарига 20 центнер бўлганда ҳам, 35 центнер бўлганда ҳам бир хиллигича қолади. Шунинг учун ҳам ҳосилдорлиги юқори бўлган пайкаларда машина теримидан устувор равишда фойдаланиш юқори самара беради.

Машина теримидан фойдаланиш афзалликларидан яна бири пахта майдонларининг ҳосилдан тезда бўшатилишидир. Бунинг натижасида ерларни ёғин-сочинларга қолдирмасдан сифатли шудгорлаш, кейинги йил ҳосили учун ғалла, такрорий ва оралиқ экинлар экиш учун қулай имкониятлар яратилади.

М.ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., (ҚХМЭИТИ).

МЕВАЛАРНИ ТЕРИШ ВА САҚЛАШ

Жорий йилда мамлакатимиз боғ ва токзорларида мисли кўрилмаган даражада кўп мева ва узум ҳосили етиштирилди. Об-ҳавонинг эрта илиши ҳамда июнь-август ойларида ҳавонинг ҳаддан ташқари исиб кетиши боис боғларимизда ва токзорларимизда мева-узумлар 15–20 кун олдин пиша бошлади. Натижада ушбу ҳолат айрим вилоятларда фермер хўжалиklarини шошириб қўйди. Боғларда мевалар тезлик билан пишиши боис биринчи навбатда пишиб етилган меваларни кетма-кет териб, савдо тармоқларига ва қайта ишлаш саноатига юборилмоқда.

Сентябрь ойида мевали боғларда ва токзорларда мавсумий парвариш ишлари асосан тугалланган бўлиб, қишга сақлаш учун мева ва узум ҳосилини теришга эътибор қаратиш зарур.

Меваларнинг кеч пишар навлари бу йилги шароитда сентябрь ойи бошида пишиб етилиб бўлди. Эндиги вазифа ушбу ҳосилни нес-нобуд қилмасдан териб олишга қаратиш зарур. Бунинг учун теримчиларга мева-узум ҳосилини териш техникасини тушунтириб, улардан сифатли қилиб ҳосил териши талаб этилади.

Боғларда меваларни теришда энг аввал ерга тўкилган мевалар териб олинади, кейин дарахтдан ҳосил узилади. Узилган мева-узумлар товар ҳолатига келтирилади, яъни улар сараланади, катта-кичикликка ажратилади ва яшикларга тахланади. Яшикларга жойланган мева-узум маҳсулотлари транспорт воситаларига ортиб, сақлашга, қайта ишлашга, сотувга юборилади ёки экспорт қилинади.

Айрим данакли мевалилардан шафтоли ва олхўри меваларининг

пишиб етилганлари қуритишга, яъни салқин жойларга дарахтлар тагида қўйиб очиқ ҳавода қуритилади.

Қуритиш мавсуми бошланганда ёғингарчилик ҳам бошланади. Натижада кўп хўжаликларда мева-узум маҳсулотни исроф бўлиши мумкин. Шунинг учун кейинги йиллари мева-узум маҳсулотларини янги усул, яъни плёнка ёпилган хоналарда қуритиш афзаллиги аниқланди. Бунда академик М.Мирзаев номли БУВаВИТИ олимлари томонидан мева-узумларни плёнка остида қуритиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, фермер хўжалиklarига сифими бўйича 0,5–0,8 тонна сифимидаги палаткалар тавсия этилади.

Буларга: ярим очиқ палатка. Ушбу палатка қуйидаги катталикида бўлади: эни 4 м, энг баланд тепаси 2 м 40 см, ён деворларининг баландлиги 1 м. Палатканинг иккала ёни томонига патнисларнинг жойлаши учун этажеркалар ўрнатилади. Ҳар қайси патнисга 6–8 кг мева ёки узум сиғади. Палатканинг ён деворлари ердан 40 см баланд-

ликда плёнка билан беркитилади. Қуритиш жараёнида пайдо бўлган буғларни чиқариб юбориш учун табиий ҳаво алмашиши таъминланади. Палатканинг ичида ҳарорат ташқарига нисбатан 2–3°C юқори бўлади.

Йиғма палатка, бу бошқаларга нисбатан қуйидаги афзалликларга эга: усти полиэтилен плёнка билан ёпилади ва энгил йиғилади. Йиғма палатка эни ва узунлиги – 4 м, энг баланд тепа қисми – 2 м 20 см, ён деворларининг баландлиги – 1 м. 60 см. Палатканинг пастки қисми ердан 40 см баландликда очиқ туради, қолган қисми плёнка билан тўлиқ ёпилади. Палатка ичидаги ҳарорат ташқаридагига нисбатан 3–6°C юқори бўлади. Эрталабки шудринг палатка ичига ўтмайди.

Қишқи олма, нок ва беҳи навларининг асосий қисмини сақлашга, яъни совутгичли омборхоналарга жойлаб кеч куз ва қиш ойларида экспортга йўналтириш ҳамда аҳоли истеъмоли учун сотувга чиқаришга қаратиш зарур.

Қишқи узум навлари «Пушти тойфи», «Нимранг», «Хусайни», «Ризамат», «Октябрьский» навларининг бир қисмини экспорт қилиб, асосий қисмини сақлашга қўйилади. Саноатбоп узум навларининг ҳосили қайта ишлаш саноат корхоналарига юборилади.

Ушбу ойда пишган кечки мева-узумнинг бир қисми сақлашга қўйилади. Мева-узум маҳсулотлари ертўлалар, омборлар, оддий ўралар ёки типовой омборхоналарда ҳамда совутгичли омборхоналарда сақланади.

Мева-узум маҳсулотларини сақлаш учун энг яхши шароит ҳаво ҳарорати ва намликни доимо аниқ белгиланган даражада сақлаб туриш зарур.

Мевалар етилганда, уларни об-ҳаво қуруқ вақтда, банди билан бирга авайлаб узиш керак.



Сақлаш учун терилган мевалар етилиш даражаси бўйича навларга ажратилади ва уларни ўлчамлари бўйича саралаб, яшиқларга жойланади, 7–8 яшиқни устма-уст омборни шипигача 50–60 см масофа қолдириб тахланади. Яшиқларнинг айрим қаторлари ўртасида ҳаво юриши учун 10 см тирқиш ва юриш учун 60–80 см. ли йўл қолдирилади.

Олмани омборларда идишсиз сақлаш учун деворлар бўйлаб турли кенликда, баландлиги 10–15 см. ли ёндорли сўқчалар ўрнатилади.

Тахтадан ёки фанерадан ишланган баландлик параллел жойлашган сўқчалар ўртасида 70–80 см. дан кам бўлмаслиги керак.

Мева-узумларни сақлаш вақтида текшириб туриш учун сўқчалар пирамида шаклида ўйиб ёки юпқа қават қилиб ёйиб қўйилади.

Олма ва нокни 5–6 ойгача сақлашнинг энг яхши шарт-шароити ҳаво ҳарорати 0–1°C ва нисбий намлик 85–95% бўлиши керак.

Албатта, оддий ертўлаларда бундай шароитга эришиш қийин, шунинг учун юқоридаги шароитга яқинлаштиришга ҳаракат қилиш керак, яъни ҳавони шамоллатиб, сув сепилиб, олтингургурт билан дуллаш ва мева-узумларни сифатини кузатиб бориш талаб этилади.

Узум сақланаётганда эҳтиёткорлик билан узилган узум бошларини сояга ёйиб, 1–2 кун мобайнида шамоллатиб сўлтилади. Сўнгра узум бошларини иккитадан бойлаб осиб сақласа бўлади. Ёки узун новдалар билан кесилган узум бошлари сувли идишга новдасини ботириб, қўйиб сақласа узокроқ сақланади.

Айрим жойларда узум қамишда тўкилган бордонларга ётқизиб ҳам сақланади. Сақланаётган маҳсулот бир ойда икки маротаба кўздан кечирилади ва омборхонага олтингургурт билан дулланади.

Маълумки тоқзорларда узумлар узиб олингач кетидан тоқзорларда кетма-кет тоқларни кесиш ва шакл бериш ишлари бошлаб юборилади. Бу агротехник тадбирлар барча ҳудудларда жанубий минтақалардан ташқари бошлаб юборилади.

Ток тупларининг новдаларини кесиш икки муддатда: ерга кўмиладиган тоқлар кузда, кўмилмайдиган тоқлар асосан эрта баҳорда кесилади.

Токдан мўл ҳосил олиш учун улар ҳар йили кесилиб, маълум



шаклга келтирилади. Ток новдаларининг сони ва тупда жойланиши тоқнинг ўсиш кучига қараб тартибга солинади. Ток кесиб турилганда унинг ҳосилга кириши тезлашади, мўл ҳосил бериш даври узаяди, тоқзорни ишлаш ва бунда механизациядан фойдаланиш, тоқнинг касаллик ва зараркунандаларига қарши кураш ишлари осонлашади. Мўл ҳосил олиш учун доимо яхши пишган, бақувват, соғлом ва бағазларда яхши ётадиган, нормал бўғим орасига эга бўлган новдалар қолдирилади.

Токни умумий қабул қилинган технологияси бўйича кесиш зарур. Ток кўмиладиган туманларда кесиш вақтида тупларда қабул қилинган мейёрдан 20–25% кўшимча кўзлар қолдирилади. Кучли ўсадиган Пушти тоифи, Нимранг, Ҳусайни, Ризамат, Қора кишмиш каби навларда кўзлар кўпроқ қолдирилиб, узунроқ кесилади. Бир тупда 200–300 тагача кўз қолдирилиб, ўртача ўсувчи Баян Ширей, Ркацители, Саперави, Мускат розовый навларида кўзлар сони 150–180 тагача қолдирилади. Кучсиз ўсадиган Рислинг, Пино Чёрный навларида 80–120 та кўз қолдирилади.

Пишган новдаларни кесишда, уларни пастки симга боғлаш мумкин бўлсин, заифроқ новдалар 2–3 та кўзча қолдириб кесилади. Келажакда 4–5 та занг бўлиши учун новдалар қолдирилади, 9–10 ёшли занг новдалар янгилиниш мақсадида кесиб ташланади.

Кесилган ток туплари кўндокланиб ерга ётқизилгач, кўмишдан олдин оидиум (кул) ва антракноз касалликларига қарши 3 фоизли Бордо суюқлиги ёки 5 градусли оҳак-олтингургурт қайнатмаси билан жиққа хўллаб пуркалади.

Мева дарахтларини қишлашга тайёрлаш зарур. Жорий йилнинг июнь-июль ойларида ҳаво-ҳароратининг қаттиқ исиб кетиши боис тупроқда нам анча камайган. Бунинг учун тупроқ қатлами қалин бўлган бўз ва бўз-ўтлоқ ерларга экилган боғларни сентябрь ойи бошида, тупроқ қатлами юпқа бўлган (таги шагалли ерларда) майдонларда сентябрь ойининг охиригача суғориш зарур. Бунда дарахтлар қишга яхши тайёрланади ҳамда совуқдан азият чекмайди.

Резавор мевали ўсимликлар (қулупнай, қорағат, малина) бу ойда яхши парвариш қилиниб бегона ўтлардан тозаланиб, таглари чопилиб, иложи борича чиринди (гўнг) билан озиқлантирилиб суғорилади. Шунда улар келаси йили ҳосили учун етарли миқдорда мева куртақларини ҳосил қилади.

Бу жараёнларда сариштали боғбонлар бу йилги ҳосил баракасидан баҳраманд бўлиш билан бирга, келгуси йил ҳосилига ҳам пухта замин яратадилар.

Р.АБДУЛЛАЕВ,
қ.х.ф.н.,

Н.ДЖАЛИЛОВ,

кичик илмий ходим,

Академик М.Мирзаев номли БУВаВИТИ

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Мамлакатимизда сув ресурсларини муҳофазалаш, улардан оқилона фойдаланишга қаратилган қатор миллий ва халқаро лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда, айниқса, қишлоқ хўжалигида тежамкор технологияларни қўллаш, ирригация тармоқларини модернизациялаш, томчилатиб суғоришни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигининг молиявий кўмагида амалга оширилаётган «Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий мувофиқлаштирувчи лойиҳаси» доирасида мамлакатимизнинг бир қатор туманларида семинар-тренинглар ўтказилди. «Сувни тежовчи технологияларни жорий этиш орқали фермер хўжалиklarининг сув танқислиги шароитларига мослашуви» мавзусидаги семинар-тренинглар Бухоро вилоятининг Бухоро, Навоий вилоятининг Кармана, Қашқадарё вилоятининг Миришкор, Сурхондарё вилоятининг Денов, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом, Жиззах вилоятининг Дўстлик, Сирдарё вилоятининг Боёвут туманларидаги фермерлар дала-мактабларида ташкил этилди. Уларда ҳудудлардаги фермер хўжалиklarининг раҳбарлари ҳамда сувчи-мироблари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг раҳбар ва мутахассислари, Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги ирригация бўлими ва ирригацион тизимлар ҳавза бошқармаси, мелиоратив экспедиция мутахассислари ҳамда туман сув хўжалиги бўлиmlарининг вакиллари иштирок этдилар.

Фермерлар ҳамда мутахассислар учун ташкил этилаётган бундай тадбирлардан кўзланган мақсад иштирокчиларни анъанавий ҳамда замонавий суғориш усуллари, экинларни суғоришда сувдан самарали фойдаланиш йўллари билан яқиндан таништириш, уларда сувга муносабат маданиятини оширишдан иборат. Бундан ташқари суғоришнинг сувни тежовчи янги технологиялари ҳамда уларни амалда қўллаш талаблари ва шартларини намойиш этиш, 2018 йилда кузатилаётган сув тақчиллиги шароитларини ҳисобга олган ҳолда, суғо-

риш тадбирларини самарали ташкил этиш юзасидан тегишли тавсиялар бериш ҳам назарда тутилган эди.

— Суғориш вақтини аниқ белгилаб олиш ва суғориш тадбирларини бажаришда технологик талабларга риоя этиш қишлоқ хўжалигида жуда катта аҳамиятга эга, — дейди Пастдарғом туманидаги «Нигина» фермер хўжалиги раҳбари Олим Мирзаев. — Маълумки, жорий йилда сув тақчиллиги сезилмоқда. Бу ҳолат бизни сувни янада қадрлашга, ундан замонавий тежамкор усуллар ёрдамида фойдаланишга ундамоқда.

Фермерлар дала-мактабларида тренинг қатнашчиларига машғулотларда суғориш турлари, экинларни суғоришнинг анъанавий ҳамда замонавий усуллари борасида тушунча берилди. Шунингдек, эгатлар орқали, қисқа эгатлар орқали суғориш, суғориш техникасига оид унсурлар, яъни элементларнинг энг мақбул қиймат ва миқдорларини танлаш, суғоришнинг такомиллашган технологик схемалари ва уларни қўллашнинг шарт-шароитлари, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари намойиш қилинди.

Суғориш мавсумида сувдан самарали фойдаланиш бўйича қандай чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин? Фермерлар ҳамда сув хўжалиги мутахассисларини қизиқтирган мазкур масалага ҳам тренинглар мобайнида ойдинлик киритилди. Жумладан, экин даласига суғориш тартибига мувофиқ равишда суғориш меъёрларига мос сув узатиш, сув ўлчовчи қурилмалар ҳамда сувнинг дала контуридаги ҳисобини юритиш юзасидан фойдали йўл-йўриқлар берилди.

— Кўзланган натижаларга эришиш учун, энг аввало, мавжуд сув ресурсларидан эҳтиёткорона ва оқилона фойдаланиш зарур, — дейди Навоий вилояти “Янгиобод сувчи” сув истеъ-

молчилари уюшмаси директори Шомил Тўраев. — Бу жараёнда ўз ҳудудларидаги ариқ-зовурлар, сув ўлчовчи ва тақсимловчи иншоотларни чўкиндиладан, сув ўсимликларидан ўз вақтида тозалаш сув истеъ-молчилар уюшмалари мутахассислари ҳамда фермер хўжалиklари ишчилари олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Мазкур семинар қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳамда сувчилар учун долзарб бўлган бир паллада шу каби масалаларни муҳокама қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш имконини берди.

Суғориш чоғида сувни ортиқча йўқотиш, исроф қилиш ҳолатлари рўй бермаслиги муҳим аҳамият касб этади. Бунда албатта суғоришнинг тежамкор усулларида фойдаланиш ва уларни қўллаш шарт-шароитларидан яхши бохабар бўлиш лозим. Мутахассислар бу борада тадбир иштирокчиларига муҳим йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бердилар, уларга шу мавзуга бағишланган буклетлар тарқатилди. Жумладан, эгилувчан суғориш тўпلامини қўллаш, ғўза қатор ораларини суғоришда қора плёнкадан ёки гидрорелдан фойдаланишнинг фойдали жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

Лойиҳа доирасида амалга оширилаётган бу каби ўқув семинарлари, уларда илгари сурилаётган мавзулар, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар сув ресурсларини тежаш, тупроқ унумдорлиги ва экологик ҳолатини яхшилаш, энг муҳими, фермерлар ва қишлоқ хўжалиги соҳасига дахлдор барча мутахассисларнинг бугунги кун талаблари ва шарт-шароитларига мувофиқ ҳолда фаолият юритишларини таъминлайди, қолаверса уларда сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтиради, албатта.

Б. БУРХОНЖОНОВ,
Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳа мувофиқлаштирувчиси.

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ
РЕСУРСЛАРИНИ
БОШҚАРИШ
ЛОЙИХАСИ
жамоаси**



*Бунёдкор халқимизни аерий орзу-
ниятларимиз ушалган кун -*

1 сентябрь -

Муетақиллик айёми

билан самимий муборакбод этади.

*Она юртимиз янада чирой очиб,
жонадонларимизда тинчлик-тотувлик,
фаровонлик ва файзу барака доимо
барқарор бўлишини тилайди.*

*Четиклол қуёшли дийри миз узра
мангу нур сочаверсин!*

ТЕХНИКА – ДЕҲҚОН МАДАДКОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги «2018–2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жорий йилда республикада жами 677 км узунликда ирригация тармоқлари, 13905 км узунликда очиқ ва ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш ва бунинг натижасида 543,6 минг гектар майдонда сув таъминотини яхшилаш ҳамда 296 минг гектардан ортиқ майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда ушбу ишларни сифатли даражада амалга оширишни ташкил қилишга “Ўзmeliомашлизинг” давлат унитар корхонаси орқали кейинги 10 йил давомида лизинг асосида келтирилган 2100 данадан ортиқ мелиоратив техника ва механизмлар жойлардаги сув хўжалиги ва мелиорация ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналари, сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда шу соҳада ишлаётган бошқа пудрат ташкилотларига берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 октябрдаги “Ўзmeliомашлизинг” давлат унитар корхонаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мелиоратив техника ва механизмларга сервис хизматларини кўрсатиш “Мелиомашлизингсервис” МЧЖ зиммасига юклатилган.

2012–2017 йиллар даврида жамиятимиз томонидан лизинг олувчи ташкилотларнинг 7664 та техника ва механизмлари, 2017 йилнинг ўзида эса жами 8400 млн. сўмлик техник сервис хизматлари кўрсатилиб, 1900 данадан ортиқ экскаватор, бульдозер ва бошқа махсус техника ҳамда механизмлар жорий ва капитал таъмирдан чиқарилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республика бўйича жами 799 та техника ва механизмларга, жумладан, 321 та экскаватор, 103 та бульдозер ва 375 та бошқа техника ва механизмларга техник хизмат кўрсатилди.

Ҳар ой якунида олиб бориладиган мониторинг натижалари бўйича жойлардаги лизинг олувчи ташкилотларда сервис хизмати кўрсатилиши лозим бўлган техника ва механизмлар аниқланиб борилади. Шу асосда эҳтиёт қисмлар, мойлаш материаллари захираси яратилади.

Эндиликда лизингга олинган техника ва механизмлар жойлашган манзиллар ҳамда улар ишлашини назорат қилиш бўйича замонавий GPS қурилмалари техникаларни назорат қилиш ва бошқаришни янада енгиллаштиришга имконият яратди.

Жамиятимизда жами 44 нафар ходим бўлиб, асосий мутахассислар республикамизнинг барча минтақаларидаги ҳудудий бўлимларда иш олиб бормоқдалар. Ҳудудий бўлимларимиз моддий-техника базаси

мустақамланиб, ҳар бир ҳудудга биттадан жами 13 та техник кўрсатиш автомашиналари ва зарур бўлган асбоб-ускуналар, анжомлар билан таъминланган. Шунингдек, жойлардаги техника ва механизмларга сервис хизматини шошилиш тарзда амалга ошириш бўйича гидравлика механиги, электрик, двигател таъмирлаш устасидан иборат бўлган махсус бригада ташкил қилинган бўлиб, зарур пайтларда республиканинг барча вилоятларига хизмат сафарига юборилиб, аниқланган камчиликлар жойида бартараф қилинмоқда.

Ходимларимизнинг малакасини ошириш бўйича Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан доимий равишда ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Жамиятнинг иш фаолиятини янада ривожлантириш борасида республикада экскаватор етказиб берувчи асосий компаниялардан бири бўлган Хитой Халқ Республикасининг “LiuGong” компанияси, шунингдек, “JONYNG” компанияси томонидан келтирилган экскаватор ва бульдозерларга бугунги кунда зарур бўлаётган эҳтиёт қисмларни заводлардан тўғридан-тўғри олиб келиш бўйича уларнинг юртимизда фаолият юритаётган ваколатли ташкилотлари билан келишувларга эришилди.

Республикада фаолият юритаётган йирик саноат корхоналари томонидан эҳтиёт қисмларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан локализация қилиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича “Сувмаш” АЖ, “Сувсаноатмаш”, “Ўзбекхиммаш”, ОТМК ва “Ўзбекистон темир йўллари”га қарашли “Қуюв-механика” заводлари билан ишлар олиб борилмоқда.

Жамоамиз жорий йилда сув танқислигини юмшатишга қаратилган тадбирларда, шунингдек, суғориладиган майдонларнинг шўрланиши даражасини камайтириш, сизот сувлари сатҳини пасайтириш борасида бундан кейин ҳам самарали меҳнат қилиб, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг оғирини енгил қилишда иштирок этаётган техникаларга ўз вақтида сервис хизматларини сифатли даражада кўрсатишида янада фидойилик билан ишларни давом эттириб, мустақиллигимизнинг 27 йиллик байрамига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Т.НАСИРОВ,

“Мелиомашлизингсервис” МЧЖ директори ўринбосари.





*Халқимизни, фидойи олим
бободехқонларимизни –
намлакатимиз Мустақиллигининг
27 йиллиги муносабати билан
салимий муборақбод этамиз.*

*Юртимиз ҳақида тинч,
осмонимиз мусарфо, халқимиз
турмуши янада фаровон бўлишини
тилаймиз.*

“Мелиомашлизингсервис” МЧЖ жамоаси



ТЎКИНЛИК ТЎҒОНИ

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда дарё сувларини вилоят ва туманларга тақсимлаб берувчи 150 дан ортиқ сув тўғонлари, 28122 км узунликдаги магистрал каналлар ва бошқа зарур сув иншоотлари мавжуд. Ҳар бир сув омбори белгиланган ҳудуд ободончилигига хизмат қилиб келмоқда.



Бепоён воҳанинг шарқий-жанубий томонида, Оқ сув дарёсининг пастки қисмидаги Мироқи шаҳарчасидан 1,5 км юқорида жойлашган “Ҳисорак” сув омбори баҳор ва ёз мавсумида сел ва тошқин сувларини ушлаб қолиш, сувни йиғиш ва истеъмолчига етказиб бериш, тўғоннинг хавфсизлигини таъминлаш, гидротехник иншоотларнинг техник мустаҳкамлигини ошириш баробарида “Яшил шаҳар” – Кешнинг гуллаб яшнашига муносиб ҳисса қўшиб, Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш туманлари қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда аҳоли томорқаларини оби ҳаёт билан таъминлашда етакчи манба саналади.

1976 йилда мазкур маҳобатли сув тўғонида тажрибали ирригатор Комил Амиров раҳбарлигида қурилиш ишлари бошланиб, у 1986 йилда фойдаланишга топширилган. 1986–2007 йилларда Турсун Муродов, эндиликда Машраб Шуқуров сув омборига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Шаҳрисабз шаҳридан 27 км узоқда жойлашган мавсумий сув омборининг асосий сув йиғиш манбаларини “Оқ сув”, “Тамшуш”, “Сувтушар” дарёлари ташкил этади.

Назорат-ўлчов асбоблари ва затворларда доимий кузатув ишларини олиб бориш ва ўлчов ишларини амалга ошириш мақсадида замонавий автоматик тарзда ишлайдиган телемеханика системаси ўрнатилган. Тўғоннинг сейсмик ҳолатини кузатиш мақсадида жами 8 дона локал сейсмостанциялар ўрнатилган бўлиб, 1 дона минтақавий сейсмостанция компьютер системасига уланган.

“Ҳисорак” сув омборига кириб-чиқиш буйича ички йўриқномалар ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Сув омборида фавқулодда ҳолатларда узлуксиз электр энергияни таъминлаш мақсадида автоматик режимда ишлайдиган “КИПОР” маркали қуввати 60 кВт захирадаги дизель электростанцияси ўрнатилди.

– Сув омборида 139 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Байрамларда ишчи-хизматчилар, тақлиф этилган фахрийларга тўкин дастурхон атрофида совға-саломлар улашилади, – дейди корхона ҳисобчиси Лутфулло Раҳмонов, – бошқарманинг ёрдамчи хўжалигида етиштирилган асал, гўшт, балиқ маҳсулотлари бозор нархидан 30 фоиз арзон нархда, мева, сабзавотлар эса бепул тарқатилади.

Ҳозирда ёрдамчи хўжаликда 22 бош қорамол, 85 бош эчки, 150 бош товуқ, 200 бош қуён, 45 бош қурка, 82 та асалари уяси парвариш қилинмоқда. Сув омборининг қуйи қисмида 8,7 гектар майдонда мевали, манзарали боғ ташкил этилган. Эътиборли томони шундаки, хўжаликдаги тармоқларда фойдаланишнинг кенгайи-



ши баробарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда.

– Мамлакатда сув объектларини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, тошқин ва сел ҳодисаларида, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди сув омбори бош муҳандиси Ўқтам Умаров. – Шу маънода, Президентимизнинг 2017 йил 25 сентябрдаги “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижроси гидротехника объектларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш, экологик вазиятни яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

“Тўкинлик тўғони”нинг фидойи ишчи-хизматчилари сув хўжалигида ўтказилаётган изчил ислохотларни амалга ошира бориб, ўз зиммаларига оби-ҳаётнинг бир томчисини ҳам нест-нобуд қилмай истеъмолчиларга етказиб беришдек масъулият билан меҳнат қилмоқдалар.

Ф. МИРЗО.

ДАЛАЛАР ДЕҲҚОННИ РОҲАТЛАНТИРАДИ

Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги Касканёр қишлоғи Уйчи тумани билан чегарадош бўлиб, ўзига хос иқлими, содда ва меҳнаткаш аҳли-улуси билан элга танилган.



Сафаримизни тумандаги таниқли “Шуҳрат Баҳром Козим” фермер хўжалигидан бошладик. Дала шийпонининг сўлимлиги, ораста-лигию, анвойи гуллар, дарахтлар билан безанганлиги бу ерлар соҳибининг асл деҳқон эканлигидан далолат берарди. Айниқса, бу ердаги аср кўрган чинорнинг сервис қорлиги муҳташамлик касб этади. Айланаси 8,5 метр бўлиб, унинг соясида кенгина ёзги айвон жойлашган. Айни туш пайти бўлганлиги боис айвонда хўжалик аъзолари бир пиёла чой устида суҳбат қуришаётган эдилар.

Ўз қишлоғи тарихини яхши билган Сотиболди ака Ҳайитов билан суҳбатимиз анча қизиди. Унинг айтишича, бу кекса чинорни ўтган асрнинг 50-йилларида адир ерларни ўзлаштиришда жонбозлик кўрсатган бригада бошлиғи, кекса бободоҳқон Одилжон Мирзааҳмедов эккан экан.

— Мен ҳам 20 йил шу қишлоқда бригада бошлиғи бўлиб ишладим. Энди эса фермер — мулк эгасиман. Ўтганлар ишидан ибрат олиб, мен ҳам икки тупдан чинор ва садақайрағоч ўстирдим, — дейди у.

2013 йилда пахтадан 40 центнердан ҳосил олган хўжалик “Нексия” автомобили билан тақдирланди. Шу бўйи илғорликни қўлдан бермай келаётган хўжалик аъзолари ҳар бир ишда эътиборли ва уддабурон.

60 ўринли қишки шийпон атрофи ҳам гулларга бурканган, ораста. Бир чеккада ҳашаротларга қарши курашиш учун ишлатиладиган ускуналарни созлаётган 4 на-

фар йигит, бир томонда эса соя экинлари ястанган кўм-кўк дала. Кўриниб турибдики, фермер анча омилкор, бир қарич ери ҳам қаровсиз қолмаган.

Кўп тармоқли бу хўжалик 2007 йилда ташкил қилинган бўлиб, ҳозирги кунда 68 гектар экин ерига эга. 40 гектар ерга экилган ғалланинг 25 гектари уруғликдан иборат бўлиб, гектаридан 42—45 центнерлик давлат режаси ўз вақтида удаланиб, жами 65 центнердан ҳосил йиғилди. 2 гектар ерда интенсив олма боғи барпо этилган бўлиб, бу йил ҳосилга кирмоқда. 26 гектарга экилган соя экини бир текис ва баравж.

— Соя экилган далаларимизни уч марта культивация қилиб бир марта минерал ўғит билан тўйинтирдик, — дейди хўжалик раҳбари Шуҳрат Ҳайитов отасига бир қараб қўяркан (Гўё у изнсиз гапирмадимикан, дегандай эди). — “Учқўрғонёғ” МЧЖ билан шартнома тузганмиз, унга кўра 65 тонна соя уруғлигини етиштириб берамиз.

4 гектар ерга ҳам иккинчи экин сифатида соя экилган бўлиб, ниҳоллар бир текис униб чиққанлигидан кўриниб турибдики, экинларга қаров яхши. Тракторчилар — Шахобиддин Холмирзаев, Турғунбой Юсупов, сувчилар — Ботиржон Маматов, Шавкат Холматов, Хамид Турғунов, Комил Ҳасановлар кўп йиллардан буён шу хўжалик аъзоси сифатида ўз меҳнати билан элга танилган.

2017 йилгача хўжаликка Сотиболди ака раҳбарлик қилиб, нафақага чиққач, ишни ўғли Шуҳратга

топширади. Ўғил эса бошқарувни қўлга олгач, 50 бош чорвага мўлжалланган молхона қурилишини бошлаб юборди. У соя далаларини кенгайтириб, янги технология асосида соя ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи.

10 қути асаларидан йилига 6—7 млн. сўм даромад олинмоқда. Ғалладан бўшаган майдонларнинг 5 гектарига кунгабоқар, 2 гектарига ловия, 10 гектарига сабзи, 4 гектарига маккажўхори экилган.

— Беш қути ипак қуртидан яхшигина даромад олдик, — дейди пиллачи Муқаддас Обидова ҳамда Саодат Ҳайитовалар. Уларнинг ҳар бири бир ойда 2 миллион сўмдан зиёд даромадни нақд санаб олишди, мукофотлар ҳам етарли бўлди. Шунинг учун тажриба тариқасида олинган иккинчи мавсумда боқилган 2 қути ипак қуртидан яна 100 килограмм “кумуш тола” етиштирилди.

Хўжаликнинг ўтган йилги умумий даромади 300 млн. сўмни, соф фойда 60 млн. сўмни ташкил қилди. Хўжаликда иш бошқарувчилик қилаётган оиланинг катта ўғли Баҳром Ҳайитовга “Дамас” машинаси сотиб олишди. Эҳтиёжга яраша парранда боқилмоқда. 20 нафар ишчи хизматчининг қозони қайнаши, оиласи тўқис бўлиши учун кенг имкониятлар ахтариб, улар учун қўшимча сабзавот ва полиз экинлари ҳам етиштирилмоқда.

Бу иш унумини ошириш билан бирга даромаднинг кўпайишига олиб келиши табиий.

Ўз мухбиримиз.

ЧОРВАДОР БОҒ ЯРАТМОҚЧИ



Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани мусаффо табиати, боғу-роғлари, бодомзору ёнғоқзорлари билан машҳур ғўшалардан бири бўлиб, бу эл аҳли кўпроқ чорвадорлик ва боғдорчилик билан шуғулланади. 53 та МФЙга бирлашган 27 900 хонадонда жами 160 000 нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Туманда 917 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, шундан 187 таси кўп тармоқли, илғор хўжаликлардир.

Биз “Каттақўрғонтехсервис” ММТП раиси Ориф Ҳошимов билан “Адыл” фермер хўжалигига йўл олдик. Йигирма чақиримлар юргач, Қўшқўрғон қишлоғи кўзга ташланди. Бу ерларнинг баланд-паст адирликлардан иборатлигидан ҳам хўжалик чорвачиликка ихтисослашганлигини билиш мумкин. Хўжаликни 1996 йилда Умрзоқ ота Амиркулов ташкил қилган бўлиб, 30 бош қорамол, 300 бош майда шохли моллар билан 150 гектар ер майдонда 4 нафар ишчи кучига таяниб иш бошлаган эди.

— Иш билан бўлиб нафақа вақтимдан 9 йил ўтиб кетганини ҳам сезмабман, — дейди отахон.

У 50 йил қўйчилик билан шуғулланганлиги боис фарзандлари қатори неваралари ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида отага ҳамқадам бўлдилар. 2009 йилда 69 ёшда нафақага чиқиб, ўз ўрнига невараси Келдибекни раҳбар қилиб тайинлади. Қалби қайноқ Келдибек Амиркулов хўжаликни ривожлантириш йўлидан борди. Бугун хўжаликда 75 бош насли қорамол, 45 бош от, 1 минг 900 бош қўй-қўзи боқилмоқда. Чорва ишини беш қўлда билган Шокирбек ва Бекжигит Спашевлар, Эдилбек Пўлатов, Аслхан Абдужаббаровлар Кел-

дибекка елкадош.

Хўжаликда 20 гектар лалми ер бўлиб ҳар йили 25–30 центнердан озуқа учун ғалла етиштирилади. 30 гектар яйловзор, мавжуд 100 гектар жойда табиий пичан йиғиб олиш йўлга қўйилган. Озуқа тайёр-



лаш асосий вазифалардан бири бўлиб, албатта, техника хизматидан унумли фойдаланилади. Ҳозиргача 54 тонна табиий пичан, 10 тонна самон қишки захира учун йиғилган. Йил охиригача 70 тонна табиий пичан йиғилади, яна 40 тонна озуқа пул ўтказиш йўли билан сотиб олинади.

Мавжуд 75 бош қорамолни озиқлантиришнинг ўзи бўлмайди. Айнан

зотдор моллар парвариши учун ҳар бошга меъёр сифатида 30 сотихдан ер ажратилиши шарт қилиб белгиланган. К.Амиркулов бу муаммо ечимини излаб туман ҳокимига ариза берганлигини, агар бошқа ҳудуддан бўлса ҳам сувли ерлардан ажратилса ишида янги йўналиш қилишини айтиб ўтди.

Йилига 10 тонна ғўшт, 5 тоннага яқин жун ишлаб чиқараётган хўжаликда иш доим қизгин. 16 нафар ишчи билан йилига 160 млн. сўм даромад олаётган хўжаликда соф фойда 45–50 млн. сўмни ташкил қилади.

Неварасининг ишидан қониқиб яшаётган Умрзоқ ота ва Айби моллар 80 ёшни қоралаган бўлсаларда ҳали тетик, бардам. 5 қиз, 5 ўғил, 41 невара, 53 эварага бош улар.

— Иш қўламини янада кенгайтириш ниятида 10 гектар ламли еримизни интенсив боғ қилмоқчимиз, — дейди невара фермер. — Бу ерда томчилатиб суғоришни йўлга қўйсақ бўлади. Сув Паркент каналидан олинади, ёнғоқ, бодом, узум етиштиришни кўзлаямиз.

Бу масалада фермер туман ҳокимлигининг боғ яратиш учун Давлат дастурига киритилишида ёрдам сўраган. Албатта, улғу ишлар эзгу мақсадлардан тугилади. Давла-

тимиз раҳбарининг хўжалик субъектларига бераётган эътиборлари бежиз эмас, деҳқон ҳар бир қарич жойдан унумли фойдаланиш учун керакли таъминотни олишга ҳақли. Шундагина унинг иш қўламини янада ривожланиб, янги иш ўринлари яратиши мумкин бўлади.

Ш.ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Умрзоқ ота ва Айби момо невараси Келдибек билан.

ТАКРОР ПИЛЛА – ТАКРОР ДАРОМАД

Халқимиз меҳнат қилганларни, меҳнат туфайли бахт топганларни қадрлайди, ҳурматлайди, бошига кўтаради. Ана шундай инсонлардан бири “Дўстлик” ордени соҳибаси Насибахон ҲАЙДАРОВАдир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда пиллачиликка қаратилган эътибор туфайли, қимматбаҳо хомашё бўлган ипак етиштиришнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ташкил этилиб, пилладан йилига икки-уч марта ҳосил олиш тажрибаси синовдан ўтказилди ва ижобий натижа берди. Барча вилоятларда пилла хомашёсини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот олиш мақсадида тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари жалб қилинмоқда. Ҳозирги кунга қадар бундай корхоналарнинг ўндан зиёди фаолиятини бошлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

– Туманимизда пиллачиликка алоҳида эътибор қаратилган, – дейди Янгиқўрғон туманидаги “Агротилла” МЧЖ раҳбари Баҳромжон Абдуганиев. – Жорий йилги мавсумда уч маротаба ҳосил олиш тажрибасини қўлладик. Баҳорги мавсумда 2300 қути ипак қуртини 11 ҳудудда жойлашган 396 та фермер хўжалиги ва 560 нафар касаначига тарқатиб, 125 тонна ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Иккинчи босқичда 118 қути ипак қуртини шунча касаначига тарқатдик ва ҳар бир қутидан 50 килограмдан ҳосил кўтардик. Учинчи босқич ҳосили учун 350 қути ипак қуртларини ҳам ўз эгаларига тарқатиб, ҳозирги кунда пиллакорлар билан баҳамжиҳатликда фаолият олиб бораёмиз.

– Иккинчи ва учинчи босқич ипак қуртларини парваришlash кўпгина пиллакорларимиз учун янгилик бўлгани боис, улар билан индивидуал иш олиб боришни талаб қилмоқда, – дейди Насибахон Ҳайдарова. – Қарийб 18 йилдан буён ушбу соҳада фаолият олиб бораётган бўлсам-да, жорий йилгидай шароит ва имкониятлар ҳеч қачон бўлмаган. Авваллари ипак қуртларини тарқатиш анчагина муаммолар келтириб чиқарарди. Чунки, фуқароларимиз таъмирланган уйининг ифлосланишини ёки оғилхонасидан қўй ва қорамолларини ташқарига чиқаришни исташмасди. Жорий йилдан ипак қурти парваришlashнинг меҳнат стажига қўши-

лиши ҳамда пилла хомашёси нархининг кўтарилиши фуқароларимизнинг ўзлари ипак қурти сўраб мурожаат қилишларига сабаб бўлди. Мен 2008 йилдан буён “Саид Барака Дали Сатторов” агрофирмасида агроном бўлиб ишлайман. Жорий йилги биринчи босқичда 325 қути ипак қуртини 325 нафар пиллакорга, бошқача аниқроғи, 218 қутисини касаначиларга ва 107 қутисини фермер хўжаликларига контрактация шартномалари



асосида тарқатдик. Пиллакорлар билан ҳамжиҳатликда ишладик. Туманимиз пиллакорлари билан самарали, кам озуқа талаб қиладиган ва қисқа муддат талаб қиладиган усул – плёнка остида парваришлаганимиз туфайли ҳосилимиз мўл бўлди. Давлатимизга 18 тонна сара маҳсулот топшириб, туманимизда илғорлар сафидан жой олдик. Ушбу мавсумда илғор пиллакорларимиз Олмагон Аббосова 1 қути ипак қуртидан 60 килограмм ўрнига 77 килограмм ҳосил топширган бўлса, Гулчеҳра Туманова 75 килограмм сара маҳсулот етиштириб, пиллакор сафдошларини мусобақага чорлади. Жорий йилнинг 16 июнь куни 15 қути иккинчи босқич ипак қуртларини қабул қилиб олиб, касаначиларга етказиб бердик. Айни кунларда ҳосил йиғиш ишларини бошлаб юборганмиз. Ҳозирги кунга қадар ҳар бир қутидан 50–55 килограммдан тоза пилла олаёмиз. Биринчи босқич пилла ҳосилининг бир килоси учун 13000–15000 сўмдан тўланган бўлса, иккинчи босқич

ҳосилига 20 000 сўмдан ҳақ тўланмоқда.

– Ипак қуртини парваришlashда тут плантацияларининг ўрни катта, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллачи Дилбархон Сотволдиева. – Сабаби ипак қуртининг асосий таоми тут барги ҳисобланади. Авваллари ипак қуртини парваришlashнинг катта даҳасига келганда барг танқислиги кузатилар, пиллакорлар сарсон бўлиб барг излашларига тўғри келарди. Кейинги йиллар давомида тут плантацияларимизнинг 400 гектарга кенгайиши ушбу муаммони тўлиқ бартараф этди.

Жорий йилги баҳорги мавсумда экин майдонлари четига 115 000 туп тут кўчатлари экилди, 15 000 туп кўчат эса 5 гектар тут плантациясидан жой эгаллади. Иккинчи ва учинчи босқич ипак қурти парваришида тут дарахти шохлари кесилмайди. Барг шохлар учидан чимдиб олинади.

Шунинг учун ушбу иккинчи босқичда пиллакорлар хонадои тут плантацияларига яқин жойлашиши талаб қилинади. Олмагон Аббосова ва Дилмуроджон Юсуповлар биринчилардан бўлиб ташаббус кўрсатишиб, 2 қутидан ипак қуртини парваришlashапти. Уларнинг бундай фаоллиги қўшнилларини ҳам бефарқ қолдирмади. Учинчи босқич ипак қурти парвариши учун бир талай аҳоли бизга таклиф билан чиқишмоқда. Етиштирилган ҳосилимизни “GOLDEN SILK” Ўзбекистон-Вьетнам қўшма корхонаси ходимлари қабул қилиб олишмоқда.

Пилла – текин тилла эмас, дейди доно халқимиз. Ипак қурти ўз парваришловчисини ҳам ўзидай қимирлатади. Мана шу машаққатга чидаган пиллакор мўл ҳосил олиб, эл-юртнинг олдида юзи ёруғ бўлади.

К.ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: илғор пиллакорлар Дилмуроджон Юсупов ва Насибахон Ҳайдаровалар ҳосил “чўғ”ини кўздан кечиришмоқда.

БЎЛАР БОЛА...

Мамлакатимизда ёшларнинг ўз билим ва иқтидорини намоён этиши, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Президентимизнинг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этишнинг янги босқичини бошлаб берди.



Жумладан, ёшлар ўртасида аграр тармоқда фан ва техника ютуқларини, замонавий ресурслар ва сувни тежовчи агротехнологияларни, илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни жорий қилишга доир тарғибот ишларини олиб бориш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, ишлаб чиқариш ва реализация қилишга жалб қилиш орқали ёшларнинг бандлиги ва даромадларини ошириш борасидаги амалга ошириладиган изчил ислохотлар фикримиз далилидир.

Жойларда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ёш бўлса-да, пешқадамлар қаторидан ўрин олган, эришаётган ютуқларида агро илмни бош омил деб билган навқирон фермерлар сафи кенгайиб бормоқда. Фузорлик Муҳиддин Файзуллаев 1992 йилда туғилган. У Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг иқтисодиёт факультетини тугатиб, дастлаб фермер хўжалигида иш бошқарувчи, 2015 йилдан Фузор туманидаги "Фузор Агро Файз" фермер хўжалиги бошлиғи сифатида меҳнат қилиб келмоқда. У самарали меҳнати билан ёш тадбиркор ва ишбилармон деҳқон сифатида эл-юрт тўкинлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Халқимизда "Бўлар бола ўн бешида бош бўлар, бўлмас бола қирқда ҳам ёш бўлар" деган мақол бор.

Муҳиддин бошчилигидаги 31 нафар ишчи меҳнат қилаётган, 44 та қишлоқ хўжалиги техникасига эга бўлган хўжаликда шартнома асосида техник хизмат кўрсатиш жорий этилган. 2017 йилда 20 га майдонга барака уруғи экиб, режа-

даги 20 тонна ўрнига 104 тонна хирмон кўтариб, давлатга пахта сотиш шартномавий режасини 260 фоизга уддалаган ва йилни 208,2 млн. сўм соф фойда билан яқунлаган. Шунингдек, 20 гектар майдондаги ғалладан давлатга дон сотиш режасини 150,3 фоизга, 7 гектар майдондаги сабзавот-полиз тайёрлаш режасини 216,9 фоизга бажарган. Пиллачиликда ҳам юқори самарадорликка эришиб, сўнгги уч йилда 789 килограмм пилла топшириб, режани 118–120 фоизга уддалаган. Жорий йилдаги дастлабки доvonлар ўтган йиллардагидан юксакроқ бўлмоқда.

— Замонавий қишлоқ хўжалиги тараққиётини деҳқончиликнинг илмий асосларисиз, хорижнинг илғор тажрибаларидан фойдаланмасдан тасаввур этиш қийин, — дейди изланувчан фермер. — Тажрибаларга таяниб, экиладиган экиннинг навини танлаб, самарали агротехник тадбирларни белгилаймиз.

Шижоатли фермер 65 гектар лалми ерга насос ёрдамида "Шерали" каналидан 35 метр баландликка сув чиқариб, 1,3 км масофага сув қувури ва 4,1 км масофага электр тармоғи тортиб, насос ва трансформатор ўрнатган ҳолда мелиорация ишларини амалга оширган.

Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи узлуксиз ишлаб турибди.

Ҳар йили 500 минг тупдан ортиқ мавсумий гўл кўчатлари, 250 тоннадан ортиқ помидор-бодринг маҳсулотлари етиштирилаётган 2 гектарлик замонавий иссиқхонада 20 нафар кишининг бандлиги таъминланган.

5 минг бошга мўлжалланган замонавий паррандачилик комплексида 2,8–3,4 тонна товуқ гўшти етиштирилиб, 4 гектарлик боғда кўчатлар сифатли парвариш қилинмоқда. Чорвачиликни ривожлантириб, охириги уч йилда қорамоллар сонини 387 бошдан 645 бошга, майда шохли моллар сонини 180 бошдан 514 бошга кўпайтиришга эришилди. 2015–2017 йилларда 32,3 тонна суг, 11,1 тонна гўшт, 874 кг жун етиштирилди.

Саховатли фермер сўнгги уч йилда 40 млн. сўмдан зиёд ҳомийлик ишларини амалга оширди. Хусусан, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 4 нафар кам даромадли оила фарзандларининг шартнома тўловлари тўлаб берилди. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган 30 та оилага 15 тонна бугдой тарқатиб, 8 та шундай оилага қорамол олиб берди.

Ҳар йили кам таъминланган оилалар ва мактабгача таълим муассасасига 3 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини ҳомийлик ёрдами сифатида бепул бериб келмоқда.

"Хўжайи Жарроҳ" зиёратгоҳини таъмирлаш ишларига 5,4 млн. сўм, "Тоҳир-Зухра" зиёратгоҳи атрофини ободонлаштириш ишларига 3,5 млн. сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Орзулари бир олам Муҳиддин 2 гектар майдонга гидропоника усулида замонавий иссиқхона, 4 гектар майдонда сунғий балиқ ҳавзаси ташкил этишни ҳам режалаштирган.

Ташаббускор, шижоатли ёш фермер туманда ана шу каби юксак натижалари, эзгу ишлар, билан ҳурмат қозонган.

Ўз мухбиримиз.

«ҚОРАҚАЛПОҚАГРОКИМЁҲИМОЯ»

худудий акциядорлик жамияти
ва туманлардаги
филиаллари жамоаси

*Ма.млакатчилигининг барча меҳнаткашларини,
деҳқон-фермерларини, соҳа
ходимларини Мустақиллигининг
шонли 27 йиллик байрами билан
чин қалбдан табриклайди.
Жонажон Ўзбекистончилигининг янада
гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларида
улкан муваффақиятлар, муетажкам сиҳат-
саломатлик тилайди.*



АСАЛ – НЕЪМАТЛАР СУЛТОНИ

Қадимдан халқ табобатида асалари захри, гулчанги, она асалари сути, мум ва асалдан кенг фойдаланилган. Асал неъматлар султони сифатида қадрланган. Чунки асал хушбўйлиги, таркиби витаминларга бойлиги ва мазаси билан одамларнинг сеvimли озукаси бўлиб келган. Ҳатто, соҳибқирон Амир Темури ҳам аскарларининг кундалик озукасига асалнинг киритилишига алоҳида эътибор берган. Чунки у киши бу маҳсулотнинг ўлат ва юқумли касалликларнинг олдини олишда тенгсиз эканлигини яхши билган.



Юртимизда асаларичилик бир неча асрлардан буён касб сифатида ардоқланиб келинади. Собиқ иттифоқ даврида ҳам барча вилоятларда асаларичилик хўжаликлари ташкил этилган. 2017 йил Юртбошимиз раҳнамолигида Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси ташкил этилиб, унга 14 мингдан зиёд асал етиштирувчи тадбиркорлар аъзо бўлиб киришди. Натижанда тадбиркорлар, фермерлар ва аҳоли ўртасида ушбу соҳага қизиқиш ортиб бормоқда. Айниқса, она асаларилар етказиб бериш ва уларни парваришlash учун имтиёзли кредитларнинг ўз вақтида берилиши ишнинг янада жадаллик билан ривожланишини таъминляпти.

— 1977 йили Қувасой шаҳридаги Насриддин Шамсудинов номли асаларичилик ширкат хўжалигида ҳайдовчи бўлиб иш бошлаганман, — дейди **"Толибжон, Фанижон асаларичи"** насли асаларичилик фермер хўжалиги раҳбари **Фанижон Юлдашев**. — Мен аввалига асаларичиларга қарашиб юрдим, кейинчалик вилоятимизнинг машхур асаларичиси Абдуманноб Умрзақовга шогирд тушдим. У киши: "Фанижон, асаларичилик хосиятли касб, бу касб билан шуғулланган киши кам бўлмайди", деб мени ёнига олди. 2006 йилгача ширкат хўжалигида фаолият кўрсатдим. Шу йили хўжалик тарқатилиб, ерлар фермер хўжаликлар ихтиёрига ўтказиб берилди бошланди. Мен ҳам ҳокимиятга мурожаат қилиб, 4 гектар экин майдонида 300 та асалари оиласи билан фаолиятимни давом эттирдим.

— Илк фаолият бошлаган йилларингиз осон бўлмаган бўлса керак, чунки йиллар давомида соҳанинг эътибордан четда қолиши ўз таъсирини ўтказиб улгургани, — деб сўраймиз фермердан.

— Албатта, асалари ҳам инсондай, унинг ҳам қони, гени бор. Кўп йиллар давомида наслнинг янгиланмагани ўз таъсирини кўрсатиб бўлганди. Ўша йиллари асалари наслини яхшилаш мақсадида Украинага бориб, ҳамкасбларимиз билан учрашдим. Тўғриси, улар ҳайрон қолишди. Очиқчасига, наҳотки Ўзбекистонда ҳам асалари насли устида бош қотира бошлаган бўлишса, дейишди. Бизни яхши кўтиб олишиб, ўзларининг насли асаларилари билан таништиришди, шартнома тузиб улардан бир нечта насли асаларилар оилаларини харид қилишга муваффақ бўлдик. Бу бизнинг кейинги фаолиятимиз учун замин яратди.

Асал неъматининг мўллиги асаларичининг маҳоратига боғлиқ, дейишади. Чунки асалариларни ўз вақтида керакли жойга жойлаштириш ҳам тажриба талаб этади.

Асаларилардан йилига уч марта ҳосил олинади. Шунинг учун асалчилик етти хазинадан бири сифатида эъти-

роф этилган. Биринчи ҳосил боғлар ва она табиатнинг жонланиш фасли — баҳорда олинади. Бу асал ўзининг суюқлиги ва ўта хушбўйлиги билан ажралиб туради. Кўпчилик тоғ асалига қизиқиш билдиришади. Тўғри, тоғ асали ноёб витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Бироқ бу асални истеъмол қилишда эҳтиёт бўлган маъқул, сабаби барча организмлар ҳам бу маҳсулотни қабул қила олмайди. Бу асал организмда аллергия келтириб чиқариши мумкин. Иккинчи ҳосил июль ойининг иккинчи яримларида олинади. Бунда асалари оилалари 3 километр радиусда пахта майдонлари четига жойлаштирилади. Сабаби, асалари йиққан нектарни қисқа вақтда ўз инига етказиб келади. Пахта гулидан олинган асал қуоқ, оқ рангда бўлиши билан бирга, организм учун қони фойда. Таъми ҳам ўта ширин бўлмайди. Бир неча йиллардан буён япониялик тадбиркорлар маҳсулотимизга харидор бўлишмоқда. Сабабини ўргансак, асалимизнинг нурланиши йўқотиш хусусияти бор экан. Маҳсулотларимиз ички бозордан ортмаётганлиги туфайли экспорт қилиш имконига эга бўла олмаёпмиз. Учинчи ҳосил куз ойларида олинади. Кўпгина ҳамкасбларимиз бу ҳосилни асалариларнинг қишқи озукаси дейишади. Бу гап ҳам тўғри. Фақат қиш ойларида асалариларни қиём ва фойдали элементлар билан ҳам озиқлантириб туриш керак. Жорий йил 6 тонна тоза маҳсулот олишга муваффақ бўлдик.

— Ҳозирги кунда нечта асалари оиласини парваришляяпсизлар?

— Айни кунларда ўғлим Расулжон ва 5 нафар ишчиларимиз билан 650 та асалари оиласини Сирдарё, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳудудларида парваришляяпмиз. Хўжалигимиз наслчилик бўлгани учун 350 та асалари оиласини Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Фарғона вилояти асаларичиларига етказиб бердик.

Фермер соҳага қизиқиш билдирганларга асалари оилаларини етказиб бериш билан бирга, уларга соҳанинг нозик сир-асрорларини ҳам ўргатиб келмоқда. Маълумки, юртимизда асалари парвариши ва асал олишда керак бўладиган асбоб-анжомларни ишлаб чиқарадиган корхоналар жуда кам. Ушбу муаммонинг олдини олиш мақсадида хўжалик ҳудудида устахона ташкил қилинган. Бу ерда асалари оиласи учун қутилар, рамкалар ва бошқа керакли қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Мақсад соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиш.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Фанижон Юлдашев янги тайёрланган асалари қутиларининг сифатини кўздан кечирмоқда.

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

Ўзбекистон – жаннатмакон диёр, де-йишади. Бахмал деб номланган, исми жисмига монанд туманга ташриф буюрганлар бу иборанинг ҳақлигига амин бўлишлари шубҳасиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил март ойида Жиззахда бўлганида воҳа заминидида экотуризм ва агротуризмни жаҳон андозаларига мос ҳолда йўлга қўйиш учун имкониятлар катта эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бахмал Давлат ўрмон хўжалиги жамоаси давлатимиз раҳбарининг бу сўзларини ўзлари учун дастуруламал сифатида қабул қилди. Яқин муддат ичида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Ушбу режаларни ҳаётга татбиқ этиш ишлари бошлаб юборилди. Ўрмонзорларни янада кенгайтириш, интенсиф боғларни ташкил этиш, экспортбоп ноз-неъматлар салмоғини ошириш, ички ва ташқи туризмни йўлга қўйиш борасида дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

– Умумий майдони 68 ярим минг гектарни ташкил қилган ўрмон хўжалигимиз ҳудудининг салкам 15 ярим минг гектари тўлиқ ўрмон билан қопланган, – дейди Бахмал давлат ўрмон хўжалиги бош мутахассиси Мусурмон Қодиров. – Қолган қисми туташмаган, сийрак ва маданий ўрмонлар, яйлов, ҳайдаладиган ҳамда тақир ерлардан иборат, Боғ ва узумзорлар, кўчат учун мўлжалланган майдонлар, сув ва йўллар ҳам маълум ҳудудни эгаллайди.

Юртбошимизнинг даъватларидан руҳланиб, қисқа муддат ичида Американинг “Пикан” навли ёнғоғидан 20 гектарлик интенсиф ёнғоқзор яратдик. Шунингдек, 10 гектарда интенсиф олмазор, 1 гектарда ўрик, ярим гектарда гилос боғи ташкил этилди. Олинажак мевалар сархил бўлиши учун кўчатларни Туркиядан келтирдик. Лалми ва сув танқис бўлган ҳудудларимизда барпо этилаётган пистазорларимиз 70 гектардан ошиб кетди. 8 сотих майдонда иссиқхона ташкил қилиб, 5 минг туپли лимонзор яратдик. Минг бошдан товуқ, курка ва кўён парваришlash имкониятлари қидирилмоқда.

Жамоада шу йилнинг ўзида 106 гектарда янги ўрмонлар яратиш режалаштирилган эди. Бу топшириқ ҳам икки барабар ортиғи билан адо этилди. 4 ярим гек-



Бахмал Давлат ўрмон хўжалиги мутахассислари – Мусурмон Қодиров (чапдан), Сирожидин Тожиёв ва Нурилла Бегановлар тезпишар олма навини кўздан кечиришмоқда.

тар майдонда кўчириб экишга мўлжалланган кўчатлар ундирилмоқда. 70–80 киши доимий, яна шунча одам мавсумий иш билан таъминланган. Жамоа эко ва агротуризмни ривожлантириш мақсадида маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда 30 гектар майдонда дала ҳовлилари, дам олиш масканлари, кемпинглар барпо этиш ишлари бошланган.

Ўрмон хўжалигининг шундоққина ёнида лалми ғаллачилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шугулланиб келаётган 45 фермер хўжалигини ўз сафига бирлаштирган “Бахмал булоқлари” сув истеъмолчилари уюшмаси ерлари ястаниб ётибди. Лалми деҳқончилик учун мураккаб ва қийин келган йил асоратлари СИУ-да ҳам яққол сезилди. Шундай бўлса-да, уюшма раҳбари Неъматилло Абдулаҳатовни кўтаринки кайфиятда учратдик:

– Биз туман ғаллакорларига 500 тонна лалми уруғ етиштириб беришни зиммамизга олганмиз, – дейди Н.Абдулаҳатов. – Йил анча қийин келди. Лекин, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлашда қўлланган янги усул, яъни уларнинг нақ даланинг ўзига етказиб берилиши ишимизни анча осон қилди. Чунки, аввал уларни 60 километр масофадан ортиқча ташвиш ва харажатлар билан келтирар эдик. Бу ғал далаларга ишлов бериш, экинларни ўғитлаш ишлари ўз вақтида амалга оширилгани сабабли, ҳар гектардан 20 центнергача ҳосил кўтарганлар ҳам бўлди. Бу эса, лалми ҳудудлар учун ҳазилакам иш эмас.

Уюшма ҳудудининг 1 минг 800 гектарида боғдорчилик йўлга қўйилган. Шу йилнинг ўзида 300 гектар майдонда хориждан келтирилган ҳосилдор олма навларидан иборат янги боғ ташкил этилди. Ушбу навнинг маҳаллий иқлимга жуда мослиги аниқланди ва шунинг учун ҳам интенсиф олмазорни яна 300 гектарга кенгайтириш кўзланмоқда. Уюшма ҳудудида 10 та фермер чорвачилик билан шугулланади. Уларнинг фермасида ҳозирча Польша ва Голландиядан олиб келинган қорамоллар парваришланыпти.

Хуллас, бахмалликлар истиқлол айёмини мана шундай раванқ билан қарши олишмоқда.

Х.КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.



“Бахмал булоқлари” СИУ раҳбари Неъматилло Абдулаҳатов (чапда) ва фермер Собир Умрзоқовлар тўплаган ҳосил чўғини баҳолашмоқда.

ЮРТ РАВНАҶИ ЙЎЛИДА

Дунё аҳолиси шиддат билан ўсаётган, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эҳтиёж тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда халқимизни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, аграр соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг самарали тизими яратилмоқда. Бу борада Президентимизнинг ташаббуси билан Инновацияларни ривожлантириш вазирлигининг ташкил этилиши юртимиз тадбиркорлари ва фермер хўжаликларининг янада ривожланиши учун замин бўлди. Чунки қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор технологияларни жорий этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Биз Балиқчи туманида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар юзасидан туман ҳокимининг инвестиция бўйича ўринбосари Бекпўлат Умаров билан суҳбатлашдик.

— Мамлакатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигини инновацион лойиҳалар асосида, замонамизнинг энг илғор технологияларини жалб қилган ҳолда ривожлантириш ҳақида билдирган фикрлари бизнинг туманимиз аҳолисини ҳам бефарқ қолдирмади. Жорий йилда паррандачилик соҳасида учта йирик дастур бўйича иш олиб бораёмиз. Яъни “Обод юрт файзи” фермер хўжалиги 1,5 миллиард сўмлик, “Seven treasures” МЧЖ 3 миллион АҚШ долларилар ва “Чинобод реал бизнес” МЧЖ 11 миллиард сўмлик лойиҳаларни амалга оширишмоқда.

Биз “Чинобод реал бизнес” МЧЖ корхонаси томон йўлга чиқдик.

— Жорий йилда 800 миллион сўм маблағга Туркиядан 2,5 минг туп интенсив ёнғоқ кўчатларини олиб келиб, илгари қаровсиз бўлган 10 гектар майдонга ўтқаздик, — дейди жамият иш бошқарувчиси Ғофуржон Собиров бизни кутиб олар экан. — Яна шунча майдонда паррандачиликни йўлга қўймоқчимиз. Бу ишга 10 миллиард сўм ўз маблағимизни ва 1 миллиард сўм кредит маблағларини йўналтирдик. Ҳозирги кунга келиб 2 та биномиз паррандаларни парваришlash учун тайёр ҳолга келди. Инкубатор, жўжахона ва омихта ем ишлаб чиқариш биноларида ҳам қурилиш ишлари якунига етиб қолди. 75 минг бош Ломан классик зотли жўжаларимиз парваришlash учун тайёр. Мақсадимиз жорий йил якунида паррандалар бош сонини 200 000 бошга етказиш. Ушбу паррандахона-

миз юртимизнинг Мустақиллик байрамига туҳфа бўлади. 2019 йилда ҳам янги лойиҳа бўйича 2 гектар гидропоника усулда иссиқхона қуриш ишларини бошлаймиз.

“Обод юрт файзи” фермер хўжалиги кўшни Олтинкўл тумани билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Йўлда борар эканмиз, қишлоқларда буй чўзаётган иморатлар, намунали уйлар ва аҳоли дам олиш масканлари эътиборимизни тортди. Тўғри-да, тинч юртга бунёдкорлик ярашади. Атрофни томоша қилиб хўжалик ҳудудига кирганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Бизни фер-

мўллиги ишнинг силжишида муҳим аҳамиятга эга. Сўнгра 8 нафар ишчимиз билан паррандалар учун пирамида шаклида инлар қурдик. Паррандани парваришlashдан аввал унинг зотини ҳам ўрганиб чиқиш зарур. Биз Ломан-SLS зотини танладик. Бу зотли товуклар тухум беришга мослашган бўлиб, бошқа зотларга нисбатан ярим йил кўп тухум беради. Демак, ҳосилдорлиги яхши. Ҳозирги кунда 18 минг бош паррандани парваришlayмиз. 1 сентябрь — Истиқлол байрамини 100 минг бош парранда билан кутиб олишни режалаштирганмиз. Давлатимиз биз



Суратда: (чандан) фермер Зафариддин Насиббоев ва паррандабоқар Евгений Носков тухум сифатини кўздан кечирмоқда.

мер Зафариддин Насиббоев кутиб олди.

— Хўжалигимиз 2007 йили кўптармоқчилик йўналишида иш бошлаган. Асосан қорамоллар парваришлар эдик. Аммо аҳоли зич жойлашганлиги сабаб, озуқа маҳсулотларини етказиб беришда қийинчилик юзага келди, — дейди фермер. — 2017 йилда паррандачилик хўжалигига айлантирдик. Паррандачиликни нозик соҳа деганларича бор экан. Утган йилдан буён қайси вилоятда илғор паррандачи бўлса, бориб у билан суҳбатлашаман, маслаҳатлар оламан. Ишни, аввало, хўжалигимизга ажратилган 21 гектар экин майдонига паррандалар учун озуқа маҳсулотлари экишдан бошладик. Озуқанинг

каби фермерларга жуда катта имкониятлар яратиб берапти. Ўз фаолиятимизни ривожлантириш учун барча шароит муҳайё. Биз ҳам шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда 100 минг АҚШ доллари миқдорида кредит оляпмиз. Бу маблағга ўз ҳисобимиздан яна 700 миллион сўм қўшиб паррандахона комплексини қуришни режалаштирганмиз. Бу дегани бизнинг пар-

рандахонамизда яқинда инкубация, жўжахона, омихта ем ишлаб чиқариш цехлари фаолият олиб боради деганидир. Бундан ташқари, қишлоғимизнинг 14–15 нафар ёшлари шу корхонада доимий иш билан банд бўлишади.

Яхши ният — ярим мол, дейишади. Балиқчилик фермер ва тадбиркорлар кўнгилларига эзгу ниятни жо айлаб меҳнат қилишмоқда. Зеро, юртимизнинг истиқлол байрами шуқуҳи мана шу эзгу ниятлар қулфини очувчи калит бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Ўз мухбиримиз.

Мустақиллигимизнинг 27 йиллигини
нишонлаётган миришкор
бободехқонларни, фермерларни,
отахону онахонларни, халқимизни
самимий табриклаймиз.



PLANETA SERVIS XK жамоаси



PLANETA
SERVIS

TRAKTORBOR.UZ

**МТЗ ВА БЛЮМИНГ
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ
РАСМИЙ ДИЛЛЕРИ
қуйидаги русумдаги**

**Беларус 80.1
Беларус 892
Беларус 920
Беларус 1025**

**Беларус 82.1
Беларус 952
Беларус 80X
Беларус 1221**



тракторларини таклиф этади

**(+998 98) 125-7-125
(+998 98) 125-8-125**

Тўловлар нақд ва пул ўтказиш
йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган
Маҳсулот сертификатланган

Шаҳрисабзликлар қадим-қадимдан тўкинлик остонаси — томорқадан самарали фойдаланишган. Бу сўлим гўшанинг “Яшил шаҳар” деган маънони англатиши ҳам бежиз эмас. Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг томорқадан самарали фойдаланишига қаратилаётган эътибор, яратилаётган имкониятларнинг меваси сифатида туман хонадонлари кундан-кунга ободонлашиб, эл-юрт тўкинлигига қўшаётган ҳиссаси ортиб бормоқда.

шу мўъжазгина ер, ҳовлидаги чорваларим билан бирга ўтган йили 30 миллион сўмдан ошиқроқ даромад берди. Бу йил янада кўпроқ фойда оламиз, — дейди шукроналик билан нуроний томорқачи. — Томорқага эътибор оилага эътиборнинг ажралмас қисмидир.

Тожинор опа Назарова Улоқ қишлоғининг кайвони аёлларидан саналади. Меҳнатсевар опахон маҳалла оқсо-

ТОҒ ЭТАГИДАГИ ТЎКИНЛИК



Суратларда (чапдан) каштанчи ота Абдуманнон Боқиев, маҳалла раиси, намунали томорқа соҳибаси Гулшан Одилова, нуроний томорқачи Таниқул Шанбиев, файзли хонадон бекаси Тожинор Назарова.

“Наврўз” маҳалласи тоғ этагида жойлашган бўлиб, ҳудуддаги ҳар бир ҳовлида файз-барака уфуриб турганлиги кишига яхши кайфият, қўтаринчилик бағишлайди. Узоқ йиллар қишлоқ хўжалигида муҳандис, шу маҳалла раиси бўлиб ишлаган, эл оғзида “Раис бобо” деб эътироф этиладиган Абдуманнон ота Боқиевнинг хонадонига кирсангиз баҳру дилингиз очилади. Ҳовлидан йил давомида оқиб турувчи ариқдаги сувнинг майин овози кўркамликка алоҳида жозиба бериб турибди.

— Ўн сотихли томорқамизда маҳаллий меваларнинг сара навлари экилган. Мевали дарахтдан мўл, сифатли ҳосил олиш учун аввало унга тўғри шакл бериш лозим, — дейди тажрибали соҳибкор. — Томорқадан юқори даромад олиш учун экиладиган экинни, унинг навини тажрибаларга таяниб танлаган маъқул. 2 сотих майдонга аччиқ қалампир экканмиз. Шунингдек, 2 сотих майдондаги каштан кўчатзори баравж ривожланмоқда. 20 туп камёб навли узумнинг ҳосилдан кўнглим тўқ. Бола-чақамиз билан чорва ва паррандалар парваришламоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, томорқамиз рўзгоримиз таянчига айланган.

Маҳалла хонадонларининг томорқадан фойдаланишини ўрганишда биз билан ҳамроҳлик қилган Гулшан опа Одилова хонадонидамиз.

— Менимча, йиғин раиси маҳаллага барча жабҳаларда ўрناق бўлиши лозим. Шундагина ҳудудда ўзгариш, ривожланиш бўлади, — дейди раиса опа. — Давр талабидан келиб чиққан ҳолда бериладиган тавсия ва кўрсатмаларни биринчи навбатда ўз хонадонимда жорий этишга ҳаракат қиламан. Яқин келажақда маҳалла аҳоли томорқалари учун талаб этиладиган мева кўчатлари, сабзавот, полиз уруғларини ўзимизда тайёрлаб, таъминлашга эришамиз. Бунда эътиборни маҳалла экспорт салоҳиятини ошириш учун мева-сабзавотларнинг тур ва навларини бирхиллаштиришга қаратаёلمиз.

Маҳаллада томорқадан унумли фойдаланишда, айниқса, нуронийлар ўрناق бўлаётганлигининг гувоҳи бўлдик. 80 ёшни қаршилаган бўлсада, ҳали қадди букилмаган, бир сония вақтини меҳнатсиз тасаввур қилолмайдиган Таниқул ота Шанбиев 8 сотих томорқаси ва унинг атрофида 40 дан ортиқ мева, 20 туп узум, очиқ ерда рўзгор учун керак бўладиган сабзавотлар, атрофда анвойи гулларни парваришлаб ҳовлига файз-барака киритиб қўйибди.

— Ота-боболаримиз хонадонга, ҳовлига, қолаверса, инсонга барака остонадан, томорқадан келади, деб насиҳат қилардилар. Ўтган умрим давомида бу ҳикматнинг ҳақлигига ҳар қадамда амин бўлдим. Мана

қоли Нурилло ака Зиёдуллаев билан қўша қариб, 5 нафар фарзандни тоза, покиза ризқ билан вояга етказди.

— Хонадонимиз аҳли тонгни томорқа ишлари билан банд бўлган ҳолда қарши олади. 10 сотихли томорқамизга рўзгорга керак бўлган барча турдаги экинларни экамиз. Бозорга боришга деярли ҳожат қолмайди, — дейди файзли хонадон бекаси. — Меваларнинг хилма-хиллиги, ўғитсиз етиштирилган сабзавотлар ҳар доим дастурхонимиз кўрки бўлиб келган. Ортиқчасини сотамиз. Чорва моллари юқори даромад манбаи бўлиш билан бирга, ерларимизни органик ўғит билан озиқлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Томорқамиз тупроқлари унумдор бўлганлиги боис, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мўл ҳосил олишга эришамиз. Бинобарин, “Сен ерни боқсанг, ер сени боқадир”, деб бежизга айтишмаган.

— Маҳалламизда ердан йилига 3 мартагача ҳосил оладиганлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Бунда экинларни тўқсонбости усулида етиштириш бош омил бўлмоқда, — дейди маҳалла раиси Гулшан Одилова.

Эл-юрт тўкинлигига ҳисса қўшиб, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб яшаш ҳам шукроналик демакдир. Бунга шаҳрисабзлик томорқачилар мисолида амин бўлдим.

Ўз мухбиримиз.

ИБРАТЛИ МАҲАЛЛАДОШЛАР

Шофирконда бўлганимизда туманда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор ибратли ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

– Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, тумандаги деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер эгаларининг ерларидан самарали фойдаланишини ташкил қилиш мақсадида 250 кишидан иборат туман ишчи гуруҳи ташкил этилди, – дейди туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ерларидан фойдаланиш Кенгаши раиси Учқун Умаров. – Кам таъминланган аҳоли хонадонларига тумандаги салоҳиятли фермер хўжалиқларини бириктириб, уларга уруғлик, кўчат етказиш ва томорқа ерларига экиш ишларига ёрдам беришни ташкил қилганмиз. 408 та аҳоли хонадонларига энгил конструкцияли иссиқхоналар қурилиб, ишга туширилди ва янги ишчи ўринлари яратилди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда тумандаги 32290 та хонадондаги жами экиш майдони 6137 гектар, шундан экин ери 4215 гектар, боғ ва тоқзорлар 635 гектар, кузги бошоқли дон 1710 гектарни ташкил этади.

“Хўжа Ориф” маҳалласи туман марказида жойлашган. Маҳалла кўчалари четларида ҳар хил мевали-манзарали дарахтлар, турфа гуллар экилган. Остона ҳатлаб дарвозадан ҳовлига кираверишдан ток сўриларидаги зармисол товланиб турган узумларга кўзингиз тушади. Бу файзли хонадон соҳиби 72 ёшли Фахриддин ота Исомовни Шофирконда уста, тажрибали соҳибкор сифатида билишади.

– Ота-боболаримиз анъаналарига содиқ қолиб, боғдорчиликнинг сирларини ёшлиқдан ўрганганман. Нафақага қадар ҳам томорқамиз оила даромадининг асосини ташкил этган, – дейди шукроналик билан нуруний боғбон. – Олдинлари томорқага раҳбарлар томонидан кам эътибор берилар эди. Ҳозир экин экиш учун пулинг бўлмаса – кредит, экин уруғи бўлмаса – уруғ беради. Хуллас, томорқангни гуллашиб қўйишинг учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу Президентимиз юритаётган доно сиёсатнинг ифодаси. Фарзандларимизнинг ҳам ўз томорқаларига эътиборлари яхши. Ҳовлиси обод кишининг қалби обод, баракаси бўлади.

Фахриддин отанинг 10 сотихли томорқасида экилган 55 турдаги меванинг маҳаллий сара, ҳатто, хориж навлари ҳосилини кўз-кўз қилиб турибди. 3 сотих майдондаги даромадли тармоққа айланган кўчатзорда меваларнинг камёб навлари ниҳоллари баравж

ўсиб-ривожланмоқда. 20 туп токнинг аксарият қисмини Хусайни ташкил қилади. Сабзавот-кўкатлар яшнаб турибди. Отахон ҳали бақувват, ғайратига кўпчилик йигитларни ҳам ҳаваси келади. 4 бош қорамол, 8 бош қўй, 27 бош товуқ парваришланмоқда. Тўқсонбости экинлар экиш ҳисобига томорқадан йилга 2, баъзи қисмидан 3 мартагача ҳосил олади.

– Томорқаси обод инсон ҳеч қачон зорикмаган. Менинг касбим ўқитувчи. Томорқани обод қилиб қўйиш, ундан самарали фойдаланиш қон-қонимизга сингиб кетган, – дейди “Читқарон” маҳалласидаги файзли хонадон соҳибаси Дилбар Кенжаева. – Ердан унумли фойдаланиш сирларини тушунаман. Ток ва меваларга шакл бериш илмидан ҳам хабардорман.

Дарҳақиқат, тупроқ унумдорлиги, касаллик-зараркунандаларга қарши ўз вақтида, сифатли кураш, асо-



Суратларда: (чандан ўннга) кенгаши раиси Учқун Умаров; Фахриддин Исомов; Дилбар Кенжаева.

сийси, тўғри шакл бериш мўл, сифатли ҳосилнинг омилларидан саналади. Хонадондаги 12 туп турли навдаги мева, 40 туп Хусайни навли тоқларга назар ташлар эканмиз, мазкур тадбирларнинг ҳар бири талаблар даражасида ўтказилганлигига амин бўламиз. Ҳосил ниҳоятда мўл ва сифатли. Читқарон қишлоғида кенг қаровли ободончилик ишлари амалга ошириляпти. Демакки, қишлоқ янада кўркамлашади. Хайратланарлиси, қишлоқ кўчаларидаги пишиб турган мевузумларга ҳеч ким сўроқсиз тегмаслигининг гувоҳи бўлдик.

– Ҳар куни эрта тонгда хонадонлар ҳолидан хабар олишни одат қилганман, – дейди маҳалла раиси Телман Шакаров. – Шунга кўра, турли ташкилотлар вакилларидан иборат махсус ишчи гуруҳлари мониторинги натижасида экин ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини сақлаган ва кўпайтиришга эришган томорқа ер эгасига солиқ имтиёзи берилиши ва аксинча, томорқа ер эгасига жорий йил учун ер солигининг уч баробар миқдорда ҳисоблаш тартибини қўллаш яхши самара бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Шофирконда томорқа ерларидан фойдаланиш тадбирлари уюшган ҳолда амалга оширилмоқда.

М. ФАЙЗУЛЛАЕВ.



БОҒНИ БОҚҚАН БОЙ БЎЛАР

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг, жумладан, томорқа эгаларининг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, улар билан таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида бозор механизмлари жорий қилиниши натижасида ерга бўлган муносабат ўзгарди.

Фуқароларнинг моддий манфаатдорлиги ҳамда даромадлари ошиб бориши билан етиштирилётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва турлари ортиб, сифати даражаси жаҳон андозаларига мос тарзда яхшиланиб бормоқда. Имкониятлардан кенг қўламда фойдаланаётганлар орасидан саховатли, тўкинлик оstonаси илмини ҳар бир қарич ерда жорий этиб, халқимизга намуна бўлаётган томорқачи заршунослар етишиб чиқмоқда.

Эркин ака Каримовни “Чағатой” маҳалласи аҳли, қолаверса, иштихонликлар ер билан тиллашадиган уста соҳибкор-деҳқон сифатида яхши билишади.

Дарҳақиқат, қаҳрамонимизнинг томорқаси бир қарашданоқ “Боғи Эрам”ни эслатади. Атрофи турфа гуллар билан уйғунлашиб, кишига кўтаринкилик инъом этувчи ранг-баранг, гиж ҳосилга бурканган турли хил мева дарахларини кўриб, кўзингиз қувнайди.

— Ҳозирда нафақадаман. Оилам Ойхол билан вояга етган 7 нафар фарзанднинг меҳридан қониб, шириндан-шакар набиралар кучоғида шукроналик қилаяпмиз, — дейди Эркин ака. — Ҳалигача қариликни ҳис этганим йўқ. Эртаю кеч томорқа, боғ оралаб роҳатланаман.

Томорқадаги 100 тупга яқин мевали дарахларнинг аксариятини олма ва шафтолининг сара,

бозорбоп навлари ташкил қилади. Пайвандлаш йўли билан бир туп дарахда 3–4 хилдаги меваларнинг кўриниши киши баҳрудилини очади. Сабзавотлар олами янада тароватли, уруғлик учун ажратиб қолдирилганлари бир қарашданоқ билинади. Томорқа даромадининг асосини ташкил этувчи узумнинг камёб навлари кўчатлари баравж ривожланмоқда.

— Жаннатмакон ўлкамиз шароитида 2–3 марта ҳосил олиши мумкин. Аксарият экинлар тупроқ унумдорлиги етарли бўлган ерларда 1–1,5 тоннагача ҳосил беради. Бу рақамни мавжуд ерга, кейин 2 марталик ҳосилга, натижани бозордаги нархларга кўпайтиринг... Ана қанча даромад. Томорқамиздан еган-ичгандан, саховатдан ортган фойда 50 миллион сўмдан ортади. Шукрим, элимиз тинч. Юртбошимизнинг эл-юрт манфаати йўлидаги ҳаракатларини таърифлашга сўз ожиз, — дейди фидойи томорқачи. — Баъзан томорқасида қўл учуда меҳнат қилаётганларни кўриб ранжийман.

— Барча хонадон соҳиби ёшлигидан томорқачилик илмидан хабардор бўлгани яхши. Буни ўргатишни ҳар бир ота-она ўзининг бурчи деб ҳисоблаши лозим. Натижада фарзанд ўз хонадони учун мева кўчатларини тайёрлаш, экинлар уруғларини тайёрлаш, парваришлаш, чорва молларини боқиш каби юмушларни бемалол

бажариш ҳадисини олади. Шунда у томорқасини обод қила олади. Мен экадиган кўчатларни ва уруғликларни ўзим тайёрлаганим, юқори самарадорликка эришиш омилларида уқувим бўлгани учун ҳар йили турли об-ҳаво шароитида ҳам ишончли ҳосил етиштираман.

Томорқага бунақанги эътибор тарихда бўлмаган. Президентимизнинг фармони билан томорқа эгаларига 7 фоизли кредит берилиши, 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаётган жисмоний шахслар учун меҳнат дафтарчаси очилиб, иш стажы ҳисобланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотишда амалий ёрдам кўрсатувчи “Томорқа хизмати” МЧЖлар, томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаларининг ташкил этилиши айна муддао бўлди.

— Ниятларимиз тоғ мисол. Ер олиб, замонавий иссиқхона қурмоқчиман. Юқори даромад манбаи бўлган ноанъанавий экинлар етиштириш, сабзавот-полиэ экинлари бирламчи уруғчилиги бўйича тажрибаларимга таяниб, ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиб, элимиз тўкинлигига янада кўпроқ ҳисса қўшмоқчиман.

Ўз мухбиримиз.

БАРАКА — АҲИЛЛИҚДА

Ҳар бир оила ўз томорқасига эътибор бериши туфайли оилавий тадбиркорликнинг турли шакллари ривожлана бошлади. Бўстонлиқ тумани Қўшқўрғон МФЙдаги айрим хонадонларга кириб борар экансиз, қилинган ишларни кўриб кўзингиз яшнайди, ҳавасингиз келади. Айниқса, «Бозорбоши» кўчасининг 4-уйда истиқомат қилувчи Миркомил Фозиловлар хонадониди бўлиб, 2,5 сотихда етиштирилаётган ёз резаворларини кўриб кўнглингиз яйрайди.



Кулупнай етиштириш ҳадисини олган Миркомил ака кўчатларни уч қават қилиб эккан. Шу боис иссиқхонада қишин-ёзин бу резавор мевани етиштириб сотишни йўлга қўйган. Боғда анвоий гуллар билан бирга помидор, болгар қалампери, кўкатлар, узум, анор, олма, хурмо каби мевалар ҳам бисёр бўлиб, хонадон келини Моҳирабоннинг айтишича, бозордан ҳеч бир маҳсулотни сотиб олишмас, ўзлари етиштиришар экан.

— «МаксамЧирчиқ» заводида пайвандчи бўлиб ишлаганман, ҳозир нафақадан, бекор ўтиргим келмайди, — дейди М.Фозилов. — Шу бугунгача кулупнайнинг ўзидан 15 миллион сўм даромад қилдик. Катта ўғлим Миржалол «МаксамЧирчиқ» заводида оператор, Миржалолимиз «Ўзбекхиммаш»да пайвандчи, турмуш ўртоғим Рамида Чирчиқ шаҳрида ижтимоий ҳимояга муҳтож кексаларга қарайдиган касб ходимаси, Барно келинимиз шифохонада ҳамшира бўлиб ишлайди. Уларнинг ҳаммаси ишдан бўш пайти томорқа ишларига қарашади.

Қўшқўрғон МФЙ раиси Шавкат Ёдгоровнинг айтишича, маҳалладаги 721 хонадонда 3510 нафар аҳоли истиқомат қилади. Оилаларнинг барчаси томорқаларига эътибор билан қараб, унумли фойдаланишга интилишади. «Бизда бир қарич жойга ҳам экин экилади», дейди у.

Суратда: Қайнота ва келин кулупнайзорда.



МИРАЪЗАМНИНГ ИССИҚХОНАСИ

Қўшқўрғон маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси Муҳайё Хўжамберганава билан «Боғкўча» кўчаси 33-уйда истиқомат қиладиган ёш оиланинг хонадон тадбиркорлиги билан танишдик. 33 ёшли Мираъзам Фозилов «Гидрофармтехно» фирмасида иш бошқарувчи, турмуш ўртоғи Фотимахон Бўстонлиқ Халқ банкида газначи бўлиб ишлайди. Улар бири-биридан ширин уч нафар фарзандни тарбияламоқдалар. Шу билан бирга, ишдан бўш вақтларида хонадонларида иссиқхона ташкил қилиб, 8 нафар ҳамқишлоғини иш билан таъминлаган. Биз борганимизда ишчилар 3 сотих жойда уч қаватли янги иссиқхона қуриш ишлари билан банд эдилар.

Ўтган йили тўрт сотих жойни чуқур қилиб қаздириб иш бошлаган Мираъзам ўзининг танишлари — Сардор Саъдуллаев ва Зуфар Абдуллаевларни чорлаб, иссиқхона ишларини йўлга қўйди. Кулупнайлар қишда биринчи марта савдога чиқарилди. Экиннинг ичига саримсоқ пиёз экилди, ундан 1,5 млн. сўм даромад олинди, кулупнайниники эса 12 млн. сўмдан ошди. Лимонлар тагига эса ликола барглари экилди. Натижада 4 марта ликола ҳосили олинди.

— Ликолани кимга сотаман деб ташвиш ҳам қилмадим, харидорларнинг ўзи келиб четга экспорт қилиш учун сотиб олиб кетишди. Мен эса қўшимча даромадга эга бўлдим, — дейди М.Фозилов. — Энди эса кулупнай кўчатларини ҳам етиштириб сотаяпман. 1150 туп кўчатни 2 миллион 450 минг сўмга сотдим. Кўчат олиш мақсадида қлупнай мевалашини кутиб бироз тўхтатдик. Ўзим иш бошлаганимда 6500 дона кўчатни 9,500 миллион сўмга сотиб олиб эккан эдим. Ҳар бир кўчатим 5 тупга кўпайди. Аслида бу фикр отам Мирсаид Фозиловдан чиққан эди. У киши Тошкентдаги Миллий боғ қурилишида иш бошқарувчи бўлиб ишлайдилар. Бизнинг қишлоғимизда кулупнай етиштиришнинг илк тарғиботчиси отам ҳисобланади.

Ҳа, ишнинг кўзини биладиган одамнинг ҳар қадами қутлуг. Мираъзам бугун ўз ишларидан мамнун. Дарвоқе, уйнинг орқа томонига ўтиб, девор билан бирлашиб кетган катта-катта қовоқларга кўзимиз тушди. Бу иш ҳам Фозиловлар тажрибасидан экан. Хайрли ишларда қўшқўрғонликларга омад тилаб, улар билан хайрлашдик. Мустақилликнинг озод фуқаролари ҳар бир қадамини гуллатиб, боғ қилиб, дур ундираётган ёшларимизнинг ишларидан мамнун бўлдик. Меҳнат эса фақат камолотга етаклайди.

Суратда: М.Фозиловлар хонадон томорқасидаги иссиқхонада.

Ш.СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.

ҲАР ИШДА ТАШАББУС КЕРАК

Иши билан сўзи бир, шижоатли ва ташаббускор аёл, "Малика беданалари" хусусий корхонаси раҳбари Малика Бекметова юқоридаги гапни тез-тез такорлайди. Зеро, ўзи ташаббус ва журъати туфайди бахтини топган аёлдир.



Хоразм вилояти, Хонқа тумани қишлоқ хўжалиги бўлимининг чорвачилик бўйича бош мутахассиси Абдулла Курбанов билан туман ёшлари ва уларнинг бугунги ишлари хусусидаги суҳбатимиздан кейин, бу ширинсухан, нозик дидли аёлга рўбарў бўлдик.

Малика Урганч шаҳрида туғилиб, ўсди. Отаси истеъфодаги ҳарбий, онаси мусиқа ўқитувчиси. Уни эса негадир қишлоқ хўжалиги соҳаси ўзига жалб қила бошлади.

Президентимизнинг ҳар бир тadbиркорга, ёшларга қилган муурожаати, улар учун яратган имконият ва имтиёзлари боиси Малика беданачиликни ривожлантиришга қарор қилди.

У дастлаб онаси билан ҳамкорликда Урганч шаҳрининг Ёшлик кўчасидаги қурилиш майдонидан 1 сотих ер олиб, 100 бош бедана боқа бошлади. Кичик ҳажмли бедана инкубацияси сотиб олди. Орадан олти ой ўтмай хона торлик қилиб қолди. Чунки бедана тез кўпаяр экан. Шундан сўнг Малика Хонқа туманининг Мадир қишлоғидаги Дўстлик маҳалласидан 4 сотих жой олиб, бедана тухуми ва гўшт маҳсулоти етиштиришни йўлга қўйди. Шаҳар ичидаги кичик томорқада бошланган хайрли иш шундай қилиб кенгайиб кетди.

Малика бугун ҳақиқий тadbиркорга айланган. Айни пайтда унинг кенг ва шинам беданахонасида 6 000 бош бедана боқилмоқда, икки нафар ишчи кечаю кундуз иш билан банд. Ҳар куни 2 500—3 000 дона сифатли ва арзон бедана тухумлари Хонқа ва Урганч шаҳарлари бозорларига чиқариб сотилмоқда.

— Фаолиятимизни янада кенгайтиришни, 30 000 бош бедана боқишни, шунга яраша тухум етиштириб, экспортга чиқаришни кўзлаяпмиз, — дейди М.Бекметова. — Биласизми, ўзига маъқул иш билан машғул бўлган одам чарчаш нима экалигини билмас экан.

Ҳа, Малика ўз ишидан мамнун. Ахир у халқимиз дастурхонига шифобахш озуқа етиштириб беришдек масъулиятли вазифани бажармоқда. Биз мустақил ватанимизнинг қалби олов, иштиёқи баланд ёшларининг ҳар бир куни яхшилик билан йўғрилишини, ижобий ишлари ривож топишини истаимиз.

Суратда: М. Бекметова.

БИБИНУРНИНГ НУРЛИ ҚАДАМИ

Хонқа туманидаги "Шерзод Отаниёзов" фермер хўжалиги ҳар йили илғорлар сафида бўлиб, барча соҳалардаги режа ва топшириқларни ўз вақтида ошиги билан уддалаб келади. Хўжалик 2002 йили ташкил қилинган бўлиб, ўша пайтда 10 гектар ери бор эди. Ҳозирги кунда 52 гектар ерга эга. Мазкур фермер хўжалигининг раҳбари Бибинур Отаниёзова Урганч шаҳрида зиёли оилада таваллуд топган. Тошкент тўқимачилиги ва енгил саноати институтини тугатгач, тақдир тақозоси билан қишлоққа, Хонқа туманининг Мадир қишлоғига келин бўлиб тушди. Асли касби иқтисодчи бўлган қиз кўнглини қишлоқ далалари ўзига ром этди. Фермер бўлишни орзу қилди ва фермер хўжалиги тузди.

— Барча ишда иш юритувчим ва ҳамкорим, турмуш ўртоғим Шавкат Отаниёзовга суянаман. Чунки у киши шу қишлоқлик, дала ишларини яхши билади, — дейди Бибинур опа.

Ўтган йили хўжалик деҳқонлари 25 гектар ердаги уруғлик ғалладан 32 центнер ўрнига 75 центнердан, "Хоразм - 150" навли уруғлик пахтадан эса 32 центнер ўрнига 45 центнердан ҳосил йиғиб олишди.

Бугун ҳам далаларда иш қизғин. Ғалладан бўшаган майдонларга иккинчи экин экилган. Хўжаликнинг иккита савдо шохобчаси ҳам бор. Атрофи ободонлаштирилган 50 ўринли замонавий шийпон доимо ишчи-хизматчилар ихтиёрида. Умуман, хўжаликда ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилган, тўй, маърака қилганларга қўшимча моддий ёрдан кўрсатилади.

— Қирқ уя асаларимиз бор. Соҳага ўз ишининг устаси бўлган Роҳат Аминов доимо бош-қош. Жорий йилда балиқ ҳавзамизни кенгайттирдик, — дея суҳбатга қўшилди Шавкат Отаниёзов. — Бундан ташқари, автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилишини тугаллаш арафасида турибмиз.

Жорий йилда ҳам 25 гектар уруғлик ғалладан 80 центнердан ҳосил олган жамоа аъзолари, 21 гектар пахта майдонидаги ғўза ниҳолларининг мўл ҳосил тўплаши йўлида тинимсиз меҳнат қилмоқдалар. Юқорида таъкидланганидек, бошқа тармоқлар ҳам ривожланмоқда.

Ҳа, изланган имконият топаверади. Қалбда шижоат бўлса бас. Далада сувчилар Равшан Қодиров, Интизор Қаландарова, тракторчи Сотимбой Ваисов шижоат билан меҳнат қилаётганини кўриб, кўзимиз қувонди.

Бир пиёла чой устида Бибинур опа билан суҳбатлашдик. У томорқасига ҳам алоҳида меҳр билан қарар экан. Боғдаги фаввора ёнидаги турли хил мевалар фарқ пишган. Хонадон файзли, саранжом, саришта. Аслида, ўзбек аёлининг деҳқончиликка интилишининг ўзи бир саодат.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллигини муносиб кутиб олаётган хўжалик аъзолари, шунингдек, Бибинур опа ва унинг турмуш ўртоғи билан хайрлашар эканмиз, улар амалга ошираётган хайрли ишлар яна ҳам кўпайишига ишонч ҳосил қилдик.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: фермер Бибинур Отаниёзова ўзининг томорқа хўжалигида.



ШИФОБАХШ МАСКАНДА

Наманган вилоятининг Чортоқ тумани фақат қишлоқ хўжалиги соҳасида эмас, маданий ва мўъжизавий масканлари билан ҳам эътиборга лойиқ. Айниқса ёз чилласи ўта иссиқ келган бу йил кексалар, устоз-мураббийлар, шифоталаблар соясалқин, шифобахш жойларга интилдилар.



“Чортоқ” санаторийсида дам олувчилар сони ҳар йилгидан ҳам кўпайди. Умумий ер майдони 36 гектардан иборат сиҳатгоҳда 6 та кенг кўп қаватли ётоқхона биноси, 3 та даволаш бинолари келиб-кетувчилар хизматида. Сиҳатгоҳ 440 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда жами 400 нафардан зиёд ишчи-ходимлар меҳнат қилмоқда.

Олий тоифали врач-терапевт Шамсиддин Абдуназаров 2006 йилдан буён бошқараётган сиҳатгоҳнинг айрим эски бинолари янгидан қурилиб, замонавий даволаш ускуналари ўрнатилди. Бугунги кунда суяк-мускул касалликлари, таянч-ҳаракат, ошқозон-ичак, асаб тизими, тери касалликларини даволаш билан бирга оромбахш маскан

сифатида маълум ва машҳур сиҳатгоҳлар тизимида ўз ўрнига эга сиҳатгоҳнинг ўзга хос тарихи, яратувчилари, куюнчаклари бор.

1946–1947 йилларда Чортоқсой воҳасида нефть-қидирув ишлари олиб борилганда кетма-кет қазилган учта қудуқдан кутилган нефть ўрнига иссиқ, тахир, шўр сув катта босимда отилиб чиқади. Сувнинг шифобахшлигини билган одамлар қўл-оёқларини ботириб ёки чўмилиб ўз дардларидан фориғ бўлгач, турли томонлардан шифоталаблар кела бошлаган. Шунга кўра, олимлар, мутахассислар сув таркибини ўрганиб “Чортоқ минерал сувлари қимматли, ноёб шифобахш хусусиятларга эга” деган хулосага келгач, анча саъйи-ҳаракатлардан кейин дастлабки сув билан даволувчи шифоҳона ишга туширилади.

Республика Касаба уюшмаларининг 1960 йил 31 декабрдаги буй-

руғига асосан, балнеологик шифохона 300 ўринга мўлжалланган “Чортоқ” санаториясига айлантирилади.

Сиҳатгоҳда кўпроқ табиий усулда даволашга эътибор қаратилган. Эрталабки гимнастика, қум, тош,



балчик, тузли ғор муолажалари, сайр, маъданли сув ичиш, ошхонада эса пархез таомлар берилиши, вақтида уйқу ва кечки томоша ва учрашувлар бир-бирини тўлдириб, маданий дам олишни шакллантиради ва мижозларга шифо бахш этади. Айрим кунлари водийнинг сўлим ва зиёратгоҳ жойларига саёҳатлар уюштирилади. 500 ўринли маданият саройи барча қулайликларга эга. 4 000 дона китоб фондига эга кутубхонадан исталган адабиётни топиб ўқиш мумкин.

— Мен 20 йилдан буён шу ерга келаман, — дейди даволанувчилардан бири. — Дастлаб юролмасдим, шу ердан шифо топдим, дўстлар топдим, энди эса ҳар йил келишни қанда қилмайман.

— Бу ер менинг сеvimли масканим, уни Сочи, Ялталарга алишмайман, — дейди Самарқанд вилоятидан келган Гулнора ҳамда Бибинур.

Ҳа, инсон шифо топган, кўнгли ором олган жойга интилаваради. Жаннатмакон ўлкамизнинг мўъжизалари бисёр. Тўрт фаслнинг тўрт минг жилваси, кўринишлари, бир-бирига ўхшамаган субҳи сабоси бор.

— Санаториямизнинг асосий таянч омили йод-бромли, натрий-хлор-кальцийли юқори минерализацияга эга бўлган маъданли суви ҳисобланади, — дейди директор ўринбосари Зухриддин Қуръзов. — Булар ванна усулида берилади, сув 1802 м чуқурликдан иссиқ ҳолатда чиқади. Иккинчи таянч омилимиз сульфат натрийли, магнийли сув бўлиб, ошқозон, ичак, жигар, ўт пуфаги касалликларига шифо.

Бу даргоҳдаги озон билан даволаш, фитосауна, лимфодражаж каби воситалар эса даволашнинг янги усуллари ҳисобланади. Жорий йилнинг биринчи ярмида 7029 нафар дам олувчи даволанган бўлиб, улардан 201 нафари чет эл фуқароларидир.

Аммо иш бор жойда муаммо албатта топилади. Санаторийга янги-ча йўналиш, янги дизайн жуда зарурлиги сезилади. У янада кўркем бўлса, нур устига нур. Шифо масканининг тили ширин, қалби саховатга тўла жамоаси Мустақиллик байрамини эл хизматида қаршиламоқда. Зеро, ҳар бир кун байрам бўлиб, инсон омили учун хизмат қилса, умр мазмунли, ҳаёт самарали бўлгусидир.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: шифокор Ёқубжон Кўчқоров ва ҳамшира Дилноза Матгозиева иш фаолиятдан.



*Юрtdошларимизни Метиқлолнинг
27 йиллиги байрами билан еамиллий
луборакбод этализ. Меҳнатингиз
баракали, хонадонингиз тинч,
хаётингиз фаровон бўлсин, азизлар!*

“ДЎСТЛИКДОНМАҲСУЛОТЛАРИ” АЖ жамоеси



ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Advantages of fine-stapled cotton varieties by tolerance to water scarcity, extremely high temperature and hot wind named Garmsel were presented in article.

Маълумки, кейинги йилларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ғўзаларнинг ўсиб-ривожланиш даврларида ҳароратнинг кескин кўтарилиши, гармселнинг тез-тез эсиши туфайли етиштирилаётган ўрта толали ғўза навларининг ҳосил элементлари тўқилишига олиб келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, юқорида айтиб ўтилган ҳудудларнинг ўта иссиқ иқлимга бардошли бўлган ғўза турлари ёки навларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга ошириш вазифалари қўйилди. Шулар қаторида ўта иссиқ иқлимли ҳудудларга ғўзанинг ингичка толали турига мансуб ғўза навларини жорий этиш ҳамда уларга мос бўлган парвариш-лаш агротехнологиялар тизимини татбиқ этиш кўзда тутилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларининг иқлим шароитларининг, ўртача самарали ҳаво ҳарорати йиғиндиси Миср воҳаларининг ҳаво ҳароратига яқин бўлишидир. Бунда, Қоҳирада ўртача йиллик ҳаво ҳарорати йиғиндиси — 3281°C, Александрияда — 3030°C бўлса, Шерободда бу кўрсаткич — 3357°C, Термизда — 2924°C, Қаршида эса — 2812°C ни ташкил этади, яъни республикамизнинг айнан ушбу ҳудудларида ингичка толала ғўза навларини етиштиришга қулай шароитлар мавжуд.

Олдинги йилларда селекционер олимлар — М.С.Истомин ва Е.Г. Гавриловлар Сурхондарё вилояти шароитида ўрта ва ингичка толали ғўза навларининг воҳадаги гармселга бардошлилиги ўрганилганда, ҳосил элементларининг тўқилиши ўрта толали ғўза навларида 75, ингичка толали ғўза навларида эса 35 фоизни ташкил этиши аниқланган. Ўз-ўзидан ингичка толали ғўзалар ўрта толалиларга нисбатан воҳа иқлимга мос келиши исботлаб

берилган. Ундан ташқари бугунги кунда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сув ресурсларининг чекланганлиги, ҳаво ҳарорати ва гармселни ҳам эътиборга олиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада ингичка толали ғўза навларини афзаллик томонларини кўрсатиб ўтмоқчимиз. Биринчидан, ингичка толали ғўза навлари биологик хусусиятларига кўра, ўрта толали ғўза навларига нисбатан табиий экстремал шароитларга, жумладан, сувсизликка, жазирама иссиққа, гармселга ва бошқа табиий ноқулайликларга бардошли ҳисобланади.

Иккинчидан, ингичка толали ғўза навлари морфобиологик жиҳатдан ўрта толали ғўза навларидан фарқланади. Яъни, поясининг тукланганлиги, барг пластинкасининг қалинлиги ва бошқа хусусиятлари уларнинг зараркунандаларга бардошли эканлигини кўрсатади. Бу айниқса, кейинги йилларда жанубий минтақаларда, жумладан, Сурхондарё вилоятида ғўзанинг беда қандаласи каби ўта хавfli ҳашаротлар зараридан сақланишда фермер хўжаликларига қўл келади.

Учинчидан, маҳаллий яратилган ингичка толали ғўза навлари нулевой типга мансуб бўлиб, машина теримига ва қўшқатор қилиб экишга жуда мос ва қулайдир. Бу эса мамлакатимиз жанубий минтақалари пахтачилиги келажаги учун муҳим стратегик чора-тадбирлардан биридир.

Тўртинчидан, жаҳон бозорида ингичка толали ғўза навларининг толаси нархи ўрта толали ғўза навларининг толасига нисбатан 1,5–2 баробар юқори баҳоланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда ушбу воҳаларда ингичка толали ғўза навларини етиштириш жуда қулай ҳисобланиб, нафақат фермерлар, балки Республика учун ҳам эртаги, юқори

ва сифатли ҳосил олиш иқтисодий томондан мақсадга мувофиқдир.

Сўнги йилларда институтимиз ва унинг илмий тажриба станцияси олимлари томонида бир қатор ингичка толали, жумладан, “Термиз-202”, “Термиз-208”, “Сурхон-14”, “Сурхон-16”, “Сурхон-103”, “Сурхон-104” ғўза навлари яратилган. Бугунги кунда юқорида таъкидлаб ўтилган барча ингичка толали ғўза навлари экилиб, навдорлиги меъёрга етказилиб, уруғлари тезкор кўпайтирилмоқда.

Жумладан, институтнинг Сурхондарё тажриба станциясида яратилган “Термиз-202” ғўза нави тола сифати бўйича 1-типга мансуб бўлиб, унинг тола узунлиги 40–42 мм, тола чиқиши 34%, бир кўсақдаги пахта вазни 3,5–4 г, ҳосилдорлиги 40–42 ц/га, “Термиз-208” ғўза нави эса тола сифати бўйича 2-типга мансуб бўлиб, унинг тола узунлиги 37–39 мм, тола чиқиши 34–34,5%, бир кўсақдаги пахта вазни 4–4,5 г, ҳосилдорлиги 42–45 ц/га. ни ташкил этади. Энг муҳими, “Термиз-202” ва “Термиз-208” навлари кўсақларининг очирилиши ва уни териб олиши жуда қулай ҳамда толаси табиий оқ, яъни харидор-гир ҳисобланади.

Иккала нав ҳам бугунги кунда Сурхондарё вилоятининг илмий тажриба станциясида ва фермер хўжаликларининг экин майдонларида экилиб, навдор уруғлар етиштириш бўйича керакли илмий асосланган агротехник тадбирлар ҳамда уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш бўйича ишлар ҳам олиб борилмоқда. Келажакда ўзимизнинг маҳаллий навларимиз республикамизнинг тўлиқ майдонларини эгаллайди, деб аниқ айтишимиз мумкин.

Ж.АХМЕДОВ,
б.ф.д., проф.
Х.ЧОРИЕВА,
қ.х.ф.д.,
(ПСУЕАИТИ)

АДАБИЁТЛАР

1. Ж.Х. Ахмедов ва бошқалар. Тавсия. Ингичка толали ғўза навларини етиштириш агротехнологияси. - Тошкент 2017. - 32 б.
2. М.И.Иксанов. Качество волокна новейших сортов и линий тонковолокнистого хлопчатника. Материалы международной научно-практической конференции "Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития" посвященной 110-летию академика А.И. Автономова, 80-летию академика С.М. Мирахмедова и профессора А.А.Автономова а также 65-летию доктора сельскохозяйственных наук В.А.Автономова. Ташкент, УзНПЦСХ, 2006. - С. 192-194.

ТОЛА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ БЕЛГИЛАР ОРАСИДАГИ КОРРЕЛЯЦИОН БОҒЛИҚЛИКЛАР

In this article the data of correction among some agronomy traits is observed. It is proved that basic traits of high fiber productivity are fiber index and seeds sizes.

Селекцион ғўза навининг қимматлиги унинг сифати ва тола ҳосилдорлиги билан белгиланади. Ўзбекистон жаҳонда пахта етиштириш ва экспорт қилиш бўйича етакчи ўринларни эгаллаган бўлса, лекин тола ҳосилдорлиги бўйича хорижий навлардан кескин салбий фарқланади. Шунинг натижасида, яъни ҳосилдорлик паст бўлганлиги туфайли бизнинг фермерларимиз ҳар йили юз минглаб тонна тола кам олишади. Афсуски, бу муаммо ҳанузгача ечилмаган. Шунинг учун тола ҳосилдорлиги юқори бўлган навларни яратиш ҳозирги кунда жуда долзарб масаладир.

Юқори тола ҳосилдорлигига эга бўлган бошланғич селекцион ашё яратишда намуналар белгиларининг ўзаро боғлиқликларини ўрганиш жуда муҳим вазифадир. Бунда одатда кўп белгилар орасида салбий боғланишлари мавжуд, айниқса, тола чиқимини таъминловчи белгилар ва тезпишарлик ҳамда тола сифати кўрсаткичлари орасида [1].

Тола ҳосилдорлигини ошириш мақсадида биз ПСУЕАИТИнинг “Ғўза иммунологик тадқиқотлари ва сунъий иқлим” лабораториясида 15 та дурагайда тола ҳажмини таъминловчи белгилар ўрганилди. Бунда дала ва лаборатория шароитида тола маҳсулдорлиги, тола ҳосилдорлиги, 100 дона чигитнинг вазни, тола индекси белгилари ўрганилди. Чигит ҳажми 100 дона чигитни сува солиб, чигитнинг ҳажмига яраша кўтарилган сув миқдори билан ўлчанди, бунда ўртача 100 дона чигитнинг ҳажми 29 см³ дан 42 см³ гача бўлганлиги маълум бўлди; 100 дона чигитнинг вазни 11 граммдан 13 граммгача ўзгарувчанлиги кузатилди; тола чиқими 36–39 фоизни ташкил этди; тола маҳсулдорлиги 35 граммдан 48 граммгача, тола ҳосилдорлиги эса 8 ц/га. дан 13,5 ц/га. гача бўлганлиги кузатилди. Биз Доспехов (1986) услуби бўйича ўрганилган белгилар орасидаги фенотипик корреляцияларни ҳам ўргандик [2].

Ўрганилган тизмаларнинг келиб чиқиши турлича бўлганлиги сабабли уларнинг ўзгарувчанлик диапазоли 28–38 фоизни ташкил этди.

100 дона чигит ҳажми билан чи-

Тола ҳажмини таъминловчи белгилар орасидаги корреляция боғлиқлиги

№	Тизмалар	100 дона чигит ҳажми билан (см ³)				
		100 дона чигит вазни, г.	Тола чиқими, %	Тола индекси, г.	Тола маҳсулдорлиги, г.	Тола ҳосилдорлиги ц/га
1.	F ₅ C-6524xБухоро-8	0.43	0.26	0.73	0.62	0.58
2.	F ₅ C-6524xКЛ	0.37	0.53	0.68	0.58	0.80
3.	F ₅ C-6524xРАТ	0.28	0.44	0.60	0.66	0.72
4.	F ₅ C-6524xЛ-842	0.36	0.28	0.56	0.70	0.70
5.	F ₅ C-6524xТурон	0.42	0.41	0.67	0.65	0.70
6.	F ₅ C-6524xШодиёна	0.29	0.36	0.69	0.73	0.75
7.	F ₅ Бухоро-8xРАТ	0.30	0.28	0.81	0.77	0.76
8.	F ₅ Бухоро-8xБарҳаёт	0.20	0.42	0.66	0.74	0.74
9.	F ₅ Бухоро-8xАн-35	0.38	0.36	0.58	0.58	0.58
10.	F ₅ КЛxТурон	0.40	0.20	0.73	0.61	0.66
11.	F ₅ РАТxТурон	0.62	0.33	0.48	0.65	0.48
12.	F ₅ РАТxАндижон-35	0.18	0.22	0.53	0.71	0.53
13.	F ₅ Л-842xТурон	0.24	0.28	0.58	0.59	0.57
14.	F ₅ Л-842xШодиёна	0.38	0.36	0.56	0.64	0.68
15.	F ₅ Л-842xБарҳаёт	0.31	0.32	0.63	0.55	0.66

гитларнинг вазни орасида корреляция коэффициентлари 0,18 дан 0,62 гача бўлганлиги аниқланди. Энг кучли даражадаги корреляция F₅ C-6524 x Бухоро-8, F₅ C-6524 x Турон, F₅ КЛ x Турон, F₅ РАТ x Турон дурагайларида кузатилди. Бошқа дурагайларида эса бу белгилар орасидаги корреляция сезиларли даражада бўлмади, яъни бу белгилар орасидаги боғлиқлик ўсимликларнинг келиб чиқишига бевосита тааллуқлидир.

Тадқиқотларимизда майда чигитларнинг вазни юқори ва йирик чигитларнинг вазни эса паст бўлиши аниқланди, чигит ҳажми билан тола чиқими боғланиши ҳам турли усулда кузатилди. Энг юқори боғлиқлик коэффициенти F₅ C-6524 x КЛ дурагайда кузатилди. Бошқа дурагайларида эса корреляция коэффициенти 0,20–0,53 гача бўлди. Лекин тола индекси билан чигит ҳажмининг юқори даражада ижобий боғлиқлиги аниқланди. Ўрганилган барча тизмаларда боғланиш юқори даражада, яъни йирик чигитлардаги толаларнинг сони ва унинг вазни бевосита ижобий боғланишга олиб келиши аниқланди. Шунинг оқибатида йирик чигитларга эга бўлган намуналар юқори тола маҳсулдорлигини ҳам намоён

этди. Бу эса ўз навбатида, юқори тола ҳосилдорлиги билан тола маҳсулдорлиги ўртасида бевосита боғланиш борлигига асосланди.

Кўпгина олимларнинг фикрича, тола ҳосилдорлигини таъминловчи белги бу — тола чиқимидир. Лекин тола индекси бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, селекция жараёнида чигитларнинг ҳажми ва унинг тола индекси тола ҳосилдорлиги кўпроқ таъминланиши аниқланди (жадвал).

Шундай қилиб, энг юқори тола ҳосилдорлигига эга бўлган навларни яратишда яқка танловларнинг чигит вазни, тола индекси ва тола чиқими бўйича танлаш ва чиқитга чиқариш ишларини жадаллаштириш лозим ва уч белгининг юқори кўрсаткичлари тола ҳосилдорлигининг ошишига олиб келади.

П.ИБРАГИМОВ,
қ.х.ф.д., профессор,

Б.ЭРГАШЕВ,
мустақил тадқиқотчи,

С.ЭРГАШЕВА,
таянч докторант,
(Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти).

АДАБИЁТЛАР

1. Симонгулян Н.Г. Генетика, селекция и семеноводство хлопчатника. Ташкент, "Меҳнат" 1980. 65-67 с.
2. Доспехов Б.А. "Методика полевого опыта", 1985.



*Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб
ҳисса қўшаётган меҳнат аҳлини Энг улуғ,
Энг азиз айём — Мустақиллик куни билан чин
дилдан табриклаймиз!*

*Хонадонларимизга тинчлик-хотиржамлик
ва фаровонлик, кўнгилларга байрам шукуҳи
ҳамиша ёр бўлсин.*

**Қорақалпоғистон Республикаси
Хўжайли пахта тозалаш заводи
акциядорлик жамияти жамоаси**

ЎЗНИНГ ГЕОГРАФИК УЗОҚ ЮҚОРИ АВЛОД ДУРАГАЙЛАРИДА АЙРИМ ҚИММАТЛИ-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРНИНГ ЎЗАРО КОРРЕЛЯЦИЯСИ

In this paper given some indicators resulted of agronomy-valuable traits at ecologo-geographically and genetic remote of cotton hybrids. The basic results of our researches is allocation of ecologo-geographically remote senior generations of hybrids with the best indicators of economic valuable traits of a cotton comparison by sort of the standard and stabilisation of some traits, including, an exit of fiber output and weight of 1000 pieces of seeds are designated.

Маълумки, белгилар орасидаги корреляция турли даражада бўлиб, дурагайлашда улар ўртасидаги корреляция йўналиши ва қиймати ўзгариши селекция ишининг муваффақиятини белгилайди. Турли хил чаптириш тизимида олинган, жумладан, тур ичида эколого-географик ва генетик узоқ шакллари чаптириш орқали яратилган дурагайларда хўжалик учун қимматли белгилар орасидаги корреляция ўрганилган. Бироқ, гултожибарг ва чигитдаги (+) госсипол миқдорининг айрим хўжалик учун қимматли белгилар билан корреляцияси аниқланмаган. Шунинг учун, изланишларимизда ушбу белгилар корреляцияси ўрганилди.

Ўзанинг оддий дурагайларида хўжалик учун қимматли белгилари

ги (+) госсипол ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган селекцион ашёларни яратиш истиқболлини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, асосий эътибор нафақат гултожибарг ва чигитдаги (+) госсипол орасидаги, шунингдек, 1000 дона чигит вазни, 1 дона кўсак вазни, маҳсулдорлик, тола чиқиши ва узунлиги каби белгилар билан корреляциясини ўрганишга ҳам қаратилди.

Изланишларимизда ўрганилган F_{10} юқори авлод дурагайларида чигитдаги (+) госсипол билан айрим хўжалик белгилари орасидаги боғлиқликлар ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра, бир дона кўсак вазни белгиси билан (+)-госсипол белгиси орасидаги боғлиқликлар

$r=-0,20$; $-0,11$) оралиқда бўлди (жадвал).

1000 дона чигит вазни белгиси билан фақат $BC_3S_1-47-8-1-17$ (№3) намунасидагина ўртача кучсиз ($r=-0,43$), $BC_3S_1-1-6-3-15$ (№4) намунасида кучсиз салбий ($r=-0,17$) ҳамда $F_{10}BC_3S_1-47-8-1-17$ х С-6524, $F_{10}BC_3S_1-47-8-1-17$ х С-6530 комбинацияларида кучсиз ижобий (тегишли равишда $r=0,12$; $0,07$) корреляция кузатилди.

Тола чиқими белгиси билан эса фақатгина $F_{10}BC_3S_1-47-8-1-17$ х С-6530 дурагай-комбинациясидан ташқари (кучсиз ижобий ($r=0,08$)) барча дурагай комбинацияларда кучсиз салбий корреляция кузатилди. Чигитдаги (+) госсипол белгиси билан тола узунлиги белгиси ўртасида барча дурагай комбинацияларда кучсиз салбий корреляция кузатилди.

Хулоса тарзида шунини айтиш мумкинки, корреляция коэффициентлари ҳар доим ҳам ажраётган дурагайлар ичидан чигитдаги юқори миқдордаги (+) госсипол белгисининг ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга рекомбинантларни танлашнинг самарали усули эмаслигидан ва ушбу белгиларни бошқарувчи генларнинг бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ирсийланишидан далолат беради.

И.АМАНТУРДИЕВ,
қ.х.ф.ф.д.,

Ш.НАМАЗОВ,
қ.х.ф.д., проф.,

Р.ЮЛДАШЕВА,
қ.х.ф.н., к.и.х.,

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИ.

F_{10} дурагайлари чигитдаги (+)-госсипол миқдори билан айрим қимматли хўжалик белгилари орасидаги боғлиқликлар

АҚШ намунаси ва дурагай комбинациялар	Бир дона кўсак вазни, г		1000 дона чигит вазни, г		Тола чиқими, %		Тола узунлиги, мм	
	r	t	r	t	r	t	r	t
$BC_3S_1-47-8-1-17$ (№3)	0,29	0,2	-0,43	-2,0	-0,21	-0,8	-0,27	-1,0
$BC_3S_1-1-6-3-15$ (№4)	0,25	0,2	-0,17	-0,7	-0,11	-0,6	-0,09	-0,4
$F_{10}BC_3S_1-47-8-1-17$ х С-6524	-0,20	-0,8	0,12	0,5	-0,13	-0,2	-0,23	-0,9
$F_{10}BC_3S_1-47-8-1-17$ х С-6530	-0,11	-0,5	0,07	0,3	0,08	0,3	-0,26	-0,8

орасидаги коррелятив боғланишларни ўрганиш борасида кўплаб изланишлар амалга оширилган.

Чигитдаги (+) госсипол миқдори ва хўжалик учун қимматли белгиларнинг корреляциясини ўрганиш, келгусида юқори миқдорда-

бўйича $BC_3S_1-47-8-1-17$ (№3) ва $BC_3S_1-1-6-3-15$ (№4) намуналарида кучсиз ижобий (тегишли равишда $r=0,29$; $0,25$) ҳамда $F_{10}BC_3S_1-47-8-1-17$ х С-6524, $F_{10}BC_3S_1-47-8-1-17$ х С-6530 комбинацияларида кучсиз салбий (тегишли равишда

АДАБИЁТЛАР

1. Автономов В. Продуктивность растений при отдаленной гибридизации // Ж.: "Хлопководство". - Ташкент, 1984. - №3. - С. 27-28.
2. Қаҳҳаров И., Одилов С., Х.А.Жумабеков. Географик жиҳатдан узоқ бўлган дурагайларни кўп марта якка танлаш натижасида популяция таркибининг шаклланиши // Ёўза, беда селекцияси ва уруғчилиги илмий ишлар тўплами. - Тошкент, Фан, 2009. - 125-132 б.
3. Амантурдиев А.Б. Наследование скороспелости у отдаленных внутривидовых и межвидовых гибридов F_2 , F_3 и у беккросс гибридов хлопчатников F_1B_1 и F_2B_1 // Ёўза, беда селекцияси ва уруғчилиги илмий ишлар тўплами. - Тошкент, Фан. 2009. - №28. - С. 70-76.

ПОМИДОР F₁ ДУРАГАЙЛАРИДА РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИНИНГ НАСЛДАН-НАСЛГА ЎТИШИ

The creation of tomato maturing varieties and hybrids is of great economic importance and is one of the major areas of selection. Creation of mature varieties, on the one hand, allows to grow tomatoes in the northern regions, while on the other hand, the early harvesting and exporting of southern regions creates conditions for the provision of raw materials for processing enterprises.

Помидор эртапишар нав ва дурагайларини яратиш жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга ва селекцияда муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Эртапишар навлар яратиш, бир томондан шимолий ҳудудларда помидор етиштириш имконини беради, иккинчи томондан жанубий ҳудудларда эртаги ҳосил олиш ва уни экспорт қилиш, қайта ишлаш корхоналарини хомашё билан бир меъёрга таъминлаш учун шароит яратади.

Ўзбекистон шароитида помидорнинг эртапишар нав ва дурагайларини яратиш доимо муҳим бўлиб келган. Аммо бу муаммо ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўз ечимини топгани йўқ. Шундан келиб чиқиб, эртапишар помидор навларини частиштириш асосида олинган 16 та биринчи авлод дурагайларида “униб чиқиш-гуллаш”, “гуллаш-меваларнинг дастлабки пишиши” ва “униб чиқиш-меваларнинг даст-

лабки пишиши” каби ривожланиш фазаларининг наслдан-наслга берилишини ўргандик (жадвал).

Олинган маълумотлар “униб чиқиш-гуллаш” даврининг давомийлиги салбий юқори доминантдан ижобий доминант даражада наслдан-наслга берилишини кўрсатди. Доминантлик даражасининг частиштириш комбинациясига боғлиқлиги аниқланди.

Ушбу даврнинг салбий юқори доминант даражадалиги Дар Заволжя х ВИР-100 дурагайида кузатилди. Ушбу белги бўйича бир-биридан кескин фарқ қиладиган ота-она формалар иштирокида олинган F₁ Ион-Н х Арго дурагайида оралик доминантлик кузатилди.

Гуллаш-меваларнинг пиша бошлаши даврида наслдан-наслга берилиши ижобий доминантдан салбий юқори доминант даражагача бўлди. Ижобий доминантлик Ион-Н х ВИР-100, Ион-Н х Арго,

ВИР-100 х Дар Заволжя, ВИР-100 х Персей, Новичок х Персей, Утро-2 х Дар Заволжя дурагайларида, салбий юқори доминантлик эса Ляна х Ион-Н, Грунтовый Грибовский 1180 х Ляна, Дар Заволжя х Новичок, Новичок х Слава Молдовы комбинацияларида кузатилди.

Униб чиқиш-меваларнинг дастлабки пишиши даври биринчи авлод дурагайларида салбий юқори доминантликдан ижобий юқори доминантлик даражасида наслдан-наслга берилиши кузатилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўрганилган F₁ дурагайларидан 50 фоизи биологик эртапишар ҳисобланади. Ушбу дурагайларда ёки оталик, ёки оналик формаси жуда эртапишар эканлиги жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибди. Амал даври жуда қисқа Ляна х Ион-Н (93 кун), Ион-Н х ВИР-100 (94 кун), Дар Заволжя х ВИР-100 (95 кун) Грунтовый Грибовский 1180 х Ляна (96 кун) каби F₁ дурагайларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу дурагайларнинг биологик эртапишарлиги ҳам униб чиқиш-гуллаш даврининг, ҳам гуллаш-меваларнинг дастлабки пишиши даврининг қисқариши ҳисобида амалга ошди.

Бундай ҳолат академик А.В. Алпатьевнинг (1964, 1981) ушбу даврлар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил наслдан-наслга берилади, деган фикрини яна бир бор тасдиқлайди [2].

Биологик эртапишар бўлмаган нав намуналарини частиштириш асосида олинган F₁ дурагайлар эртапишарлиги билан ажралиб турмайди.

Хулоса қилиб айтганда, эртапишарлик мураккаб белги бўлиб, у кўпгина генлар томонидан бошқариб турилади ва уларга етиштириш шароити ҳам таъсир кўрсатади (Авдеев Ю.И., 1982). Foble, Currence (1950) тадқиқотларига кўра, “униб чиқиш-гуллаш” дав-

Помидор F₁ дурагайларида ривожланиш фазалари ва амал даври давомийлигининг наслдан-наслга берилиши, 2013–2014 йиллар

Дурагайлар комбинациялари	Ривожланиш фазаларининг давомийлиги, кун									Доминантлик даражаси, hr		
	Униб чиқиш-гуллаши (I)			Гуллаш-меваларнинг пишиши (II)			Униб чиқиш-меваларнинг пишиши (III)			I	II	III
	P ₁	F ₁	P ₂	P ₁	F ₁	P ₂	P ₁	F ₁	P ₂			
Ляна х Ион-Н	59	58	58	39	35	37	98	93	95	-1,0	-3,0	-2,3
Ион-Н х ВИР-100	58	58	60	37	37	39	95	95	99	1,0	1,0	1,0
Дар Заволжя х ВИР-100	61	59	60	46	36	39	107	95	99	-3,0	-2,6	-2,0
Грунтовый Грибовский х Ляна	60	59	59	40	37	39	100	96	98	-1,0	-5,0	-3,0
Ион-Н х Персей	58	59	66	37	38	40	95	97	106	0,7	0,3	0,6
Ион-Н х Арго	58	62	64	37	37	36	95	99	100	-0,3	1,0	-0,6
ВИР-100 х Дар Заволжя	60	60	61	39	39	46	99	99	107	1,0	1,0	1,0
ВИР-100 х Персей	60	61	66	39	39	40	99	100	106	0,3	1,0	0,7
Ляна х Персей	59	60	66	39	41	40	98	101	106	0,7	-0,3	0,2
Грунтовый Грибовский х Утро-2	60	60	62	40	41	43	100	101	105	1,0	0,3	1,6
Дар Заволжя х Слава Молдовы	61	62	62	46	42	44	107	104	106	-1,0	-3,0	-2,0
Дар Заволжя х Новичок	61	61	63	46	41	42	107	104	105	-1,0	-1,5	-2,0
Челнок х Новичок	61	63	63	39	42	42	100	105	105	-1,0	-1,0	-1,0
Новичок х Персей	63	63	66	42	42	40	105	105	106	1,0	1,0	1,0
Утро-2 х Дар Заволжя	62	62	61	43	43	46	105	105	107	1,0	1,0	1,0
Новичок х Слава Молдовы	63	62	62	42	45	44	105	107	106	-1,0	-2,0	-3,0

ри 4–5 дан кўпроқ генлар томонидан назорат қилинади ва бу ерда қисқа давр кўп ҳолларда узун давр устидан доминантлик қилади [1, 2, 3].

“Гуллаш-меваларнинг пишиши” даври қисман доминант белги

бўлиб, 3–4 генлар томонидан назорат қилинади. Ривожланиш даврларининг ва амал даврининг биринчи авлод дурагайларида кўп ҳолларда доминантлик қилиши помидорнинг эртапишар нав ва дурагайларини яратиш унчалик қийинчи-

лик туғдирмаслигидан далолат беради.

Н.НУРМАТОВ,
қ.х.ф.н.,

Н.БЕГИМКҲУЛОВА,
талаба,

(ТошДАУ Термиз филиали).

АДАБИЁТЛАР

1. Авдеев Ю.И. Селекция томата. - Кишинев, “Штиинца”, 1982. - 282 с.
2. Алпатьев А.В. Помидоры. - М.: “Колос”, 1981. - 304 с.
3. Жученко А.А. Генетика томатов. - Кишинев, “Штиинца”, 1973. - 663 с.

УЎТ: 631.582

ОРАЛИҚ ЭКИНЛАР – ВИКА ВА РАПСНИНГ ТУПРОҚДА ИЛДИЗ МАССА ТЎПЛАШИ ВА КЎК МАССА ҲОСИЛДОРЛИГИ

This study analyzes the importance of planting secondary crops after winter wheat, and the accumulation of large quantities of organic matter in the soil (eg, roots and tubers). This, in turn, will improve the soil fertility, agrophysics and agrochemical properties.

Мамлакатимизда гўза-буғдой навбатлаб экиш кенг жорий этилган бўлишига қарамасдан, бу майдонларда кузги буғдойдан сўнг оралиқ экин экиш технологияси тупроқ унумдорлигини ошириш нуқтаи назаридан тупроқ ҳолатларига мос эмас. Аини пайтда гўза, кузги буғдой, такрорий экин сифатида экилаётган маккажўхори ҳам тупроқ унумдорлигини “истеъмол” қилувчи экинлар ҳисобланади.

Бу борада кузги буғдойдан бўшаган майдонларга самара берувчи оралиқ экинлар экишни илмий асослаб, ишлаб чиқаришга жорий этиш эса республикамиз деҳқончилигидаги долзарб вазифалардандир.

Тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича олимлар кўплаб илмий тадқиқот ишларини олиб боришиб, экинлар турини ва уларни қандай шароитда парвариш қилиш, алмашлаб ва навбатлаб экишдаги таъсири бўйича асосли маълумотлар олинган.

Шу билан бирга тупроқ унумдорлигини оширишда оралиқ экинлардан вика ва рапсдан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу қишлоқ хўжалиги экинларининг янги қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида тупроқ унумдорлиги ҳамда экинлар ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича Олтинкўл туманидаги “Янги Зафар Мақсад” фермер хўжалиги далаларида 2014–2017 йиллар мобайнида илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Тажриба 4 та вариантдан иборат бўлиб, 3 та қайтариқда олиб борилди. Бир вариантнинг умумий майдони 1440 м², шундан ҳисобга олинадиган майдон 720 м² ни ташкил этади.

Олиб борилган тажрибамизда кузги буғдойдан кейин оралиқ экин сифатида рапс ва вика экинлари 4 та вариантда жойлаштирилди (жадвал).

Маълумки, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб боришнинг қудратли воситаси алмашлаб экишдир. Бизнинг лойиҳамизнинг асосий мақсади кузги буғдойдан сўнг вика ва рапс экинларини оралиқ экин сифатида

экиб, мумкин қадар уларнинг илдиз ва анғиз қолдиқлари орқали тупроқ унумдорлигини сақлаб туриш ҳисобланади.

Оралиқ экинларнинг ўсиб-ривожланиши бўйича олиб борилган кузатувларимизда энг юқори кўрсаткич 4-вариантда кузатилиб, рапснинг бўйи 132,4 виканинг бўйи 184,7 см бўлгани, вика алоҳида экилганда бўйи бироз паст бўлганлиги кузатилди. Чунки вика алоҳида экилганда пояси ер-бағирлаб ўсади ва поясининг чириш ҳолатлари учраб туради.

Кўк масса ҳосили бўйича кузатувларимизда рапс ўзи алоҳида экилган вариантда 119,1 ц/га, вика ўзи алоҳида экилган вариантда 112,4 ц/га. ни ташкил этиб, вика билан рапс аралаш экилган вариантда бу кўрсаткич юқори бўлиб, 224,3 ц/га. ни, яъни икки баробар кўп ҳосилни ташкил этди.

Тажрибамиздаги оралиқ экинларнинг илдиз ва анғиз қолдиқлари бўйича кузатувларимизда рапс ўзи алоҳида экилган вариантда 35,6 ц/га, вика эса 31,8 ц/га. ни ташкил этиб, вика билан рапс аралаш экилган вариантда бу кўрсаткич 58,6 ц/га. ни ташкиллаб, аралаш экишда тупроқда илдиз ва анғиз қолдиқлари кўп қолиши тажрибамизда ўз исботини топди.

Оралиқ экинлар поясининг пастки 15–20 см қисми илдиз қисмига қўшиб кузда сидерат сифатида ҳайдаб

Оралиқ экинларнинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлиги, 2016 йил

Вар №	Оралиқ экинлар	Уруғ меъёри кг/га	Бўйи, см	Кўк масса ҳосили, ц/га	Илдиз ва анғиз қолдиқлари ц/га			
					Анғиз	Илдиз	Жами	
1	Такрорий экин экилмаган	-	-	-	-	-	-	
2	Такрорий рапс экилган	10	136,2	119,1	14,3	21,3	35,6	
3	Такрорий вика экилган	50	153,5	112,4	11,7	20,1	31,8	
4	Такрорий рапс + вика экилган	Рапс	10	132,4	224,3	21,4	37,2	58,6
		Вика	50	184,7				

юборилгандан сўнг келгуси йилда чигит экишдан олдин тупроқнинг ҳажм массаси 0–30 см қатламда кузги бугдойдан сўнг оралиқ экин экилмаган назорат вариантыда 1,32 г/см³ ни ташкил этган бўлса, оралиқ экин сифатида рапс экилган вариантда ушбу кўрсаткич 1,30 г/см³ ни, вика экилган вариантда эса 1,29 г/см³ бўлганлиги аниқланган, рапс ва викани аралаш экин сифатида экилган вариантда эса 1,28 г/см³ бўлганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, оралиқ экинлардан вика ва рапс экинларини кузги бугдойдан сўнг оралиқ

экин сифатида аралаш ҳолда экилса, тупроқда кўп миқдорда илдиз ва анғиз қолдиқларини қолдириши ҳисоби-га тупроқ агрофизик хусусиятлари яхшиланиб, келгуси йилда ғўзадан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш мумкин бўлади.

И. ТУРСУНОВ,
тадқиқотчи,

Н. ЎРАЗМАТОВ,
қ.х.ф.д., ТошДАУ Андижон филиали.

АДАБИЁТЛАР

1. Халиков Б.М. Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳудудларида ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни қисқа ротацияда алмашлаб экишда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг илмий-амалий асослари. Қ.х.ф.д. илмий даражаси диссертация автореферати, Тошкент, 2007.
2. Расулов Н.С., Кашиқаров Н., Гаппаров Д. После промежуточной культуры // Ж. "Сельское хозяйство Узбекистана". - Ташкент, 1987. - №2. - 18 с.

Илм ва амал

МАРЕК КАСАЛЛИГИ

1907 йилда Марек томонидан аниқланган касаллик “полиневрит” номи билан кўпгина паррандаларда лейкоз деб қайд этилган. Касаллик висцерал (ўткир лейкоз), неврал (қисқа мазмунда марек фалажи) ва кўз формасида намоён бўлади.

Касалликнинг висцерал формаси 8–16 ҳафталиккача бўлган жўжаларда кузатилиб, лейкоз кўриши билан клиник ва анатомик жуда ўхшаш ва фақат гистологик, вирусологик, серологик текширишлар орқали ташхис қўйилади (риф синама ва кофальт тест салбий, лейкозда ижобий). Кўпгина изланувчилар (И.И.Касьяненко, Фришце 1932 йил ва бошқалар). Марек касаллиги келиб чиқиши ни мустақил вирус билан бойлайдилар. Тури — герпес вирус, гуруҳи О, катталиги — 100 ммк. Касаллик кўзғатувчиси тухум, ҳаво ва *Alphifodins diaperinus* (омбор зараркунандаси) каналари орқали ўтиши мумкин.

Касалликнинг висцерал формасида 40 фоизгача, кўпинча 10–12 фоизгача ўлим бўлиши мумкин.

Марек касаллигининг неврал формасида нерв бўғинларини (елка учи) ва нерв томирлари йўғонлашади, оёқларнинг фалажланиши кузатилади.

Касалликнинг кўз формасида

камалак қобиғининг яллиғланиши сабаб кўриш ва ранг ажратиш қобилияти йўқолади (қизил камалак ранг ўрнига хира кулранг бўлади), кўз қорачиғи формаси ўзгаради (айлана шаклли ўрнига бурчакли бўлади), ёриқсимон ёки жудаям ўсиб кетади, парранданинг шу кўзи кўр бўлади.

Лейкоз ва Марек касаллигига қарши кураш учун умумий санитар-профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида ўтказиш зарур, шунингдек, паррандаларнинг яхши сақланиши ва меъёрида озиклантириш шароитини таъминлаш, паррандаларнинг касалликка чидамлилигини ошириш ўта муҳим. Бинони паррандаларга тайёрлашда (ички ва ташқи) дезинфекциясини сифатли ўтказиш, хўжаликдан келтирилган паррандаларни ҳимоялаш, турли хўжаликдан келтирилган зотли паррандалар тухумларни алоҳида очириш, ҳар хил партидаги паррандаларни бир-бирига яқинлаштирмаслик ва ҳаммаси паррандахонада, ҳаммаси паррандахонадан принципи асосида ишлаш, тўғри ўрнатилган вентиляция билан тоза ҳаво узатиш, касал, маҳсулдорсиз, ўлган паррандаларни яроқсиз қилиш ва йўқотиш, тухум кўйишни бошлаган ёш паррандалар учун стресс факторларини бартараф этиш. Лейкоз ва Марек касаллигидан соғлом бўлган пар-

рандалар линиясидан келиб чиққан эмбриондан тайёрланган эмлашни қўллаш. (А.Ценелла хабарларидан) айрим манбаларда келтирилишича, жўжаларни бир кунлигида Марек касаллигига қарши эмлашдан ташқари 21 ёки 28 кунликларидан яна эмлаб, касалликка хос патогениологик белги бўлиши, транзит чўлоқланиш сонининг камайишига эришилган. Энг юқори самара 28 кунлигида қайта эмлаш эканлиги аниқланган ва уни диагностик ревакцинация деб аташ тавсия қилинган. Касалликнинг олдини олувчи доридармон ҳали топилмаган.

Бу юқумли касалликдан лентик чидамли паррандалар линиялари яратилмоқда. Хусусий кичик паррандачилик фермаларида товуқларнинг марек касаллиги энзоотиясини тасдиқлашга иммунологик резонанс феломенига асосланган диагностик вакцинация усулини қўллаб эришилган. Бу касалликка чидамли бўлган паррандаларнинг ота-оналик сонидан етарли даражада фойдаланишда лейкоз ва марек касаллигининг олдини олиш чора-тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Х.МУРОДОВ,

Ветеринария илмий-тадқиқот институти кичик илмий ходими,

Б.АХМЕДОВ,

ВИТИ Қашқадарё илмий тажриба станцияси директори, в.ф.н.

АДАБИЁТЛАР

1. М.Абдуллаев. Р. Мирсаидова. "Товуқларни Марек касаллигида вирус геноми стратегиясига қарши кросслар иммунадаптивлигининг асосланган иммунопрофилактика стратегияси". Тошкент - "Зооветеринария" журнали, №10, 2014-йил, 10-15-бетлар.
2. В.А. Бакулин. Болезни Марек в книги "Болезни птиц". НПП Авивак, 2006-год, Санкт-Петербург. С.43-53.

ТУПРОҚДАГИ ТУЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎСИМЛИКЛАРГА ТАЪСИРИ

Тупроқнинг шўрланиш таъсири остида ўсимликларда фотосинтез ва нафас олиш интенсивлиги сезиларли даражада камайиб, модда алмашинуви сусаяди. Тупроқнинг шўрланиш даражаси ортиши билан қуруқ модда камроқ тўплана бошлайди.

Маълумки, сизот сувларининг тўпланиши ва чиқиб кета олмаслиги тупроқнинг шўрланишига ёки ботқоқланишига сабаб бўлади. Шўрланиб қолган баъзи ерлар эса қишлоқ хўжалигида ишлатилишдан чиқиб кетади.

Тупроқ бу – ернинг устки қисмида жойлашган ва ўсимликларнинг ривожланиши учун шароит мавжуд бўлган унумдор қатламдир.

Тупроқ органик, минерал ва органоминерал элементлардан таркиб топган бўлиб, кимёвий таркиби бўйича у дастлабки тупроқ ҳосил қилувчи жинслардан анча фарқ қилади [2].

Тупроқ таркибининг асосий кимёвий хусусиятлари улар таркибида органик моддалар – гумусли моддалар мавжудлиги ва баъзи элементларнинг турли хил боғланиши ва уларнинг вақт бўйича бир хил эмаслиги билан ажралиб туради.

Шўрхок ва шўртоб тупроқларда сувда эрувчан тузларнинг таркиби турли хил бўлиши мумкин. Шунга қарамай, бу тузлар анча оз катион ва анионлардан ҳосил бўлади. Туз ҳосил бўлишида катионлардан, асосан Na., Mg... ва Ca., анионлардан эса Cl/, SO₄//, CO₃// ва HCO₃/ иштирок этади. Шу катион ва анионлар бир-бири билан бирикиб, ўн икки хил туз ҳосил қилади. Уларнинг кўпчилиги шўрланган тупроқ таркибида бўлади (жадвал).

Бу тузлардан бирортаси ҳам қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг нормал ривожланиши учун бевосита зарур эмас. Ҳолбуки, улардан кўпчилиги (тупроқда ҳатто унча кўп бўлмаганида ҳам) экинларни нобуд қилади; шу сабабли улар зарarli тузлар дейилади.

Академик К.К.Гедройцнинг фикрига кўра, шўрхок тупроқларда анионлар эмас, балки катионлар ўсимликларга зарар келтиради. У катионларнинг заҳарлилиги Na., Mg., K., Ca.. таркибида камайишини кўрсатади. Тузларнинг анионлар туйфайли ўсимликларга кўрсатадиган заҳарли таъсири, кўпинча катионлар таъсиридан кучлироқ бўлади.

Анионлар орасида хлор-ион ўсимликларга кўпроқ заҳарлидир. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ўсиб, ривожланиши ва ҳосилдорлиги билан тупроқнинг шўрланганлик даражаси ўртасидаги боғланиш, одатда, тупроқдаги тузлар йиғиндисига ёки сульфат тузлар миқдорига қараб эмас, балки хлорид тузлар миқдорига қараб белгиланади.

Айрим тузларнинг маданий ўсимликлар учун зарар келтириш даражаси бир хил эмас. Ўсимлик учун энг зарarli туз нормал сода (Na₂CO₃)дир. Сувдаги эритмада сода ўювчи натрий (NaOH) ҳосил қилади ва унинг гидроксид иони ўсимликка зарarli таъсир этади:

Тупроқда нормал сода 0,005 фоиздан (тупроқ оғирлигига нисбатан) кўпроқ бўлганидаёқ, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ўсишдан тўхтайдилар, 0,01% ва ундан кўп бўлганда эса ўсимликлар нобуд бўлади. Аммо, шўрланган суғориладиган тупроқларда Na₂CO₃ анча кам учрайди.

Ўсимликлар учун хлорид тузлар анча зарarliдир. Бу тузлардан ош тузи (NaCl) айниқса зарarli ҳисобланади.

Хлорид тузларга қараганда сульфат тузлар (Na₂SO₄ ва MgSO₄)нинг зарари камроқ.

Магний карбонат ва бикарбонатлар (MgCO₃ ва Mg(HCO₃)₂) тупроқда кўпроқ бўлганидагина ўсимликларга зарarli таъсир кўрсатади. Аммо кальций бикарбонат Ca(HCO₃)₂ ўзининг зарари камроқ.

Гипс (CaSO₄) ва оҳак (CaCO₃) тупроқда кўпайиб кетганида ҳам зарarli таъсир кўрсатмайди.

Профессор В.А.Ковда кўпчилик қишлоқ хўжалиги экинлари учун тузларнинг зарarliлик даражасининг камайиш тартибини (Ca бирикмалари иштирокида) қуйидагича қаторга жойлаштирди:

Na₂CO₃, NaHCO₃, NaCl, NaNO₃, CaCl₂, Na₂SO₄, MgCl₂, MgSO₄

Шўрланган тупроқларда натрийли тузлар кўпроқ учрайди. Л.П.Розов фикрича анионлари турлича бўлган натрийли тузларнинг нисбий зарarliлигини қуйидаги сон нисбатлари билан ифодалаш мумкин:

Na₂CO₃: NaHCO₃: NaCl: Na₂SO₄

Юқорилардан келиб чиқиб, тузларнинг тупроқ таркибига тушиши ва у орқали ўсимликларга етказадиган зарарни аниқлаш, табиатдаги барча мавжуд нарсалардан оқилона фойдаланиш, уларни асраш ва тупроқ унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

М.ҲАЙИТОВА,

тадқиқотчи, (ТИҚХММИ)

Тупроқнинг шўрланишида қатнашадиган тузлар

Хлоридлар-анион Cl/	Сульфатлар-анион SO ₄ //	Карбонатлар-анион CO ₃ //	Бикарбонатлар-анион HCO ₃ /
NaCl (Ош тузи)	Na ₂ SO ₄ (глаубер тузи)	Na ₂ CO ₃ (Кир содаси)	NaHCO ₃ (Ичимлик содаси)
MgCl ₂ (магний хлорид)	MgSO ₄ (магний сульфат)	MgCO ₃ (магний карбонат)	Mg (HCO ₃) ₂ (магний бикарбонат)
CaCl ₂ (кальций хлорид)	CaSO ₄ (гипс)	CaCO ₃ (оҳак)	Ca (HCO ₃) ₂ (кальций бикарбонат)

АДАБИЁТЛАР

1. М.Х.Хамидов, А.Б.Маматалиев, Х.И.Шукуруллаев. Қишлоқ хўжалиги гидротехник мелиорацияси. Дарслик. - Тошкент, «Шарқ», 2008.
2. Уразкелдиев А. Кимёвий мелиорация фанидан ўқув қўлланмаси. - Тошкент, 2010.

ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАРИДА ШИРИН ҚАЛАМПИРНИ ЎҒИТЛАШ

The article gives data on the effect of phosphorus-containing fertilizers on the sweetening of sweet pepper. The use of phosphate-containing fertilizers allows an increase from 163,0 to 180,1 c/ha. A reliable increase in the yield of sweet pepper is provided when applying 100 kg/ha of phosphorus in the form of P₂O₅, the connection between the norms of fertilizers and the yield is close.

Сабзавот экинлари ичида ширин қалампир таркибида витамин С (аскорбин кислота) сақлаши бўйича биринчи ўринда туради. Ширин қалампирлар мевасининг биокимёвий таркиби қуйидагича: қуруқ модда – 14,5%, оқсил – 1,5%, шаккар – 5,4%, мой – 0,95%, клетчатка – 1,8%, қул – 0,69%.

Ширин қалампир меваси йирик, этли, таркибида капсиацин моддасини жуда кам (0,015 фоизгача) сақлайди. У овқатга янгилигича солинади. Бундан ташқари, у турли хил консервалар тайёрлашда ишлатилади [2, 4].

Ўзбекистонда етиштирилган ширин қалампир техник пишган мевасида 54,118 мг/%, қизарган, физиологик пишган мевасида эса 368–535 мг/% витамин С бўлади [3].

Республикамизда сабзавот экинларига бўлган талаб кучаймоқда, шунинг учун сабзавот, картошка, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2020 йилга келиб 2,3 марта ошириш режалаштирилган [1].

Сабзавот ва картошка алмашлаб экиш тизимида ширин қалампир-

нинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига фосфор сақловчи ўғитларнинг таъсири ўрганиш, мақбул ўғит тури, меъёри ва муддатларини ўрганиш долзарб масалалардандир.

Қизилқум фосфоритлари асосида олинган фосфор сақловчи ўғитларнинг сабзавот алмашлаб экиш тизими экинлари учун рационал ўғитлаш меъёрларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар Зарафшон воҳаси суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ўтказилди.

Тажриба 8 вариант 4 такрорликда олиб борилди. Даланинг узунлиги 20 м, эни 2,8 м, битта пайкалнинг майдони 56 м², пайкаллар тўрт ярус қилиб жойлаштирилди.

Тадқиқот объекти сифатида фосфор сақловчи ўғитлардан аммофос 11–12% N, 46% – P₂O₅, НКФУ (РНКФУ) 6–8% N, 16% P₂O₅, Ps-agro (PPs-agro) 4–6% N, 41–44% P₂O₅, 5–7% SO₃ сақлайди, ширин қалампирнинг “Дар Ташкента” нави олинди.

Типик бўз тупроқлар шароитида

ширин қалампирнинг “Дар Ташкента” нави ҳосилдорлигига Қизилқум фосфоритлари асосида олинган фосфор сақловчи ўғитларнинг йиллик меъёрлари ошириб борилган ҳамда турли шаклда қўлланилганда таъсири турлича бўлганлиги аниқланди.

Жумладан, ўғитсиз – назорат вариантыда ширин қалампир ҳосилдорлиги гектарига 145,5 ц/га. ташкил этгани ҳолда, азот (N) 200 ва калий (K) 90 кг қўлланилган вариантда назоратга нисбатан қўшимча ҳосил 112,9 ц/га бўлди. НКФУ ўғити меъёрини гектарига 60 кг.дан 180 кг/га. гача ошириш назорат вариантыга нисбатан 163,0–180,1 ц/га қўшимча ҳосил олиш имконини берди.

Энг кўп ҳосилдорлик НКФУ 180 кг/га меъёрда қўлланилган вариантда кузатилгани ҳолда, ишонарли қўшимча ҳосил НКФУ 100 кг/га қўлланилган вариантыда олинди (расм).


Сабзавот экинлари, жумладан, ширин қалампирнинг ҳосили шаклланишида қўлланилган ўғитлар меъёрлари ўғит турига боғлиқ экан. Ширин қалампир ҳосилдорлиги ва ўғит меъёри орасидаги боғлиқлик чизиқли характер ($y=ax+b$ тенгласи)га эга бўлиб, унинг тигизлиги $r = 0,99$ га тенг бўлиши аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, Зарафшон водийси суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ширин қалампирдан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда Қизилқум фосфоритлари асосида олинган фосфор сақловчи ўғитларни N₂₀₀ K₉₀ фонида 100 кг/га қўллаш тавсия этилади. Ўғит меъёрларининг ошиши билан ҳосилдорлик ҳам ошиб боради, улар орасидаги боғлиқлик $y=0,14x + 300,5$ регрессия тенгласига бўйсуниб, корреляция коэффициенти тигиз, яъни $r = 0,99$ га тенглиги аниқланди.

М.ХАЙИТОВ,
М.МАШРАБОВ,
М.ДАВИРОВА,
Х.БОБОЕВА,

Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий ходимлари.

Фосфор сақловчи ўғитлар қўллашнинг ширин қалампир ҳосилдорлигига таъсири



АДАБИЁТЛАР

1. Балашев Н.Н. Овощеводство. – Ташкент, 1981. – С. 145-150.
2. Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ., Адилов М.М., Акрамов У.И., Сабзавотчилик ва полизчилик. Тошкент, 2009. – 284 б.
3. Остонақулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Сабзавотчилик. Тошкент. 2009. 386 б.
4. Хайитов М.А., Машрабов М.И. Зарафшон водийси суғориладиган тупроқларида фосфат режими шаклланишининг илмий асослари. Тошкент, “Наврўз”. 2018, – 224 б.

КОЛОРАДО ҚЎНҒИЗИ

*At the same time, the Colorado beetle - *Leptinotarsa decemlineata* home quarantine pests, in which the distribution, morphology, biology, damage and reflected in measures to fight against him.*

Колорадо қўнғизи – қаттиқ қанотлилар ёки қўнғизлар (Coleoptera) туркумининг баргхўрлар (Chrysomelidae) оиласига мансуб. Колорадо қўнғизи биринчи бор АҚШнинг Колорадо штатида 1859 йили аниқланган. Бу зараркунанда Ўрта Осиёнинг ҳамда Европанинг барча мамлакатларида, Америка қитъасида АҚШ, Канада, Мексика ва Гватемалада тарқалган. Ўзбекистонда колорадо қўнғизи биринчи бор 1974 йили Тошкент вилоятининг Чорвоқ ва Ўстонлик хўжаликларида аниқланган. Бу ерга зараркунанда тухуми Беларуссиядан келтирилган картошка уруғи билан келган.

Колорадо қўнғизи олигофаг бўлиб, итузумдошлар оиласига мансуб картошка, помидор, бақлажон каби ўсимликлар билан озиқланади. Булар ичида картошка энг афзал озиқа ҳисобланади. Чунки гўмбақдан чиққан етук ҳашаротга картошканинг ер ости тугунаги билан озиқланиб фақат кўпайиш учун ер юзасига чиқади. Личинка ва қўнғизи ўсимлик барги билан озиқланиб, ўсимликни шикастлайди. Картошкadan ташқари помидор ва айниқса бақлажонга жиддий зарар етказиши мумкин. Ундан ташқари тамаки, бангидевона, мингдевона, итузум каби ўсимликларни ҳам еб ривожланади. Картошка баргини кемириб, зарар етказиши, айрим йилларда ҳосилнинг 70 фоизининг нобуд

бўлишига олиб келган (Ҳасанов Б.А, Ходжаев Ш.Т, Очилов Р.О, ва б 2015). Ҳар туп картошка ўсимлигида 20-40 дона личинка ва қўнғиз учраган ҳолда ўсимлик баргининг 50-80 фоизи нобуд бўлиши мумкин. Бу эса ҳосилнинг 3-4 баробардан 8 баробаргача камайишига олиб келади (расм) (D.Gerling 2009).

Морфологик белгилари ва биологияси: тухумининг узунлиги 1,1-1,8 мм, эни 0,8 мм бўлиб, чўзиқ овал, ялтироқ, тўқ сариқ тусда. Личинкасининг узунлиги 15-16 мм бўлиб, тўқ сариқ-қизил рангда. Гумбаги 9-12 мм, ранги тўқ сариқ. Вояга етган зараркунанда узунлиги 7-12 мм, эни 4,5-8 мм бўлиб, танаси бўртган ва овал шаклига эга. Колорадо қўнғизи кенг майдонда 20-70 см чуқурликда қишлайди (Кимсанбаев Х.Х, Сулейманов Б.А, Мавлянова Р.Ф. 2013). Бу зараркунанда ҳашаротнинг урғочиси фақат итузумдошлар оиласига (картошка, помидор, бақлажон, қалампир) мансуб ўсимликлар баргининг остки юзасига тўп-тўп қилиб 12-80 тадан тухум қўяди (Кимсанбаев Х.Х, Сулейманов Б.А, Мавлянова Р.Ф. 2013). Ўртача бир урғочи қўнғиз 400-700 та, бир мавсумда эса 2400 тагача тухум қўйиши мумкин (Ш.Хўжаев, 2013). Тухуми 5-17 кун ривожлангандан сўнг личинка чиқади ва ўсимликнинг яшил қисми билан озиқланади. Личинкалари 16-34 кун



1-расм. Колорадо қўнғизи - *Leptinotarsa decemlineata* 1 - картошка барги билан озиқланаётган личинкалар.

ичида тўрт марта пўст ташлаб, ер остида 5-15 см чуқурликда гўмбақка айланади (Ш.Т.Хўжаев, 2015). Гўмбақдан 12-24 кундан сўнг етук ҳашарот ер юзига чиқа бошлайди.

1. Колорадо қўнғизининг 50 дан ортиқ кушандалари мавжуд. Улар ичида, айниқса, полифаг олтинқўзлар, хонқизи, қандалалар, чумоли ва ўргимчаклар алоҳида ўрин тутди. Булар натижасида зараркунанда 23-78% нобуд бўлиши мумкин (Ш.Хўжаев, 2015). Истиқболли энтомофаглардан интродукция қилинган қандалалар – периллос ва подизус алоҳида аҳамиятга эга.

2. Экинзорларда кимёвий кураш ўтказишига эҳтиёж борлигини аниқлаш учун ҳар 10 кунда назорат ўтказилади.

3. Колорадо қўнғизига қарши кимёвий курашда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларига қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар РЎЙХАТИ” да рухсат этилган инсектицидлардан зараркунанданинг биоэкологиясига асосланган ҳолда фойдаланиш мумкин.

О.СУЛАЙМОНОВ,

Ўсимликлар карантини илмий маркази раҳбари,

Ж.ЯҲЁЕВ,

Х.ПАРДАЕВ,

Тошкент давлат аграр университети тадқиқотчилари.

Колорадо қўнғизига қарши замонавий препаратларнинг самарадорлиги ТошДАУ тажриба майдони 2017 й.

т/р	Вариантлар	Препарат сарфи, меъёри л/га	Препарат қўлдан олдинги зараркунандалар сони	Препарат билан ишлов берилганда			Биологик самарадорлик (%)		
				7-кун	14-кун	21-кун	7-кун	14-кун	21-кун
1	Супертак 10% ЭМ.К	0,07 – 0,1	217	110	86	62	49,3	60,3	71,4
2	Кинмикс 5% ЭМ.К	0,15 – 0,2	198	108	74	56	45,5	62,6	71,7
3	Децис 2.5% ЭМ.К	0,1 – 0,15	185	102	76	48	44,8	58,9	74,0

АДАБИЁТЛАР

1. Кимсанбаев.Х.Х, Сулейманов.Б.А, Мавлянова.Р.Ф. "Защита паслёновых овощных культур и картофеля от вредителей и болезней". Ташкент, "Ўзбекистон", 2013.
2. Ш.Т.Хўжаев "Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва аэротоксикология асослари" Тошкент, "Наврўз", 2013.
3. Ш.Т.Хўжаев "Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳолда ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари" Тошкент, "Наврўз", 2015.

ТОК КАНАСИНИНГ ЗАРАРИ ВА УНГА ҚАРШИ УЙҒУНЛАШГАН КУРАШ УСУЛЛАРИ

The article provides information about injuriousness of grape mites and preparations insectoaricides as abalon, 1,8%, Killer, 5% and Microfiol 80%, which were used against this vermin. The shown efficieng of such preparation varies from 90,0 to 93,9 % respectively.

Республикада узумчилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлардан биридир. Сўнгги йилларда бир неча турдаги зараркундалар узум ҳосилдорлигига сезиларли даражада таъсир қилмоқда. Бу зараркундалар ичида энг кўп тарқалгани ток каналари ҳисобланади.

Ток канаси – *Eriophyes vitis* Nal, тўрт оёқли каналар туркумидаги – *Eriophyoidea* Reibev бош оиласининг *Eriophyoidea* гуруҳига мансуб бўлиб, Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида кенг тарқалган [3]. Шу жумладан, шароббоп узум навларига ҳам кучли зарар етказиши кузатилмоқда. Ток канаси билан зарарланган тоқлар ривожланишдан ортда қолади. Айниқса, ҳосилдорлиги кескин камайиб, сифат кўрсаткичлари ёмонлашади [5].

Ток канаси пўстлоқ остида ҳамда куртак атрофларида қишлаб чиқади. Баҳор (апрель охири, май)да уйғониб, янги барглarga ўрмалаб чиқади ва уни зарарлай бошлайди.

босган ва симбағазларга кўтарилмаган тоқларни кўпроқ зарарлайди [4].

2014–2015 йиллардаги кузатишларга кўра, ток канасининг зараридан барг юзасида нотекис шишлар (галл) пайдо бўлиши натижасида ток канасининг ривожланиш босқичлари галл қопламалари (эринеум) остида ўтади [5]. Улар фақат токнинг бошқа баргларига кўчиш вақтида кимёвий препаратлар таъсирига чидамсиз бўлади. Бу зараркундаларга қарши контакт ва тизимли (системали) таъсир қилувчи препаратлар ишлатиш муҳим аҳамиятга эга [1].

Республикада шариоитида ток канасига қарши кураш чора-тадбирлари етарлича ўрганилмаган. Шу сабабли биз ушбу зараркундаларга қарши истиқболли препаратларнинг таъсирини ўрганишни мақсад қилиб олишимиз керак. Ушбу зараркундаларга қарши Абалон, 1,8% к.э., Киллер, 5% к.э., Пилармектин (эталон) 1,8% эм.к. препаратлари синовдан ўтказилган ва уларнинг био-

учун ҳар бир вариантдаги 3 тадан такрорийликнинг ўрта қисмидан 10 тадан намуна олинди. Ҳар бир намунада 3 тадан зарарланган новда кўрилиб, кананинг 1 та новдага тўғри келадиган ўртача миқдори аниқланди. Кузатувлар препарат сепилиши олдидан ва ундан кейин 3; 7; 14 ва 21-кунлари ўтказилди. Ишчи суюқлик 1000 л ҳисобида олинди. Препаратларнинг биологик самарадорлиги эса Аббот (1925) формуласи асосида ҳисобланди.

Тажрибалар академик М.Мирзаев номли БУВаВИТИ “Қибрайшароб” ИЭКга қарашли тажриба даласида олиб борилди.

Жадвал маълумотларидан кўрииб турибдики, Авалон 1,8% к.э. (0,03%) препарати ток канасига қарши 21-кунда биологик самарадорлик 94,5 фоизга етганлиги аниқланди. Киллер 5% к.э. (0,04%) қўлланилганда биологик самарадорлик 21-кунда 91,4 фоизни ташкил этди.

(Пилармектин 1,8% эм.к. 0,025) яқин бўлиб, зараркундаларнинг 93,5 фоизгача (21-кун) нобуд бўлиши кузатилди.

Токнинг зараркундаларига қарши асо-

сий кураш чораларидан бири агро-техник тадбирларни тўғри белгилашдир. Жумладан, бегона ўтлардан тозалаш, хомтоқ қилишни ўз вақтида ўтказиш, қатор ораларини юмшатиш, кузда кесилган новдаларни тоқзордан чиқариб ташлаш, кўмишдан олдин 3 фоизли Бордо суюқлиги билан ишлов бериш ва қишда 2000–2500 м³ миқдорда яхоб суви бериш самарали натижа беради.

Демак, ток канасига қарши Абалон, 1,8% к.э. (0,03%), Киллер, 5% к.э. (0,04%) ва Пилармектин, 1,8% к.э. (0,025%) инсектоакарицидларини тавсия этилган меъёрларда қўллаш мақсадга мувофиқ.

С.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ассистент, (ТошДАУ)

Ток канасига қарши қўлланилган препаратларнинг биологик самарадорлиги, (2015–2016 йиллар).

№	Вариантлар	Препарат сарф миқдори концентрацияси %	Ишлов берилгунча 1 та новдалаги зараркундалар ўртача сони	Биологик самарадорлик			
				3-кун	7-кун	14-кун	21-кун
1	Киллер, 5% к.э.	0,04	42,3	76,2	80,0	86,9	91,4
2	Абалон, 1,8% к.э.	0,03	46,5	77,6	84,3	90,2	94,5
3	Пилармектин, 1,8% к.э.	0,025	45,1	75,7	82,4	90,0	93,5
4	Назорат (ишлов берилмаган)	-	45,7	-	-	-	-

Ш.Эсонбоев ва б. ток канасининг махсус биологик тури борлиги ва у барглари эмас, балки куртакларни ҳам зарарлаши натижасида бирламчи (ҳосилдор) куртаклар нобуд бўлиб, иккиламчи ва учламчи (ҳосилсиз) куртаклар ривожланишини кузатишган. Ток канаси қаровсиз қолдирилган, бегона ўт

логик самарадорлиги аниқланган [5].

Тажрибалар Ш.Т.Хўжаев таҳрири остида чоп этилган “Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар” [2] асосида олиб борилди. Бунда, тоқда кана миқдорини ҳисоблаш

АДАБИЁТЛАР

1. Маматов К.Ш., Ҳакимов А.А., Маликов А.Н., Насимова Д. Шароббоп узумларда ток канасига қарши истиқболли кимёвий препаратларнинг самарадорлиги // Журнал “Защита растений и карантин” - 2015. №2. 15 б.
2. Хўжаев Ш.Т., Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. -Тошкент. КО’НИ-NUR. 2004, 104 б.
3. Хўжаев Ш.Т. Энтомология, қишлоқ хўжалиги экинларини ҳимоя қилиш ва агро-токсикология асослари - Тошкент 2015 й. 63 б.
4. Эсонбоев Ш. Махмудов О., Маматов К.Ш. “Узумзорлар ток канасига қарши қулай кураш мuddатларини белгилаш” // Агро илм. Тошкент, - 2014. №2. 50-51 б.
5. Маликов А., Насимова Д. “Ток канасининг узумларга зарари ва унга қарши кураш усуллари” // Журнал “Усимликлар ҳимояси ва карантини”: Тошкент, - 2016. №3. 23-24 б.

САНОАТ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ЁРДАМ БERAДИГАН ТУТ НАВЛАРИНИ АНИҚЛАШ

The Jararik 4 is the Tajik seedless sort of mulberry when cocoon reared with October, Uzbekistan sorts, silk outputting of dry cocoons, length of fiber, indicators of metric number were much super compare with other variants.

Маълумки, тут ипак қурти монофаг ҳашарот бўлиб, ўсиб-ри-вожланиш ва ипакнинг синтези учун зарур моддаларни тут баргларида олади. Об-ҳаво-иқлим шароитлари ноқулай келган йилларда тут баргларида озуқа моддаларининг зарурий миқдори тўпланмайди ва айнан шу сабабли ипак қуртлари оғирлиги ва ипак бериши кам бўлган пиллалар ўрайди.

Озиқлантиришни ўз вақтида бошлаб ва тут навларини тўғри танлаб тут ипак қурти пиллаларининг ҳосилдорлигига эришиш мумкин.

тинкасига, озуқа баргининг мақбул биокимёвий таркибига эга бўлган тутнинг мувофиқ навларини танлаш йўли билан ошишига эришишни тавсия қиламиз.

Ҳар бир вариантнинг барча ёшдаги қуртларига бир навнинг барглари берилди. Озиқлантириш тугагач, вариантлар бўйича қуртларнинг яшовчанлиги, пилла вазни, ипак қобиқ вазни, ипак бериш, 1 қути озиқлантирилган қуртлардан олинган пилла ҳосилдорлиги каби кўрсаткичлар аниқланди [1].

Жадвал маълумотлардан кўри-

Тирик пилла вазнининг юқори кўрсаткичлари ипак қуртларини “Жарариқ-4” (1,63 г), “Тожикистон уруғсиз” (1,57 г), “Октябрь” (1,32 г), “Жарариқ-2” (1,28 г) навлари барглари билан боқилган вариантда кузатилган. Ипак қуртларини “Сурх тут” (1,16 г), “Жарариқ-6” (1,18 г) ва “Жарариқ-5” навлари барглари билан боқилганда майда пиллалар етиштирилган.

Маълумки, пиллаларнинг ҳосилдорлиги икки параметрдан ташкил топади: қуртнинг ҳаётчанлиги, яъни пилла ўраган қуртлар миқдори ва пиллаларнинг ўртача вазни. Демак, пиллаларнинг ҳосил-

Кеч баҳор даврида турли тут навлари барглари билан озиқлантирилган Меченная 2 х Меченная 1 дурагайи маҳсулдорлик белгиларининг кўрсаткичлари

Тут навининг номи	Қуртларнинг яшовчанлиги, %	Пилланинг ўртача вазни, г	Ипак қобиқнинг ўртача вазни, мг	Пиллаларнинг ипак бериши, %	1 г озиқлантирилган қуртлардан олинган пиллалар ҳосилдорлиги, кг
«Тожикистон уруғсиз»	91,0	1,57	354	22,0	67,6
Сурх тут	86,8	1,16	294	22,3	49,0
Ўзбекистон	83,3	1,19	257	21,5	47,1
Октябрь	91,3	1,32	285	21,4	57,5
Жарариқ-2	82,8	1,28	273	21,3	50,1
Жарариқ-4	88,2	1,63	391	23,9	68,2
Жарариқ-5	82,8	1,19	245	20,5	46,7
Жарариқ-6	87,1	1,18	257	21,6	49,0
«Ўзбекистон дурагайи»	87,5	1,23	257	21,7	51,5
Эркин чангланадиган дурагай (назорат)	85,0	1,21	255	21,0	49,0

Асака тут ипак қурти уруғчилиги заводининг “Янги ҳаёт” наслчилик хўжалигида зотдор қуртларни электр билан фаоллаштирилган сувда ва антисептикларда ишлов берилган тут барглари билан боқилган зотдор пиллалар ўртача вазнининг 5,8 фоизга, пилладаги ипак миқдорининг 9,3 фоизга ошишига олиб келди.

Ўз тадқиқотимизда биз тут ипак қуртининг маҳсулдорлик сифатларини йирик гўштдор барг плас-

ниб турибдики, ипак қуртларининг етарлича юқори яшовчанлиги уларни “Октябрь” (91,3%), “Тожикистон уруғсиз” (91,0%), “Жарариқ-4” (88,2%) навларининг барглари билан озиқлантирилганда кузатилган ва аксинча, ипак қуртлари “Ўзбекистон” (83,3%), “Жарариқ-5” (82,8%) навлари ва эркин чангланадиган дурагай (85,0%) барглари билан озиқлантирилганда бу муҳим белгининг бирмунча пасайгани кузатилган.

Меченная 2 х Меченная 1 дурагайи маҳсулдорлик белгиларининг кўрсаткичлари дорлиги пилла ўртача вазнининг ва пилла ўрашга етиб келган қуртлар миқдорининг юқори кўрсаткичлари кузатилган ҳолатларда кўп бўлади.

Бир қути боқилган қуртлардан олинган пилла ҳосилдорлиги бўйича тутнинг синалаётган навлари куйидаги тартибда жойлашди:

- I - «Жарариқ-4»,
- II - «Тожикистон уруғсиз»,
- III - «Октябрь»,
- IV - «Ўзбекистон дурагайи».

Маҳсулдорлик белгиларининг гуруҳлари бўйича баҳолар йиғиндиси натижаларига кўра, (ипак қуртларининг яшовчанлиги, пилла вазни, ипак қобиқ вазни, 1 грамм боқилган қуртлардан олинган пиллаларнинг ипак бериши) энг яхши кўрсаткичлар ипак қуртлари “Жарариқ-4”, “Тожикистон уруғсиз”, “Октябрь” навлари ва “Ўзбекистон” дурагайи барглари билан боқилган вариантда олинган. Айнан шу навлар ишлаб чиқариш шароитида такрорий озиқлантиришлар учун тавсия қилинди.

У.ДАНИЯРОВ,
ТошДАУ доценти.

АДАБИЁТЛАР

- Кулиев М., Бадалов Н. - Повышение урожайности весенних выкормов тутового шелкопряда путем их своевременного начала и подбора соответствующих сортов шелкопряда. Некоторые вопросы внедрения шелководства в Туркменистане. Ашхабад, 1975 г. С.38.
- Туйчиев Ж.Ш. Разработка способов повышения наследственных и продуктивных свойств промышленной гены тутового шелкопряда.: Автореф. дис. канд. с/х. наук. Ташкент, 2001. С. 68.

ОРАЛИҚ ВА ОЗУҚАБОП ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИ

Деҳқончиликда тупроқ унумдорлиги илмий асосланган маъдан ўғитлар бевосита меъёрига, нисбатига, органик ўғитлардан фойдаланишга, экинларни навбатлаб экишни кенг қўллашга, ер ва сув ресурсларини тежовчи ва бошқа илғор агротехнологияларни жорий этишга боғлиқдир. Суғориладиган майдонларда қисқа навбатлаб экиш тизимларини жорий этишда асосий эътиборни тупроқ унумдорлигини сақлайдиган, оширадиган, аҳолининг кундалик озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини таъминлайдиган дуккакли-дон, дон ҳамда сабзавот экинларини экишга қаратиш, ушбу экинларни асосан такрорий ва оралиқ экин сифатида қисқа навбатлаб экиш тизимларига киритиб, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Тажрибаларимиз Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўтказилди. Озиқабоп экинларни экишдан олдин маъдан ўғитлардан 70 кг/га фосфор ва 50 кг/га калий қўлланилиб, кузги шудгор ўтказилди, чизеллаш - чизель-ўғитлагичда (ЧКУ-4) ва боронлаш ишлари (зиг-заг барона) 10-15 см чуқурликда ўтказилиб, грейдер ёрдамида текисланди. Экинларни экиш С 3Т-3,6 сеялкасида 2-3 см чуқурликда амалга оширилди. Экиш меъёри (уруғни) кузги горчицаники 12 кг/га, арпаники 160 кг/га. Шунингдек, икки компонентли аралашмалар (тритикале+рапс) 140+10 кг/га, уч компонентлилар (тритикале+рапс+вика) 100+10+50 кг/га, тўрт компонентлилар (тритикале+рапс+вика+нўхат) 80+15+35+40 кг/га ва (тритикале+рапс+нўхат+турп) 80+10+45+10 кг/га меъёрларда экилди. Амал даврида 3 марта суғорилиб, 2 марта озиқлантирилди. Кузги горчица ва арпага 40 кг/га азот, аралаш экилганларга эса 70 кг/га азот қўлланилди.

Тажрибада оралиқ экинларни бир, икки, уч ва тўрт экинни (2-4 компонентли) аралаштириб экилганда оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги арпани юқори даражада ўстиришда намоеън бўлдики, ўсимликдан энг кўпи уч йилда ўртача 395,2 ц/га ҳосили олишга эришилди.

Ундан кам бўлмаган кўрсаткичлар яна кузги горчицадан олинди, яшил массасининг ҳосили 292,2 ц/га. ни ташкил қилди.

Алмашлаб экиш далаларидан олинандиган ҳосилдорликни озиқабоп экинларни аралаштириб (2-4 компонентли) экилганда оширишга эришилди. Озиқабоп экинлар аралашмаси галла-бутгуллилар (кузги тритикале+кузги рапс)ни экиш уларни алоҳида экишга нисбатан кўпроқ яшил масса ҳосилини беради.

Кузги тритикале+рапс билан бирга экишда олинган яшил масса ҳосилдорлиги эса 425,3 ц/га. ни ташкил қилди.

Таъкидлаш жоизки, экинларнинг аралашмаларини янада ошириш орқали, тритикале+рапс+викани экиш нафақат олинандиган яшил масса ҳосилини оширади 445,3 (1-йили далада - 451,6 ц/га, 2-йили далада - 432,9 ц/га ва 3-йили далада - 461,8 ц/га), қолаверса, озиқанинг сифати бу аралашма таркибида дуккаклининг борлиги ҳисобига яхшиланди.

Тажрибаларда нисбатан юқори яшил масса ҳосиллари озиқабоп экинлар тўрт компонентли қилиб (тритикале+рапс+вика+нўхат) 7-вариант, (тритикале+рапс+нўхат+турп) 8-вариантларда олинди, мутаносиб равишда 476,9; 495,3 ц/га. ни ташкил қилди.

Маккажўхорининг ўртача дон ва яшил масса ҳосили йиллар бўйича (1-вар.) мутаносиб равишда 62,3 ц/га. ни ташкил қилди. Соя ўсимлиги тоза ерга экилган (2-вар.) да дон ва поя ҳосили мутаносиб равишда: 25,9 ц/га; 47,4 ц/га. ни ташкил қилди.

Бизнинг тадқиқотларимизда аниқланишича, озиқабоп экинларнинг аралашмалари кузги тритикале+рапс ва соядан ташкил топган 5-вариантда соянинг дон ҳосили 26,8 ц/га, яшил масса ҳосили эса 471,4 ц/га. ни ташкил қилди.

Соя ўсимлиги озиқабоп экинларни тритикале+рапс+викадан ташкил топган компонентлардан кейин экилганда (6-вар.) дон ҳосили ўртача 27,4 ц/га. ни, яшил масса ҳосиллари эса 490,9 ц/га. га тенг бўлди. Даладан олинган икки ҳосилни йиғиндиси ҳисобида кузги тритикале+рапс+вика+нўхат (7-вар.) ва шунингдек, кузги тритикале+рапс+нўхат+ёғли турп аралашмалари экилиб (8-вар.), сўнгра соя дон учун экилганга нисбатан юқори кўрсаткичлар олинди. Бунда дон ҳосили ўртача 29,0 ва 28,1 ц/га. ни, яшил масса - 523,5 ва 541,0 ц/га. ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, ўтказилган илмий тадқиқотларда озиқабоп экинларни 2, 3 ва 4 компонентли аралашмаларини, айниқса, улар таркибида дуккаклиларнинг бўлиши ва улардан кейин дон учун соянинг экилиши натижасида нафақат сифатли дон ҳосили олинishi исботланди, қолаверса, бу экинлардан қолган анғиз ва илдиз қолдиқлари тупроқ унумдорлигининг ортиши натижасида ерлардан йил давомида фойдаланиш мумкинлиги аниқланди.

З.ЖУМАОЕВ,
доцент,

О.МЎМИНОВА,
ассистент,

(ТошДАУ Андижон филиали)

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзаева И. Соя илдизиди туганак бактериялар тўпланишига экиш муддатларининг таъсири // Ж.: "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги". - Тошкент, 2012. - №11. - Б. 29.
2. Мирзаёнов Қ. Экинларни алмашлаб экишнинг аҳамияти // Ж.: "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги". - Тошкент, 2012. - №12. - Б. 26.
3. Мустанов С. ва бошқ. Тупроқни биологикалот билан бойитишда дуккакли экинларнинг аҳамияти // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги". - Тошкент, 2013. - №6. - Б. 29.

АГРОБИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ТРАНСАКЦИОН ХАРАЖАТЛАР

The article investigates the factors of the origin and decrease of transaction costs in minimizing the cost price, the products produced and their essence, elements, significance, types.

Республикамиз ва унинг ҳудудларида рўй бераётган иқтисодий жараёнлар, жумладан, корхоналарнинг рентабеллиги ва уни ошириш омиллари, харажатлар даражаси, хусусан, бошқарув харажатлари даражасини пасайтириш масалаларини татбиқ этиш, фермер ва деҳқон хўжаликларни ривожлантиришнинг илмий асослари, айниқса, корхоналарнинг ташкилий тузилмаси ва стратегиясини белгилашда бозор механизмдан фойдаланиш жараёнидаги трансакцион харажатлари даражасини минималлаштириш муаммолари яхши ўрганилмаган.

Бу борада учун қишлоқ хўжалиги корхоналарида трансакцион харажатларни пасайтириш долзарб масала ҳисобланади. Қолаверса такрор ишлаб чиқариш жараёнида барча операцион ва трансакцион харажатларни бошқаришнинг янгича талаблари вужудга келмоқдаки, уларни илмий тадқиқ этиш лозим.

Ушбу мақоланинг мақсади - иқтисодиётни модернизациялаш шароитида деҳқон ва фермер хўжаликларни бошқаришдаги трансакцион харажатларни пасайтириш омиллари ва илмий-услубий асосларини шакллантириш орқали харажатлар бўйича етакчилик стратегиясини жорий этиш ва корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган таъсиялар ишлаб чиқишдан иборат

Трансакцион харажатларнинг дастлабки ҳолатда деб ҳисоблаш мумкин бўлган қисми битим тузилгунга қадар бўлган пайтгача, бошқа қисми уни расмийлаштириш пайтига (музокаралар ва шартнома тузиш), учинчиси эса, шартномадан кейинги давр характерида эга бўлган (оппортунистик хулқ-атворга қарши хавфсизлик чоралари, бузилган мулк ҳуқуқини тиклашдаги чора-тадбирлар) даврларини қамраб олади.

Аммо деҳқон ва фермер хўжаликларни бошқаришда бозорни ўрганиш ва унга сарфланадиган трансакцион харажатлар таркиби ва динамикаси, уларни пасайтиришнинг бошқарув стратегияси муаммолари олимлар томонидан кам

ўрганилган. Трансакцион харажатлар назарияси ва амалиёти уларнинг мулк шакли ва корхона тоифаси кесимида, жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларидagi ҳолати ва пасайтириш омиллари илмий жиҳатдан ҳали ўрганилмаган.

Бозор ёрдамида ишлаб чиқариш ресурсларини жойлаштириш ва тайёр маҳсулотларни тақсимлаш амалга оширилади. Бозор томонидан узоқ муддат бажариб келинган ресурсларни тақсимлаш функцияси замонавий корхона учун таянч нуқта ҳисобланади. Айрим лойиҳаларни бажариш мақсадида корхона ташқи ташкилотларни жалб этишга ҳаракат қилади ҳамда айирбошлашни байналмиллаштиради. Замонавий иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, айирбошлаш бир йўсинда ҳам корхона, ҳам бозор орқали амалга оширилади. Демак, гап корхона ва бозорнинг бир-бирига кириб бориши ҳақида кетади.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, деҳқон ва фермер хўжаликларни қуйидаги турдаги трансакцион харажатларни амалга оширади:

а) Битимлар тузиш. Бу босқичда харидор сотувчини топиши, баҳолар ҳақида ахборот йиғиши, товарнинг сифатини аниқлаши ҳамда харидорни топиб, у билан олди-сотди ҳақида бир қарорга келмоғи лозим. Сотувчи бозорда жой сотиб олиши, товарнинг сифатини назоратдан ўтказиши ва баҳолар ўзгариши ҳақида ахборот тўплаб бориши зарур;

б) Олди-сотди шартномасини амалга ошириш. Бу босқичда харидор товар нархини тўлайди ва товарга эгалик қилади, товар сифатини яна бир бор баҳолайди. Ҳар бир олди-сотди тўрт хил кўрсаткич бўлишини тақозо этади:

- олди-сотди иштирокчилари;
- трансакцияни амалга оширишдаги ресурслар ва кутиладиган натижалар;
- ресурс ва натижаларга томонларнинг эгалик ҳуқуқи;
- томонларнинг мажбуриятлари.

Энди трансакцион харажатларни - битимни амалга ошириш дав-

рида келиб чиқиши кетма-кетлиги кесимида кўриб чиқамиз:


Битим амалга оширилишидан олдин истеъмол неъматлари ёки ишлаб чиқариш омилларини, потенциал харидорларни ёки сотувчиларни қаердан топиш мумкинлиги ва шу даврга шаклланган баҳолар тўғрисида ахборотга эга бўлиш керак. Бундай туркумдаги харажатлар бу каби харажатлар ҳисобини олиб бориш учун зарур бўлган вақт ва ресурслардан ҳамда олинаётган ахборотнинг таққосланганлиги ва тўлиқ эмаслиги билан боғлиқ бўлган йўқотишлардан ташкил топади.

Қидириш бозорнинг иккала томонида ҳам амалга оширилиши мумкин - ҳам сотувчилар, ҳам харидорлар. Меҳнат бозорида иш берувчилар мавжуд бўлган вакансиялар тўғрисида эълон беради, бандлик хизматига буюртма юборади, тестлар ўтказиши ва номзодларни танлайди. Бу иш жойларига даъвогарлар ўз навбатида ўртоқлари ва қариндошларидан суриштирилади, бандлик хизматлари органларида рўйхатдан ўтадилар, резюме юборадилар. Товар бозорида ишлаб чиқарувчилар истеъмол талабини ўрганишга, маркетингга, реклама материалларини ўрганишга, дўконларга ташриф буюриш, навбатда туриш, савдо агентларини ёллашга (масалан, кўчмас мулкни сотиш бўйича) анчагина маблағ сарфлайдилар.

Қидирув экстенсив ва интенсив шаклда бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда унинг мақсади аввало мавжуд вариантларнинг имкон қадар кўпи билан танишишдир, иккинчисидан эса, улардан бирини имкон қадар чуқурроқ ўрганиш. Кутилган чегарали наф уни давом эттиришнинг чегарали харажатлари билан тенглашганда қидирув тўхтатилади.

Музокаралар олиб бориш харажатлари бунда бозорнинг алмашув шароитларини аниқлаш, шартномаларни расмийлаштириш ва тузиш учун каттагина воситаларни четлатиш талаб қилинади. Битим иштирокчилари қанча кўп ва битим предмети қанча мураккаб бўлса, харажатлар шунча юқори

1-расм. Бозор ва қишлоқ хўжалиги корхоналари алоқалари



бўлади. Нотўғри тузилган, талаб даражасида расмийлаштирилмаган ва ҳуқуқий жиҳатдан яхши ҳимояланмаган келишувлар харажатларнинг кўшимча манбасидир.

Ҳар қандай маҳсулот ва хизмат, бу – тавсифлар тўпламидир. Алмашув пайтида фақатгина улардан баъзилари ҳисобга олиниши муқаррар. Бунинг устига баҳолаш (ўлчаш) аниқлиги тахминий бўлади. Баъзида киритаётган сифатни умуман ўлчаб бўлмайди ва уни баҳолаш учун вакиллардан фойдаланишга

квалификация қилишдир. Амалда сотувга чиқарилган ҳеч бир товарнинг хусусиятларини ўлчаш харажатларидан озод эмас. Буларга ўлчаш техникалари харажатлари, ўлчашнинг ўзини амалга ошириш жараёнидаги бўлган харажатли томонлар, ўлчаш харажатларидан асраш мақсадидаги тадбирларни амалга оширишга харажатлар ва ниҳоят, бу ҳолатлардан кўрилган зарарни киритиш мумкин.

Аниқликка талаб ортиши билан ўлчаш харажатлари ҳам ортиб бо-

т ўғри келади (масалан, олманинг мазаси тўғрисида унинг рангига қараб хулоса чиқариш). Ўлчаш, бу ахборотни

ради. Уларнинг ҳажмини ўлчаш ким томонидан (сотувчи ёки харидор), қачон (тайёрлашда, сотишда ёки товардан фойдаланишда) амалга оширилганлигига ва интенсивликни ўлчаш қайдаражада амалга оширилишига боғлиқ. Оғирлик ва ўлчаш стандартлари жорий қилиниши натижасида инсоният ўлчаш харажатларини жуда катта миқдорда тежашга эришди. Товар сифати баҳоси ҳам сотувчи, ҳам оловчи томонидан белгиланиши мумкин. Ортиқча текширишга йўл қуймаслик учун ўлчаш бир маротаба ўтказилиши мақсадга мувофиқ ва уни ким кам харажат билан амалга ошириш қобилиятига эга бўлса, ўша ўз зиммасига олиши керак. Бунда кафолатли таъмирлаш, корхона ёрлиғи, намуналар бўйича товар партияларини харид қилиш ва шу кабилар тақозо қилинади. Масалан, кафолат сифат ҳар томонлама баҳоланган ва камчиликни аниқлаш неъматни ишлатиш жараёнида автоматик равишда юз берадиган ҳолатларда берилади.

Ж.САУХАНОВ,
и.ф.н., доцент,

Қорақалпоқ давлат университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Williamson, Oliver E 1979. Transaction-cost Economics: The governance relations. Journal of Law and Economics, 22(2): 233-261.
2. Williamson, O.E 1985, The Economic institutions of capitalism: Firms, ma relational contracting. New York, NY: Free press.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШ – ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ҳозирги пайтда дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бироқ озиқ-овқатлар орқали заҳарланиш бўйича дунё статистикаси олиб борилмаяпти. Чунки Осийё, Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларида бу касалликнинг реал кўриниши мониторинги ва қайд этилиши етарли даражада эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, дунёдаги ҳеч бир мамлакат, ўз ички бозорини хавфли ва сифатсиз маҳсулотлардан юз фоиз ҳимоя қила олмайди. Шу боис охириги 25–30 йил мобайнида дунёнинг кўпгина мамлакатлари миллий инфратузилмаларини интенсив тарзда такомиллаштириб, ишлаб чиқарилаётган ва четдан олиб келинаётган маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик назоратини кучайтириш мақсадида янги замонавий

лабораториялар ташкил этмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган янги озиқ-овқат маҳсулотларининг текшириш базалари жуда кам ва ривожланмаган, ҳамда малакали ходимлар ва замонавий меъёрий ҳужжатлар ҳам етарли эмас.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатаётгани, ҳозирги пайтда мамлакатимизда фойдаланилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилувчи ўлчов

асбоблари ва ускуналари 5 йилдан 30 йилгача эксплуатация муддати билан анча эскирган.

Амалдаги 3–4 та илмий марказларда мавжуд бўлган турли таҳлил ускуналари эса ишлаб чиқарилаётган ва четдан импорт қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрий текшириб, етарли даражада хулоса бера олмайди.

Бошқа лабораторияларда фойдаланилаётган текшириш усуллари эса 40 йил аввалгидир ва улар ҳар доим ҳам керакли диапазонни ва текшири натижаларини ҳаққонийлигини тўла кўрсатиб бера олмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, назорат усуллари учун давлатлараро ва миллий стандартлар етарли бўлишига, бир кўрсаткични икки

ва ундан кўпроқ усулларда стандартлаштиришга қарамасдан, улардан ҳеч бири арбитраж-референт лаборатория сифатида аниқланмаган, систематик чегарадан чиқиш кўрсаткичи бўйича ушбу биятларни таққослашга талаблар белгиланмаган.

Мавжуд маълумотлар ҳозир миллий стандартларнинг халқаро стандартлар билан гармонизациясининг умумий даражаси 12,3 фоиздан ошмайди, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича амалдаги 3400 стандартдан 9,2 фоизга яқини гармонизацияланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 октябрдаги “Миллий сифат инфратузилмасининг 2020 йилгача ривожланиш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан халқаро даражада озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини текшириш бўйича умумий инвестициялар миқдори 184,0 минг АҚШ долларига тенг қилиб белгиланган, 2 та лабораторияни аккредитациялаш кўзда тутилган. Афсуски, кўзда тутилган лабораториялар барча спектр бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг таҳлилини ўтказиш имкониятига эга бўлмайди.

Дунё мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистон учун жуда долзарб ва ҳар жиҳатдан қулай бўлган Европа иттифоқи мамлакатлари бозори Global GAP, BRC ва органик сертификатларни талаб этмоқда. Шу ўринда яна бир жиҳат, Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатлари бозори бизнинг маҳсулотлар учун ҳар жиҳатдан тўғри келиши, қулайлиги (мамлакатда жойлашган портлар орқали маҳсулотлар дунёнинг барча мамлакатларига тарқатилиши, етиштирилган маҳсулотларимизнинг ҳалоллиги), бу мамлакат талаб этаётган стандартларни чуқур ўрганиб чиқишни ва ушбу мамлакатда жойлашган стандартлаш ва сертификатлаш бўйича идора билан узвий алоқаларни ўрнатиш кераклигини тақозо этади.

Мамлакатимиз текшириш лабораторияларининг етарли даражада жиҳозланмагани ҳамда замонавий ультрабинафшали суюқ хро-

мотограф ва рефрактометрик детекторларнинг йўқлиги республикада ҳатто асалда ва мева-сабзавотлардан тайёрланган шарбатларда углевод, қанд (глюкоза, фруктоза, моно, дисахаридлар) нинг сифат ва сон таркиби ўлчанмайди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда етиштирилиб, Россияга экспорт қилинган маҳсулотларнинг Россельхознадзор ташкилоти томонидан ушлаб қолиш ҳолатлари мавжуд. Мисол учун, умумий миқдори 52 тонна бўлган ўрик, шафтоли, нок, узум, олхўри маҳсулотлари қадоғида махсус маркировкаси (маҳсулот, мамлакат, экспортёр тўғрисидаги маълумотлар) бўлмаганлиги сабабли ушлаб қолинганлигини таъкидлаш лозим.

2017 йил охирида, янги йил арафасида Воронежга учаётган самолётда хурмо, туршак, қовун, узум, олма, анор, лимон, ёнғоқ



ва кунгабоқар уруғларини олиб ўтаётган Ўзбекистон фуқаросидан фитосанитария сертификати йўқлиги сабабли улар олиб қўйилди.

Ундан ташқари, Челябинск шаҳрида ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаганлиги боис Ўзбекистондан олиб борилаётган мош маҳсулоти олиб қўйилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасида миллий референт-лабораториясининг ташкил этилиши юқорида баён этилган муаммолар ва олдимизда турган долзарб вазифаларни сифатли ҳал этишга кўмаклашиши муқаррар.

Ушбу миллий референт-лабораториянинг асосий вазифалари қу-

йидагича белгиланади:

- республикада ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш ва хулоса бериш;
- экспортга мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш ва хулоса бериш;
- ички бозорни импорт орқали кириб келаётган ҳавфли ва сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини арбитраж қилиш, таққослаш ва сертификациялаш бўйича функцияларни амалга ошириш;
- мамлакат миллий озиқ-овқат саноати соҳасига юқори малакали мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- сертификациялаш ва инспекция бўйича ишларнинг натижаларининг мувофиқлигини баҳолаш ҳамда тан олишни таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни, аynиқса, МДХ мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтириш.

Ушбу миллий референт-лаборатория ўз фаолиятини молиялаштириш ва хўжалигини юритишда мустақил ташкилот мақомига эга бўлади. Ўз вазифаларини манфаатдор корхона ва ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, хусусий томорқа хўжаликлари билан тўғридан-тўғри тузиладиган хўжалик шартномалари асосида амалга оширади. Ўзининг техник ва молиявий аҳволини янада такомиллаштириш, замонавий текшириш асбоб ва ускуна, материал ва эҳтиёт қисмлар ҳамда ўз фаолияти учун бошқа зарурий ашёларни олиб келиш учун ҳомий ташкилотлар маблағларини ҳамда маҳаллий ва халқаро ташкилотларнинг грант ва ҳомийлик ёрдмларини ҳам жалб этиши керак.

Миллий референт-лаборатория республикамиздаги озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш, сертификациялаш, стандартлаш ишларини амалга оширадиган мустақил ташкилот мақомига эга бўлиб, унда илмий даражали ва етакчи мутахассислар, энг камида 20 та иш жойи ташкил этилиши мумкин.

Қ. АДИЛОВ,

«Агроинновация» жамғармаси жамоат фонди ижрочи директори.

ЁЎ ДАРҲАРАДА

Кичик иш сеҳри

Кўп гувоҳи бўлганман: кичик ишларини қойиллатиб юрганлар, аксарият ҳолларда катта ишларни ҳам уддалаб кетадилар. Фақат катта ишларни бошқариб ўрганганлар кичиклари қаршисида додираб қоладилар.

Шакарнинг ҳам ози ширин

Ортиқча мулозамат ҳам одамни хит қилиб юборади.

Ташига қарама, ичига қара

Йўлнинг бошига маҳлиё бўлиб, унинг охири ҳам борлигини унутма.

Етти ўлчаб бир ... юр

Ҳушёр бўл, сени “бу йўл тўғри” деб ишонтираётганларнинг ўзлари бу йўлдан юрмаган бўлишлари мумкин.

Ҳамнафаслик

Давр билан ҳамнафас бўлиш учун шу даврнинг шижоатли, тадбиркор инсонлари билан “бирдек нафас олиш” керак.

Хомхаёлик

“Сувдан “қуруқ” чиқдим, тегирмондан ҳам бутун чиқаман”.

Хатоликлар хатолардан келиб чиқади

Ҳаётда йўл қўйилган хатоликлар сони хато кечирилган ҳаёт йилларига мутаносибдир.

Мингоёқ

Ёлғон “кеч” қоладиган жойга миш-миш “вақтида” етиб боради, чунки ёлғоннинг оёғи юзта, миш-мишники мингта.

Йўллар, бу қадим йўллар

Машина ҳайдовчиси ўнқир-чўнқирли йўлга дуч келиб қолса, уни четлаб ўтади, ёнидаги равон йўлни танлаб юради ва манзилига етиб олади. Лекин ҳаёт, тақдир йўлларини четлаб бўлмайди: наст-баландми, тор ва кенгми, лойми-қуруқми, бари-бир босиб ўтишга тўғри келади. Ҳар бир инсон шунга тайёр турмоғи лозим.

Уйланиш ва ўйланиш

Уйланиш сари биринчи қадамни ўйлаб ташлаганлар ютадилар.

Оила фарзандлардан бошланади

Янги оиланинг нозик ришталарини дунёга келган янги чақалоқлар мустаҳкамлайдилар.

Тўғри танланган йўл

Қоқилмай юра оладиган йўлни бошиданоқ танлай билган инсонгина кўзлаган манзилига бешикаст етиб бора олади.

Изчил интилиш

Ватан равнақи йўлида ҳаракат тезлигини ошириш керак.

Юкнинг оғирлиги кўтарганда билинади

Бировларнинг юкини енгиллатмаганлар унинг оғирлигини қаердан билсин.

Мақсад ноаниқ бўлса

Инсоннинг ўз олдига қўйган мақсади ноаниқ, мужмал бўлса, қанчалик уринмасин, унга элтадиган аниқ йўлни ҳам, воситани ҳам топа олмайди.

М.ТОШБОЛТАЕВ,
профессор

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)
Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва Сув хўжалиги
вазирликлари

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Қишлоқ
хўжалиги ва озиқ-овқат
таъминоти илмий-ишлаб чиқариш
маркази

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Баҳодир ЮСУПОВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Аброр ВАХАБОВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Сурат ҲАЙДАРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Қамар СЕРКАЕВ
Мурод АШУРОВ

2018 йил,
№9. Сентябрь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи	1
Т.ДОЛИЕВ. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари	3
Ш.АБДУАЛИМОВ, Ф.ҲАСАНОВА. Пахта ҳосилини териш – муҳим агротехник тадбир	5
М.ТОШБОЛТАЕВ. Пахтани машинада териш самараси	7
Р.АБДУЛЛАЕВ, Н.ДЖАЛИЛОВ. Меваларни териш ва сақлаш	8
Б.БУРХОНЖОНОВ. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг замонавий усуллари	10
Т.НАСИРОВ. Техника – деҳқон мададкори	12
Ф. МИРЗО. Тўкинлик тўғони	14
Далалар деҳқонни роҳатлантиради	15
Ш.ЖАББАРОВА. Чорвадор боғ яратмоқчи	16
К.ЭРГАШЕВ. Такрор пилла – такрор даромад	17
Бўлар бола	18
Асал – неъматлар султони	20
Х.КАРИМОВ. Исми жисмига монанд	21
Юрт равнақи йўлида	22
Тоғ этагидаги тўкинлик	24
М.ФАЙЗУЛЛАЕВ. Ибратли маҳалладошлар	25
Боғни боққан бой бўлар	26
Ш.СОДИҚОВА. Мираъзамнинг иссиқхонаси	27
Ҳар ишда ташаббус керак	28
Бибинурнинг нурли қадами	28
Шифобахш масканда	29
Ж.АХМЕДОВ, Х.ЧОРИЕВА. Ингичка толали ғўзанинг афзалликлари	31
П.ИБРАГИМОВ, Б.ЭРГАШЕВ, С.ЭРГАШЕВА. Тола ҳосилдорлигини таъминловчи белгилар орасидаги корреляцион боғлиқликлар	32
И.АМАНТУРДИЕВ, Ш.НАМАЗОВ, Р.ЮЛДАШЕВА. Ғўзанинг географик узоқ юқори авлод дурагайларида айрим қимматли-хўжалик белгиларнинг ўзаро корреляцияси	34
Н.НУРМАТОВ, Н.БЕГИМКУЛОВА. Помидор F ₁ дурагайларида ривожланиш даврларининг наслдан-наслга ўтиши	35
И.ТУРСУНОВ, Н.ЎРАЗМАТОВ. Оралиқ экинлар – вика ва рапснинг тупроқда илдиз массаси тўплаши ва кўк масса ҳосилдорлиги	36
Х.МУРОДОВ, Б.АХМЕДОВ. Марек касаллиги	37
М.ҲАЙИТОВА. Тупроқдаги тузлар ва уларнинг ўсимликларга таъсири ..	38
М.ҲАЙИТОВ, М.МАШРАБОВ, М.ДАВИРОВА, Х.БОБОЕВА. Зарафшон водийси типик бўз тупроқларида ширин қалампирни ўғитлаш ..	39
О.СУЛАЙМОНОВ, Ж.ЯХЁЕВ, Х.ПАРДАЕВ. Колорадо қўнғизи	40
С.УБАЙДУЛЛАЕВ. Ток канасининг зарари ва унга қарши уйғунлашган кураш усуллари	41
У.ДАНИЯРОВ. Саноат дурагайларининг маҳсулдорлигини оширишга ёрдам берадиган тут навларини аниқлаш	42
З.ЖУМАБОВЕВ, О.МЎМИНОВА. Оралиқ ва озуқабоп экинлар ҳосилдорлиги	43
Ж.САУХАНОВ. Агробизнес корхоналарида трансакцион харажатлар	44
Қ.АДИЛОВ. Озиқ-овқат маҳсулотларини стандартлаш – долзарб мавзу ..	45
М.ТОШБОЛТАЕВ. Ён дафтардан	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 0158-рақам билан рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтоҳур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 71 242 13 54,
+998 71 242 13 24.

www.qxjournal.uz
E-mail: qxjournal@qsxv.uz,
uzqx_journal@mail.ru

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2018 йил 3 сентябрь. Босишга рухсат этилди: 2018 йил 5 сентябрь. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма № Нусхаси 3700 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Б.ЭСОНОВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**



«ЎЗШАРОБСАНОАТ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Халқимизни, аграр соҳа ходимларини,
тизимда меҳнат қилаётган қўп минг сонли
мутахассисларни Энг улуг, Энг азиз
байрамимиз*



— Мустақилликнинг 27 йиллиги

*муносабати билан самимий
муборакбод этади.*

*Юртимизнинг фаровон эртаси учун
камарбаста бўлиб меҳнат қилаётган барча
юртдошларимизга сиҳат-саломатлик,
хонадонларга файзу барака,
иқтисодийётимизни юксалтириш йўлидаги эзгу
ишларида улкан зафарлар доимо
ёр бўлишини тилайди.*

***Жонажон Ўзбекистонимиз
янада гуллаб-яшнайверсин!***





Мамлакатимиз аҳлини Энг улуг, Энг азиз байрамимиз – Мустақилликнинг 27 йиллик айёми билан чин дилдан қутлаймиз. Бизга эркин ва ташаббускорлик билан яшаб, меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар яратган Истиқлолимиз абадий бўлсин!



**Катта Фарғона Магистрал
канали бошқармаси**